“Бинокор” аэрация станциядаги оқова сувларни тажриба ўтказилгандан олдинги ва кейинги физик-кимёвий кўрсаткичлари

№	Кимёвий кўрсаткичлар	“Бинокор” аэрация станцияси оқова сув кўтариш қувуридан	Тажрибадан олдин		Тажрибадан кейин			Нормативлар
			Аэротенкадан чиқишда оқова сув	“Бинокор” аэрация станциясидан чиқаётган оқова сув	Аэротенкадан чиқишда оқова сув		“Бинокор” аэрация станциясидан чиқаётган оқова сув	
					эйхорния	пистия		
1	Ҳиди	5	4	3	2	1	1	2
2	Ранги	4	3	2	2	1	1	2
3	pH	8,9	8,4	8	7,5	7,2	7,0	6-8
4	Эриган кислород, мгО <sub>2</sub> /л	6,58	8,5	8,9	10,2	12,8	13,7	4-6
5	КБС <sub>5</sub> , мгО <sub>2</sub> /л (БПК <sub>5</sub> )	62,5	29,1	22,3	20,1	17,5	3,12	30,0
6	Фосфатлар, мг/л	2,98	2,34	2,70	1,98	1,06	0,44	2,5
7	Мис, мг/л	3,45	2,1	1,8	1,58	1,04	0,86	1,0
8	Аммиак, мг/л	3,8	2,87	2,42	2,1	1,92	0,76	2,5
9	Темир, мг/л	4,7	3,05	2,95	2,7	2,36	1,17	5,0
10	Хлоридлар, мг/л	435	393	382	256,8	189	87,8	350
11	Хром, мг/л	0,58	0,38	0,29	0,25	0,12	0,10	0,10
12	Сульфатлар, мг/л	167,2	113,8	95,8	80,92	60,5	25,08	350
13	Нитратлар, мг/л	67,0	46,4	43,7	33,8	28,9	7,2	45,0
14	Нитритлар, мг/л	4,6	3,54	3,32	2,37	1,56	0,92	3,3



фосфат, сульфат) микроорганизмлар томонидан парчала-ниши ва сув ўсимликларини ўзлаштирилиши сабаб бўлган, бунда оқова сувларни табиий жиҳатдан ўз-ўзини тозалаш жараёнини кетаётганлигини айтиш мумкин.

Демак, “Бинокор” аэрация станциясида тажриба қўй-ишдан олдинги оқова сувларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари станцияга тушаётган дастлабки оқова сувнинг таркиби 60–70% тозаланмаганлигини кўрсатиб турибди. Аэротенкадаги оқова сувга пистия ва эйхорния ўсимликларини экилгандан 3 сутка ўтгандан сўнг, оқова сув таркибидаги моддалар миқдори сезиларли даражада камайганлиги аниқланди. 7 сутка ўтгандан сўнг аэротенкалардаги оқова сувнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари 90–95% тозаланаётганини кузатилди. Оқова сувнинг кислородга бўлган талаби (КБС) 90–95%, фосфатлар миқдори 50–60%, сульфатлар миқдори 40–50%, нитратлар-нитритлар миқдори эса 70% камайганлиги кузатилди. Бу тажриба натижалари шуни кўрсатмоқдаки “Бинокор”

аэрация станциясидаги оқова сувлари сув ўсимликлари ердамида биологик тозалаш самарадорлиги ўсимлик турига боғлиқ ҳолда 60 фоиздан 90–95 фоизгача етказиш мумкинлиги аниқланди.

**Хулоса:** “Бинокор” аэрация станциясида олиб борилган тажриба натижалари шуни кўрсатди, пистия ўсимлигини аэрация станциясида шаклландан оқова сувларни биологик тозалаш технологияларда фойдаланиш мумкинлигини, яъни 5–7 кунда оқова сувни таркибидаги моддалар 40–70 фоиз сув ўсимлиги томондан ўзлаштирилганлиги, кислородга бўлган талаб 90–95 фоиз қондирилганлиги аниқланди ва тозалаш самарадорлиги 95 фоизгача ташкил этди. Ушбу натижалар асосида мазкур аэрация станциянинг оқова сувларини сув ўсимликлари ердамида тозалаш технологияларини татбиқ этиш ҳамда мазкур технологияларни республикадаги турли шаҳарларда аҳоли пунктларида шаклландан оқова сувларни тозалаш жараёнларига қўллаш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

№	Адабиётлар	References
1	Турдалиева Х., Шоякубов Р.Ш. Биологическая очистка сточных вод Ангренского производственного управления «Сувоқава» путём культивирования высших водных растений и водорослей // Узбекский биологический журнал. – Ташкент, 2005. – №2–3. – С. 54–59.	Turdaliev H., Shoyakubov R.Sh. <i>Biologicheskaya ochistka stochnikh vod Angrenskogo proizvodstvennogo upravleniya «Suvoqova» putyom kultivirovaniya visshikh vodnikh rasteniy i vodorosley</i> [Biological sewage treatment of the Angren industrial department of Suvokava by cultivating higher aquatic plants and algae] Uzbek Biological Journal. Tashkent, 2005. No. 2–3. Pp. 54–59. (in Russian)
2	Хайдарова Х.Н. Пистия телорезовидная и её использование при биологической очистке сточных вод заводов первичной обработки кенафа: Автореф. дис... канд. биол. наук. – Ташкент, ИБ, 1991. – 46 с.	Khaidarova Kh.N. <i>Pistiya telorezovidnaya i eyo ispolzovanie pri biologicheskoy ochistke stochnikh vod zavodov pervichnoy obrabotki kenafa</i> [Pisty telorezidnaya and its use in biological wastewater treatment plants kenaf primary treatment]: Avtoref. dis Cand.biol.Sci. Tashkent, IB, 1991. 46 p. (in Russian)
3	Нечаев В., Чен Юаньгао, Дай Цюаньюй, Пи Юй, Чжан Хан. Исследование условий роста водного гиацинта в серебросодержащих сточных водах и определение предела безвредного для него содержания серебра в таких водах. J. Ecol. – 1991. – №2. – С. 30–35.	Nechaev V., Chen Yuangao, Dai Quanyu, Pi Yu, Zhang Han. <i>Issledovanie usloviy rosta vodnogo giatsinta v serebrosoderzhashikh stochnikh vodakh i opreledenie predela bezvrednogo dlya nego sodержaniya serebra v takikh vodakh</i> [Investigation of the growth conditions of water hyacinth in silver-containing wastewater and the determination of the limit of its harmless silver content in such waters] J. Ecol. 1991. No2. Pp.30-35. (in Russian)
4	Шоякубов Р. Қишлоқ ва саноат корхоналари оқова сувларини сув ўтлари ва сув ўсимликлари ердамида тозалаш биотехнологияси. – Тошкент, 2008. – 143 б.	Shoyagubov R. <i>Kishlok va sanoat korkhonalari okova suvlarni suv utlari va suv usimliklari yordamida tozalash biotekhnologiyasi</i> . [“Biotechnology of Purification of Wastewater from Horticultural and Industrial Enterprises by Herbs and Aquatic Plants”] Tashkent, 2008. 143 p. (in Uzbek)
5	Эргашев А., Отабоев Ш., Шарипов Р., Эргашев Т. Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик моҳияти. – Тошкент: “Фан”, 2009. – 53 б.	Ergashev A., Otoboev Sh., Sharipov R., Ergashev T. <i>Suvning inson khayotidagi ekologik mohiyati</i> . [The ecological essence of water in human life]. Tashkent, “Fan” 2009. 53 p. (in Uzbek)
6	Холматов У.А., Хидирбоева Г. Маиший-коммунал оқова сувларни тозалаш учун биологик объектларни танлаб олиш // “Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муамолари” мавзусидаги XIV аъъанавий илмий-амалий анжуман. I қисм. 9-10. ТИМИ. – Тошкент, 2015. – 125 б.	Holmatov U., Hidirboeva G. <i>Maishiy-kommunal okova suvlarni tozalash uchun biologik ob'ektlarni tanlab olish</i> . [Selection of biological objects for household waste water treatment]. XIV traditional scientific and practical conference on “Modern Problems of Agriculture and Water Management”. I-Qism. 9-10. TIMI. Tashkent, 2015. 125 p. (in Uzbek)
7	Қудратов О. Саноат экологияси. – Тошкент, 2003. – 145 б.	Qudratov O. <i>Sanoat ekologiyasi</i> [“Industrial Ecology”] Tashkent, 2003. 145 p. (in Uzbek)
8	Қулмуродов Б., Исмаилхаджаев Б., Халмирзаева Б. Биоэкологические особенности перспективных видов микроводорослей // Материалы Международной научно-практической конференции “Проблемы экологии Казахстана”. – Шимкент, 2004. – С. 171–173	Qulmurodov B, Ismailhadzhaev B., Halmirzaeva B. <i>Bioekologicheskie osobennosti perspektivnikh vidov mikrovodorosley</i> [Bioecological features of promising species of microalgae] Materials of the International Scientific and Practical Conference “Problems of Ecology of Kazakhstan”. Shymkent, 2004, Pp. 171-173 (in Russian)
9	Исмаилхаджаев Б.Ш., Сманова З., Янгибаев А. Иммунизованные реагенты для определения тяжелых токсичных металлов в различных по природе вода // “Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариши учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами. – Тошкент, 2009. – С. 16–19	Ismailhadzhaev B.Sh., Smanova Z., Yangibaev A. <i>Immobilizovannaya reagenti dlya opredeleniya tyajelikh toksichnikh metallov v razlichnikh po prirode voda</i> [Immobilized reagents for the determination of heavy toxic metals in water of different nature]. Tashkent, 2009. Pp. 16-19 (in Russian)

10	Шоякубов Р., Нигматий С. О возможностях использования некоторых высших водных растений в очистке сточных вод текстильных предприятий Турции // Материалы международной Конференции Актуальные проблемы современной альгологии, микологии и гидробиологии. – Ташкент, 2009. – С. 283–285	Shoyakubov R. Nigmati. C. <i>O vozmozhnostyakh ispolzovanie nekotorykh visshikh vodnykh rasteniy v ochildke stochnykh vod tekstilnykh predpriyatiy Tursii</i> . [About recoils use of some higher aquatic plants in wastewater treatment of textile enterprises in Turkey]. Materials International Conferensii Actual problems of modern algology, mycology and hydrobotany, Tashkent, 2009. Pp. 283-285 (in Russian)
11	Лурье Ю. Справочник по аналитической химии. – Москва: Химия, 1986. – 256 с.	Lurie Y. <i>Spravochnik po analiticheskoy khimii</i> [Handbook of analytical chemistry]. Moscow: Chemistry 1986. 256 p. (in Russian)
12	Кутлиев Д.К. Микроорганизмы промышленно-бытовых и сельскохозяйственных сточных вод Узбекистане и их очистительная роль. Автореф. докт. дисс. – Ташкент, 1993. – 45 с.	Kutliev D.K. <i>Mikroorganizmi promishlennno-btovikh i selsko-khozyaystvennikh stochnykh vod Uzbekistane i ikh ochistitelnaya rol</i> [Microorganisms of industrial, domestic and agricultural wastewater of Uzbekistan, and their cleaning role] Autoref.doct.diss. Tashkent, 1993. 45 p. (in Russian)
13	Исмаилхаджаев Б. Ш, Холмирзаева Б “Ўзбекистон шароитида ўстирилаётган сув ўтларнинг биокимёвий хусусиятлари ва улардан амалиётда фойдаланиш”// “Альгология, микология ва гидро-ботаниканинг долзарб муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг мақолалар тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 92–96	Ismailxadjajev B. X, <i>Kholmirezayeva B Uzbekiston sharoitida ustirilayotgan suv utlarining biokimyoviy xususiyatlari va ulardan amaliyotda foydalanish</i> ["Biochemical properties of herbs and their application in the conditions of Uzbekistan", "Collection of articles of the international scientific-practical conference" Actual problems of algebra, mycology and hydrobotanics"]. Tashkent, 2009. Pp. 92-96 (in Uzbek)
14	Бўриев С.Б., Мустафоева М.И., Жумаева М.А. Тўқимачилик корхоналарида ишлатиладиган бўйёқ моддаларнинг, хлоронинг оқова сув ўтларига таъсири. Развитие ботанической науки в центральной Азии и её интеграция в производство. – Тошкент, 2004. – Б. 248-249	Buriev S.B., Mustafayeva M.I., Jumaeva M.A. <i>Tukimachilik korkhonalarida ishlatiladigan buyyok moddalarning, khloronging okava suv utlariga ta'siri</i> [Effects of toxic substances used in textile plants, chlorine on grasses]. Razvitie botanicheskoy nauki v centralnoy Azii i eyo integratsiya v proizvodstvo. Tashkent, 2004. Pp. 248-249 (in Uzbek)
15	Шоякубов Р.Ш., Холмуродов А.Г., Кутлиев Ж., Хайдарова Х.Н., Хасанов О., Жуманиязова Г.И. Рекомендации по эффективной биотехнологии очистки сточных вод с использованием пистии телорезовидной. Ташкент, РЦНТИ Узинформагрупп, 1993. – 30 с.	Shoyakubov R.Sh., Kholmurodov AG, Kutliev Zh., Khaidarova Kh.N., Khasanov O., Zhumaniyazova G.I. <i>Rekomendatsii po effektivnoy biotekhnologii ochildki stochnykh vod s ispolzovaniem pistii telorezovidnoy</i> . [Recommendations for effective biotechnology wastewater treatment using telorevis pistols]. Tashkent, RCSTI Uzinformagrupom, 1993. 30 p. (in Russian)
16	Шоякубов Р.Ш. Биология пистии телорезовидной и возможности её практического использования: Автореф. дис. докт. биол. наук. – Ташкент, 1993. – 46 с.	Shoyakubov R.Sh. <i>Biologiya pistii telorezovidnoy i vozmozhnosti eyo prakticheskogo ispolzovaniya</i> [Biology of telepresis pistis and the possibility of its practical use]: Author. dis doct.biol. sciences. Tashkent, 1993. 46 p. (in Russian)
17	Шоякубов Р. Юксак сув ўсимлиги – пистияни турли sanoat ва кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришдан чиқадиган оқова сувларни тозалаш самарадорлиги // Альгология, микология ва гидробиотаниканинг долзарб муаммолари мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг мақолалар тўплами. – Тошкент, 2009. Б. 259-262	Shoyakubov R. <i>Pistiyani turli sanoat va kishlok khuzhaligi ishlab chikarishdan chikadigan okova suvlarni tozalash samaradorligi</i> [High water plantation - Efficiency of cleaning of pistachios from various industrial and agricultural production] Collection of articles of international scientific-practical conference on urgent problems of Algorithmic, Mycology and Hydrobotanics Tashkent, 2009 Pp. 259-262 (in Uzbek)
18	Шоякубов Р.Ш., Кутлиев Дж., Хайдарова Х.Н., Джуманиязова Г.И. Биотехнология массового культивирования и использования пистии телорезовидной при биологической очистке сточных вод. Информационное сообщение № 433. – Ташкент: Фан, 1988. – 16 с.	Shoyakubov R.Sh., Kutliev J., Khaydarova Kh.N., Jumaniyazova G.I. <i>Biotekhnologiya massovogo kultivirovaniya i ispolzovaniya pistii telorezovidnoy pri biologicheskoy ochildke stochnykh vod</i> [Biotechnology of mass cultivation and use of telesore pistes for biological wastewater treatment] Informational report No 433. Tashkent, Fan, 1988. 16 p. (in Russian)
19	Лурье Ю.Ю. Аналитическая химия промышленных сточных вод. – Москва: Химия, 1984. – 447 с.	Lurie Yu.Yu. <i>Analiticheskaya khimiya promishlennikh stochnykh vod</i> [Analytical chemistry of industrial wastewater]. Moscow.: Chemistry 1984. 447 p. (in Russian)
20	Стольберг В.Ф., Ладыженский В.Н., Спирин А.И. Биоплато – эффективная малозатратная экотехнология очистки сточных вод. Экология довкілля та безпека життєдіяльності. – 2003. – №3. – С. 32-34	Stolberg V.F., Ladyzhensky V.N., Spirin A.I. <i>Bioplato – effektivnaya malozatratnaya ekotekhnologiya ochildki stochnykh vod</i> [Bioplato is an effective low-cost ecotechnology for wastewater treatment] Ecology of the environment and the environment. 2003. No 3. Pp. 32-34. (in Russian)

УЎТ: 631.67:615.473.5(575.1)

## ДЕЛЬТА, ВОҲА ЛАНДШАФТЛАРИ ТУЗИЛМАСИ ВА УЛАРНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШДАГИ ЎРНИ

Ҳ. Ҳамидов - т.ф.д., профессор

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

### Аннотация

Маълумки, воҳалар (экинзор майдонлари) ва чўллар термогидродинамик (термо-иссиқлик, гидро-сув, динамик-кучайтиргич) ва гидравлик (сувнинг ҳаракати) жиҳатдан ўзаро алоқадорликда ривожланувчи геотизимлардир. Мақолада бу алоқадорликда рўй берадиган табиий жараёнлар, яъни мелиорация ишларига ижобий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар баён этилди. Айтилган вақтда, воҳалар билан чўллар ўртасидаги муносабатнинг бир-бирига ижобий таъсири ҳам батафсил ўрганишга ҳаракат қилинди. Мақолада республикамиз вилоятларининг бир неча экин майдонлари мисолида уларнинг ерлари таркибидаги фойдали жараёнлар ҳам ўрганилди ва уларни суғориладиган ерлар учун аҳамияти бир нечта расмларда рақамли изоҳлар билан таснифланган.

**Таянч сўзлар:** дельта, экинзорлар, ландшафтлар (манзара), сизот сувлар, булоқлар, экин майдонларидаги табиий мажмуалар, мелиоратив ишларининг аҳамияти.

## СТРУКТУРА ДЕЛЬТЫ, ОАЗИСОВ ЛАНДШАФТНЫХ ЗЕМЕЛЬ И ИХ РОЛЬ В УЛУЧШЕНИИ МЕЛИОРАТИВНОГО СОСТОЯНИЯ ОРОЩАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ

Х. Ҳамидов - д.и.н., профессор

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

### Аннотация

Известно, что орошаемые земли и пустыни представляют собой термогидродинамические (термо-тепло, гидро-вода, динамик-усилитель) и геотермальные (движение воды) геоструктуры, которые развиваются в гидравлических отношениях. В статье изложены природные процессы в этой связи, которые определенным образом влияют на мелиорацию земель, детально изучено взаимное влияние отношений между оазисом и пустынями. В статье на примере земель нескольких областей республики изучены процессы состава происходящие земель, значение которых для орошаемых земель классифицируется с помощью цифровой интерпретации на нескольких рисунках.

**Ключевые слова:** дельта, оазис, ландшафты, грунтовые воды, родники, природные комплексы на орошаемых землях, важность мелиоративных работ.

## STRUCTURE OF THE DELTA, LANDSCAPE FIELDS AND ITS ROLE IN IMPROVING THE QUALITY OF THE CONDITION OF MELIORATION


X. Xamidov - d.h.s., professor

Tashkent Institute of Engineers of Irrigation and Mechanization in Agriculture

### Abstract

It is known that the irrigated lands and deserts are thermo-hydrodynamic (thermo-heat, hydro-water, loudspeaker-amplifier) and geothermal (water movement) geo-structures that develop in hydraulic relations. The article describes the natural processes in this regard that will have a positive impact on land reclamation. At the same time, the positive influence of the relationship between the oasis and deserts on each other has been studied in detail. The article examines useful land composition processes in several areas of the country, the significance of which for irrigated lands is classified using digital interpretation in several figures.

**Key words:** delta, oasis, landscapes, groundwater, springs, natural complexes on landings, Importance of meliorative works.



**Кириш. Воҳа ва чўл геотизимларининг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири.** Ҳозирги экологик вазият танг бўлган бир даврда воҳа ва чўл ўртасидаги ўзаро алоқадорликни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тўғри таҳлил қила билиш республикамизда табиатни муҳофаза қилиш билан бирга унинг келажакдаги ҳолатини ҳам тўғри барқарорлаштиришга асос бўлади [1].

Воҳа ва чўл термогидродинамик ва гидравлик жиҳатдан ўзаро алоқадорликда ривожланувчи геотизимлардир. Воҳа ва чўл геотизимлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик энг аввало уларнинг литологик-геоморфологик шароитларининг бир-бирларига яқинлигидадир. Улар асосан аллювиал дельта, дарёларнинг пролювиал-аллювиал террасаларида, пролювиал шлейф ва конус ёйилмаларида мужассам-



лашган табиий ҳудудий мажмуалардир. Бу геотизимларнинг маълум қисмини ёки тўлиғича деҳқончилик ишларида фойдаланилиши улар ўртасидаги алоқадорликни маълум қонуниятлар асосида давом этишига олиб келади. Геотизимлар ўртасидаги иссиқлик, намлик, турли тузлар ва бошқа моддалар билан бўладиган ўзаро алмашинув, аввало ер усти оқар сувлари, сизот сувлари ҳамда шамол ёрдамида амалга ошади. Бу алоқадорликда воҳа табиатига атрофдаги чўлнинг ва воҳанинг чўл табиатига бўладиган икки тарафлама таъсирини тўғри аниқлаш лозим [2].

**Воҳа геотизимларининг атрофидаги чўл табиатига таъсири.** Воҳалардаги экин майдонлари, суғориш (ирригация) шохобчаларидан грунтга сизиб ўтган сувлар воҳа атрофидаги чўлда сизот сувларининг сатҳи ва минераллашув даражасининг ўзгаришига бевосита таъсир этади. Ўша ҳудудларда намлик миқдори ортади. Воҳанинг таъсир доирасининг катта-кичик бўлиши жойнинг литологик-геоморфологик тузилиши билан боғлиқдир [3].

Грунтнинг сув ўтказувчанлиги нисбатан яхши бўлган пролювиал текисликларда сизот сувларининг ётиқ ҳаракати анча масофага етиб боради. XX асрнинг 60-йиллари бошларида Мирзачўлнинг жанубида (Тожикистон ҳудудида) 15 минг гектарга яқин ерларнинг суғорила бошлашдан сўнг маълум бир вақт ўтиши билан чўлнинг шимолидаги эски ва янги ўзлаштирилган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлаша бошлади. Бунга сабаб пролювиал ерларнинг юқори қисмидаги суғорилган майдонлардан сизиб ўтган сувларнинг унинг чекка қисмларига оқиб келишидир. Натижада сизот сувларининг сатҳи кўтарилиб, шўрланиш даражаси бир неча марта ортди ва катта майдондаги ўзлаштирилган ва кўриқ ерларни шўр босди. Ясси дельта ва террасалардаги воҳаларнинг сизот сувларининг таъсир доираси жойлардаги ётқиқларнинг механик таркиби оғирлигидан унчалик узоқ масофага етиб боролмайди (ўртача 30 км атрофида). Чунки ушбу ҳудудларда сизот сувларининг ётиқ ҳаракатидан кўра тик ҳаракати кучлироқдир.

Қуйи Амударё ва Зарафшон воҳаларининг чекка қисмларида олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, улардан чиқувчи сизот сувлари таъсирида атрофда ўзига хос табиий-антропоген мажмуали минтақалар вужудга келади. Сизот сувларнинг ер юзасига жуда яқин жойлашган (0–1, баъзан 2–3 м) I минтақада зах сувлари тўпланишидан субаквал (кўл) ҳамда супераквал (кўл-ботқоқ) геотизимлар ривожланади (масалан, Бухоро воҳасининг жанубида воҳа билан Аму-Бухоро канали оралиғидаги пастқамликларда ва ҳ.к.). Воҳадан узоқлашган сари сизот сувларининг сатҳи пасайиб, таъсири камаяди. Мазкур II минтақа ярим гидроморф шўрланган мажмуалар билан характерланади. III минтақада сизот сувларнинг сатҳи анча чуқур бўлиб (3–5 ва 5–7 м), ярим гидроморф, элювиал мажмуалар билан алмашиб келади. Воҳалар арид (курғоқ) минтақаларда қатор ташлама – антропоген кўлларнинг вужудга келишида асосий омилдир. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумоти бўйича республикамизда захкаш-зовур сувлар миқдори 23–25 млрд м<sup>3</sup> га (2013) етгани ҳолда, шунинг 8–10 млрд м<sup>3</sup> дан ортиғи асосан воҳалар атрофидаги пастқамликларга (шўр кўлларга) оқизилади. Фақатгина, Бухоро ва Қорақўл воҳаларида вилоят гидрогеологик-мелиорация экспедицияси ҳисоботида кўрсатилишича, 2012 йилда суғориш учун 4,0 млн м<sup>3</sup> миқдорда сув олинган бўлса, 1,8 млн м<sup>3</sup> ҳажмидаги сувларни зовурлар орқали воҳалардан ташқарига чиқарилган. Воҳаларга олинган сув таркибида деярли 4000 минг тонна ҳар хил тузлар мавжуд бўлган бўлса, зах сув-


лари билан бирга таркибида 6707 минг тонна тузлар чиқарилган. Амударё ва Сирдарёга кўплаб захкаш-зовур сувлар (15 млрд м<sup>3</sup> - 2013 й.) ташланишидан дарёлар сувининг шўрланиш даражаси ҳам ортади (ҳар литр сувда 0,5–3 г. гача). Натижада сизот сувларининг ҳам шўрланиш даражаси ортади (ҳар литрда 2,2–16,0 г), тупроқлар шўрланмоқда, тўқай ўсимликларининг муттасил ўсиши ёмонлашмоқда.

**Чўлларнинг воҳалар табиатига таъсири.** Мунтазам инсон назоратида бўлган воҳалар доимо атрофидаги чўл таъсирида бўлади. Воҳаларда суғориш тугалланиши билан сизот сувларнинг сатҳи аста-секин пасая бошлади. Ниҳоят, қишқи шўр ювиш бошланиши олдида энг паст даражага тушади. Шундан сўнг атроф чўлдан шўрланиш даражаси нисбатан анча юқори бўлган (ҳар литр сувда 10,0 г дан ортиқ) сизот сувлари воҳаларга томон сизиб кела бошлади. Айниқса, воҳа атроф-чўлдан паст қамроқ жойда бўлса, сизот сувларининг келиши тезлашиб, тупроқда туз тўпланиши ҳам жадаллашади [4].

Чўлдан эсувчи шамоллар ҳам одатда турличанг, туз ва қум заррачаларини воҳаларга келтиради. Ёзда бир неча кун жанубдан эсувчи, афғон” шамол ҳам Ўзбекистоннинг жанубий воҳаларига анча миқдорда қум ва қум заррачаларини келтиради. Айрим воҳаларда суғориладиган ерларнинг қум босиши авж олмоқда. 1992 йилда Хоразм воҳасининг 200 гектардан ортиқ суғориладиган ерини қум босганлиги сабабли қишлоқ хўжалигида фойдаланилмади. Кейинги вақтларда Орол денгизи сув сатҳининг пасайиши, сувдан бўшаган ҳудудлардаги тузларни шамол учуриб кетишидан Р.Разаков маълумотига кўра, Орол бўйи минтақасида ҳар гектар ерга 800–1000 кг, Нукус шаҳри кенгликларига 100–700 кг туз ётқирилмоқда. Бу ўз ўрнида суғориладиган ерларнинг мелиоратив шароитларини ёмонлашувига, қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорликнинг сезиларли даражада камайишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумоти бўйича бу кўрсаткич пахтада 5–15%, шוליда эса 3–10 фоизни ташкил этмоқда. Умуман воҳа ва чўл ўртасидаги ўзаро алоқадорлик анча мураккаб, кўп омилли бўлиб, воҳаларнинг катта-кичиклиги, шакли кабиларга боғлиқ бўлгани ҳолда, яна қатор табиий - антропоген жараён ва ҳодисаларни ҳам ҳисобга олишни тақозо этади. Бу алоқадорликни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тегишли ҳолатларни кўллаш ҳар иккала ер маҳсулдорлигини орттиради ва натижада улардаги экологик шароитни оптималлаштиришга ёрдам беради [5].

**Қорақалпоқ воҳаси табиий мажмуалари.** Сунъий текисланган пахта далалари ва шוליпоярлар ҳамда озуқабоп ва сабзавот-полиэ экинлари билан ўзаро уйғунлашган ясси аллювиал дельта текисликлари (1-расм).

Амударёнинг чап соҳилидаги Қонликўл каналининг қуйи ва ўрта оқимлари, Қуанишжарма, Кегейлиёб ва бошқа каналларнинг ўнг соҳилларининг қуйи қисмлари учун характерлидир [6]. Қадимдан суғориладиган шוליпоярларнинг чеккасида 1957-1964 йиллар мобайнида ўзлаштирилган ҳудудлар учун хосдир. Амударё дельтасидаги пахта далалари учун характерлидир. Амударё дельтасининг суғориладиган минтақалари чекка қисмлари учун хос бўлиб, у ҳудудлар ўтган асрнинг 70–80-йилларида хўжаликда фойдаланишга киритилган. Амударёнинг ўнг ва чап соҳилларидаги суғориладиган ерларнинг ораларидаги ҳудудлар учун характерлидир. Амударё дельтасининг мунтазам суғориладиган ерларининг чекка қисмлари, шунингдек Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот, Мўйноқ, Бўзатов туманла-



1-12 - Ўзлаштирилмаган табиий мажмуалар; 13 - Қадимги суғориладиган ботқоқ тупроқли режали текисланган қумоқли-лойқали юзалар (шолипо-я-лар); 14 - Янгидан суғориладиган ботқоқ тупроқли режали текисланган қумоқли-лойқали юзалар (шолипо-ялар); 15-Қадимдан суғорилган ўтлоқ тупроқли режали текисланган қумоқли-лойқали юзалар (шолипо-ялар); 16 - Янгидан суғорилган ўтлоқ тупроқли қумоқли-лойқали текисликлар; 17 - Қадимдан суғорилган ўтлоқ тупроқли лойли-лойқали қамишзор текисликлар; 18 - Янгидан суғорилган ўтлоқ тупроқли лойли-лойқали қамишзор текисликлар; 19 - Янгидан суғорилган ўтлоқ тупроқли қумоқли-лойқали текисликлар.

**1-расм. Қорақалпоқ воҳаси табиий мажмуалари** ри ҳудудида жойлашган чорвачилик хўжаликлари учун характерлидир. Озуқабоп ва сабзавот-полиэ экинлари билан банд бўлиб, Амударё, Эркиндарё, Оқбошлизек ўзанлари атрофидаги, Абдоярмиш, Бешёб ва бошқа каналларининг қуйи қисмларидаги янгидан ўзлаштирилган майдонлар учун характерлидир.


**Хоразм-Тўрткўл воҳаси табиий мажмуалари** (2-расм). Сунъий текисланган, қадимдан суғориладиган ўтлоқ тупроқли қадимги ясси дельта текисликлари табиий мажмуалари. Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб чўзилган, турли кенгликлардаги нисбатан унчалик катта бўлмаган худудларни ишғол этган. Тупроқларида чиринди (гумус) миқдори бўйича бутун воҳа тупроқлари ичида биринчилардан, кўп ҳолларда гумус миқдори 3 фоиздан ортиқ, бўлиб асосан шולי экилади [7].

Дарёлик (кенглиги 4–6 км) ва Даудан (кенглиги 6–8 км) қуруқ ўзанлари водийларида жойлашган. Тупроқлари шўрланмаган, ювилган, механик таркиби бўйича оғир лойқали, асосан шולי экилади.

Воҳаниннг жануб қисмларидаги Унгузорти Қорақумига туташ, унчалик катта бўлмаган депрессион пастқамлик худудларни қамраб олган. Тупроғи шўрланган. Коллектор-завур сувлари ташланиши эвазига пастқамликларда гидрофит флорали кўплаб кўллар (Карп, Шўркўл ва б.) вужудга келган.

Дарёлик ва Даудан қадимги ўзанлари ўртасидаги ҳамда Даудан билан кўл текисликлари ўртасидаги қадимги дельта текисликларини ишғол этган. Тупроқлари шўрланган, механик таркиби-оғир лойқали, гумус миқдори 1,5 фоизгача, асосан ғўза экилади.

Воҳаниннг жануб қисмидаги Унгузорти Қорақумига ту-



1-6 - Ўзлаштирилмаган табиий мажмуалар; 7 - Суғориладиган ботқоқ тупроқли (шолипо-ялар) қумоқли-қумли қайир текисликлари. 8 - Суғориладиган ботқоқ тупроқли (шолипо-ялар) Амударёнинг қадимги ўзанларидаги қумоқли-қумли дельта текисликлари; 9 - Суғориладиган ботқоқ тупроқли (шолипо-ялар) кўл мажмуалари билан алмашииб келувчи қумоқли-лойқали дельта текисликлари; 10 - Суғориладиган ўтлоқ тупроқли қумоқли-лойқали текисликлар; 11 - Суғориладиган ўтлоқ тупроқли кўл мажмуалари билан алмашииб келувчи қумоқли-лойқали ва лойли текисликлар; 12 - Суғориладиган ўтлоқ тупроқли Амударёнинг қадимги ўзанларидаги қумоқли-лойқали текисликлар; 13 - Суғориладиган ўтлоқ тупроқли Амударёнинг ҳозирги дельтасидаги қумоқли-лойқали-қумли текисликлар; 14-16 - Ўзлаштирилмаган табиий мажмуалар; 17 - Қадимдан суғориладиган ўтлоқ тупроқли қумоқли-лойқали аллювиал текисликлар. 18 - Янгидан суғорила бошлаган ўтлоқ тупроқли кўпинча шўрроқ доғлар билан банд бўлган қумоқли-лойқали, айрим жойларда лойли текисликлар.

## 2-расм. Хоразм-Тўрткўл воҳаси табиий мажмуалари

таш депрессион пастқамликларда мужассамлашган бўлиб, лойли ётқизиклар билан қопланган. Тупроқлари турли даражада шўрланган, асосан ғўза экилади.


Дарёлик ва Даудан қадимги дарё ўзанларида жойлашган. Шўрланган тупроқлардан иборат, асосий қишлоқ хўжалик экини-ғўза. Амударёнинг чап соҳили бўйлаб энгсиз (тор) минтақани ва қайир ҳамда қайир усти (тўқай) террасасини эгаллаган. Суғориладиган аллювиал ўтлоқ тупроқларда асосан ғўза экилади [8].

**Бухоро-Қорақўл воҳаси табиий мажмуалари** (3-расм). Амударёнинг қайир ва қайир усти террасаларини эгаллаган. Тупроқлари шўрланган, агроирригацион қатлам 2 м ва ундан ортади, ғўза билан банд. Ақчадарёнинг аллювиал-дельта текисликларини қамраган бўлиб, агроирригацион қатламнинг қалинлиги унчалик катта эмас, асосан ғўза экилади. Зарафшон дарёсининг ҳозирги дельта текисликларидаги сунъий текисланган, қалин агроирригацион қатламли, суғориладиган ўтлоқ тупроқлардаги ғўза билан бирга озуқабоп ва сабзавот-полиэ экинлари экиланган табиий мажмуалар.

Бухоро воҳасининг шимолӣ қисмини эгаллаган бўлиб, 20–30 м қалинликдаги тўртламчи давр (Тошкент мажмуаси) қумли-шағалли ётқизиклари билан қопланган. Суғориладиган чўл-қум тупроқларда асосан ғўза экилади. Бухоро воҳасининг юқори қисмларини қамраган. Дельтаниннг энг юқори қисмлари қумли-шағалли ётқизиклардан иборат.

Гиждувон тумани ҳудудларида шағал қалинлиги 13,8 м.га етади. У 1 м.дан 10-12 м.гача бўлган қалинликдаги лойқа, қумоқ, лой, қум билан қопланган. Қадимдан суғориладиган ўтлоқ тупроқларда агроирригацион қатлам қалинлиги 1–3 м, асосий экин тури—ғўза. Бухоро воҳасининг марказий қисмларини эгаллайди. Сувли қатлам қумли ва лойқали – чақир тошли ётқиқиклардан ташкил топган. Асосан суғориладиган ўтлоқ тупроқлардан иборат, ғўза асосий экин. Бухоро воҳасининг жануби-ғарбий қисмлари учун характерли бўлиб, унда қумли-оғир-лойқали ва лойли ётқиқиклар устуворликка эга [9].

Геоморфологик жиҳатдан иккинчи қайир усти террасаси бўлиб, кам тўлқинсимон рельефли. Нисбатан шўрланган суғориладиган ўтлоқ тупроқларда ғўза экилади. Бухоро воҳасининг жануби-шарқий қисми, Зарафшон дарёсининг чап соҳили бўйлаб (алоҳида майдонларда Когон шаҳри



1-8 - Ўзлаштирилмаган табиий мажмуалар; 9 - Грунт сувлари оқими суст бўлган, қумли-шағалли қопламлар устидаги қумли-лойли ва лойқали текисликлар; 10 - Грунт сувлари оқими яхши бўлган, қумли-шағалли қопламлар устидаги лойли ва лойқали текисликлар; 11 - Грунт сувлари оқими қийин бўлган, шағал ва қумли қопламлар устидаги қумли-лойқали-лойли текисликлар; 12 - Грунт сувлари оқими таъминланмаган, қумли қоплам устидаги қумли-лойқали-лойли текисликлар; 13 - Грунт сувлари оқими нисбатан ёмон бўлган, қумли ва қумли-лойли қопламлар устидаги лойқали-лойли текисликлар; 14 - Грунт сувлари тартиби тургун (туриб қолган) қумли ва қумли-лойли қопламлар устидаги лойқали-лойли текисликлар; 15 - Грунт сувлари оқими қийинроқ, айрим жойларда қисман оқим таъминланган, орасида шағалли қатламчалар мавжуд бўлган қумли-лойқали текисликлар; 16 - Грунт сувлари оқими жуда қийин бўлган, қумли-лойқали-лойли текисликлар; 17 - Грунт сувлари оқими қонқарни бўлган қумоқли – лойқали текисликлар.

### 3-расм. Бухоро-Қоракўл воҳаси табиий мажмуалари

шимолида) жойлашган. Бу ерда сув ўтказувчи қатлам қум, чақир тош ва лойқали ётқиқиклар ҳисобланади. Ҳудуд асосан дарёнинг иккинчи қайир усти террасасида жойлашган. Суғориладиган ўтлоқ-аллювиал тупроқларда ғўза устуворликка эга. Бухоро воҳасининг жанубий қисмлари учун характерли. Бу ерда аллювиал ётқиқиклар қалинлиги кескин камаяди. Шағаллар ўрнини бутунлай қумлар эгаллайди, рельефи ясси. Кучли шўрланган ўтлоқ-аллювиал тупроқлардаги асосий экин – ғўза.

Қоракўл воҳасининг юқори қисмларини эгаллаган. Сув ўтказувчи қатлам лойқа ва қум ҳисобланади. Суғориладиган шўрланган ўтлоқ тупроқлардан иборат. Қоракўл воҳасининг ўрта ва чекка қисмларини қамраган. Бу ерда литологик қатлам таркиби лой, қумоқ, лойқа ва қумлардан ташкил топган, шағал деярли учрамайди. Турли даражада шўрланган суғориладиган ўтлоқ тупроқларда ғўза асосий экин ҳисобланади. Тўдақўл сув омборининг шарқий қисмларида, Қоратоғнинг тоғолди ҳудудларида жойлашган. Янги суғориладиган сур-қўнғир тупроқларда асосан озуқабоп ва сабзавот–полиэ экинлари етиштирилади [10].

**Дельта текисликларидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини белгиловчи муҳим табиий омиллар.** Ҳудудларнинг табиий-мелиоратив шароитларини баҳолаш, қайсики гидротехник иншоотларни қуришнинг муҳандислик-техник шароити, ерларни фойдаланишга тайёрлаш, суғоришнинг мелиоратив тартиби (режими), намланиш даражаси ва иқлим ресурсларига боғлиқ ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш, суғорма ерлардан фойдаланиш даврида ривожланиши мумкин бўлган ноқулай табиий жараёнларни белгиловчи табиий омилларнинг таҳлили ва синтезига асосланади.

Воҳаларда суғориладиган ерларнинг маҳсуддорлигини ошириш учун табиий-мелиоратив баҳолашнинг асосий илмий тамойили ландшафт (ёки ландшафт-мелиоратив) тамойил бўлиб, у жойнинг анатомик жиҳатларини барчасини ўзида акс эттиради [11]. Воҳалардаги суғориладиган ерларнинг табиий-мелиоратив шароитларини баҳолашда одатда геоморфологик, ландшафт картографик, аэрокосмик, ландшафт-индикация, ландшафт-геокимёвий ва бошқа усуллардан фойдаланилади. Чунки улар бевосита дала шароити тадқиқотлари, шунингдек тупроқ, грунт ва сув намуналари таҳлилига асосланади. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив шароитларини тадқиқ қилишда аэрокосмик усул самарали ҳисобланади.

Рельеф (дельталар тури) ерларнинг мелиоратив ҳолатининг умумий характери, ҳудуднинг сув ўтказувчанлиги, гидротехник иншоотларни лойиҳалаш ва фаолият характери, суғориладиган ерлар ва яйловлардан самарали фойдаланиш йўлларини белгилайди. Дельталарнинг суғориладиган минтақалари рельеф шакли бошқа омиллар билан бир қаторда грунт сувлари тартибини шунга мос тартибда пайдо бўлиши ва тупроқнинг туз тартиби характери, шунингдек, суғоришнинг мелиоратив тартибини (яримгидроморф, гидроморф) белгилайди. Дельта ётқиқиклари литологик таркиби энг аввало ҳудуднинг табиий сув ўтказувчанлиги, тупроқ-грунтнинг сув тартиби, ерларнинг мелиоратив ҳолати, гидротехник иншоотлар барпо этиш имкониятлари, табиий-географик жараён ва ҳодисаларнинг ривожланиш характери кабиларни белгилайди. Грунтлар барча мелиоратив ва гидротехник иншоотларнинг асоси ва мураккаб суғориш-мелиорация жараёнларини бошқаришда бош омил бўлиб хизмат қилади [12].

Иқлим шароити (ҳаво ва тупроқ ҳарорати, шамол, атмосфера ёғинлари ва б.) иссиқлик тартибига боғлиқ равишда қайси жойга қайси қишлоқ хўжалик экинларини экиш, суғориладиган ерлардаги ялпи буғланиш жадаллиги, тупроқда туз тўпланиш, дефляциянинг моҳияти кабиларни белгилайди. Яна шунингдек, В.М. Боровский (1978, 1982.) таъкидлаганидек, иқлим омили тупроқ ва грунтда тузлар миграцияси жараёнларига жуда катта таъсир кўрсатади [13].

Грунт сувлари ва уларнинг тартиби воҳалардаги тупроқ-мелиоратив ҳолатнинг йўналишини белгилайди. Грунт сувларининг чуқурлиги, минераллашуви, кимёвий таркиби



ва ҳаракат тезлиги – тупроқ (грунт)нинг сув- туз тартибининг асосий омилларидир.

Ер усти сувлари воҳалардаги ерларнинг мелиоратив ҳолатига билвосита, яъни грунт сувлари орқали таъсир кўрсатади. Ер усти сувлари – суғориш каналлари, сув омборлари, дельталарнинг дарё тизимлари – грунт сувлари тўйинишининг маҳаллий манбаси бўлиб, тузларни аралашши ва эришида, уларни тупроқ-грунтда сақланишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. В.А. Ковда (1968) таъкидлаганидек, ер усти сувлари суғориш вақтида тупроқда аккумуляцияланадиган тузлар манбаи, суғорма сувларнинг ифлосланиш даражаси суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражасини белгилайди [14].

Тупроқ қоплами – воҳалардаги суғориладиган ерлар ҳолатининг индикатори бўлиб, тупроқларни баҳолаш натижалари асосида агрогеотизимларнинг мелиоратив шароити ҳолати тўғрисида умумий хулоса қилиш мумкин. Воҳаларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини белгиловчи бош омил тупроқларнинг сув-туз тартиби ҳисобланади.

Грунтнинг табиий сув ўтказувчанлиги воҳалардаги мелиоратив шароитнинг умумий ҳолатини, туз тўпланиш ва шўрланиш, сув тошқинлари, ботқоқланиш ва грунт сувлари сатҳининг чуқурлиги, дренаж турлари ва уларнинг техник жиҳатларини белгилайди [15].

Мелиоратив аҳамиятга эга бўлган табиий жараён ва ҳодисаларнинг тарқалишига ерларнинг мелиоратив ҳолати, галогексимевий жараёнлар, муҳандислик - мелиоратив ва суғориш гидроиншоотларининг ҳолати ва уларнинг фаолият характери, у ёки бу экинларни экиш мумкинлиги кабилар бевосита боғлиқ, улар воҳаларда маълум қонуниятларга бўйсинади ва минтақавий характерга эга [16].

**Воҳа ландшафтларининг мелиоратив шароитларини яхшилаш мақсадида баҳолаш.** Воҳа ландшафтларини уларнинг мелиоратив ҳолатининг мураккаблик даражаси бўйича баҳолаш учун биз томондан: 1) мураккаблашган; 2) ўртача мураккаб; 3) мураккаб; 4) жуда мураккаб тоифа даражаларидан фойдланилдики, қайсики унинг заминида воҳа ландшафтларининг мелиоратив ҳолатини соғломлаштириш ётади. Қуйи Зарафшон ва Амударё дельталарининг литологик-геоморфологик хусусиятлари у ҳудудларда оддий мелиоратив шароитни ажратишга имкон бермайди, шу боис бу мураккаблик (оддий) тоифа мазкур ҳудудларда йўқ. Қуйи Зарафшон дельтаси табиий мелиоратив шароити Амударё дельтасиникига қараганда суғорма деҳқончиликни ривожлантириш учун нисбатан қулай [17]. Шунинг учун мураккаблашган табиий-мелиоратив мажмуа (ТММ) лар гуруҳларини икки: 1) кам мураккаблашган ва 2) нисбатан мураккаблашган кичик гуруҳларига ажратиш мақсадга мувофиқ. Аммо, қуйи Амударё дельтаси (Қорақалпоқ ва Хоразм) воҳалари ландшафтларида кам мураккаблашган кичик гуруҳга мансуб табиий мажмуаларни ҳам ажратиш имконияти йўқ.

Нисбатан мураккаблашган (Хоразм воҳаси мисолида кўриб чиқилади) кичик гуруҳига Хоразм воҳасининг маълум ҳудудларида ер ости сувлари оқими суст ва жуда суст, кам ва ўртача шўрланган, таркиби гидрокарбонат-сульфатли, жойларда хлорид-сульфатли грунт сувли, суғориладиган ботқоқ ва ўтлоқ тупроқли, сунъий дренажланган ва текисланган, қумоқли-лойқали ва қумли кенг тўлқинсимон ясси текисликлар киради. Бу гуруҳдаги ТММ Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб (Хоразм воҳаси) чўзилган, биринчи қайир усти террасаси (7, 13); Сарикамиш дельтасидаги Дарёлиқ ва Даудан қадимги қуруқ дарё водийларини (8) эгаллайди (2-расм) [18].

Ўртача мураккаб ТММ га айрим майдонларда ер ости сувлари оқими суст ва жуда ҳам суст бўлган, кам-ўртача

- кучли минераллашган, таркиби гидрокарбонат-сульфат ва хлорид-сульфатли грунт сувли, суғориладиган ботқоқ ва ўтлоқ тупроқли, бироз (сунъий) дренажланган ва амалда оқимсиз, бироз текисланган, қумоқли, лойқали, лойли-лойқали ва лойқали-қумли, ясси ва кўлли, бироз тўлқинсимон текисликлар мансубдир. Сарикамиш бўйи дельтаси (Хоразм воҳаси) ҳудудида бу гуруҳ Дарёлиқ ва Даудан қадимги дарё ўзанларининг ТММ ларини қамраб олган (12). Бу қадимги дарё ўзанларининг литологик-геоморфологик тузилиши нисбатан барқарор мелиоратив тартибга эришиш учун анча қулайроқ. Суғориш меъёрининг оптималлиги таъминланса, замин грунт сувлари оқимини пастқамликлар томон оқизишга қодир [19].

Мураккаб ТММ гуруҳи ер ости сувлари оқими анча суст ва қийин, ўртача ва кучли минераллашган, таркиби гидрокарбонат-сульфат, хлорид-сульфат, сульфат-хлоридли, жойларда хлорид-натрийли, жуда кам ва дренажланмаган (жадал сунъий дренажланган), турли даражада шўрланган суғориладиган ботқоқ, бироз ботқоқлашган ювилган тупроқли текисланган, қумоқли-лойқали ясси текисликларни қамраган. ТММ Сарикамиш дельтаси миқёсида Дарёлиқ ва Даудан қадимги дарёлар оралиғини, Даудан билан кўл текисликлари ўртаси (10); Амударёнинг ўнг соҳилидаги қайир ва қайир усти террасаларини (Тўрткўл воҳаси) (17) ишғол этган [20]. Жуда мураккаб ТММ ер ости сувлари барқарор юза жойлашган, таркиби, хлорид-сульфат ва сульфат - хлоридли, суғориладиган ўтлоқ, баъзи жойларда суғориладиган ўтлоқ-тақир ва суғориладиган ботқоқ тупроқли жуда кам ва дренажланмаган (жадал сунъий дренажланган) мураккаб қумоқли-лойли, лойқали-лойли, айрим жойларда қумли ётқизикли, оқимсиз пастқамликлар мажмуасидаги ясси текисликларни ўз ичига олади.

#### Хулосалар

1. Воҳалар билан чўллар орасидаги ўзаро алоқадорлик жараёнларининг илмий таҳлилини ўрганиш билан бирга уларнинг табиатни муҳофаза қилишдаги ўрни ва ролини ёритишга ҳаракат қилинди. Геотизимлар ўртасидаги иссиқлик, намлик, турли тузлар ва бошқа моддалар билан бўладиган ўзаро алмашинув, аввало, ер усти оқар сувлари, сизот сувлари ҳамда шамол ёрдамида амалга ошиши аниқланди.

2. Шунингдек, воҳа геотизимларининг атрофидаги чўл табиатига таъсири ҳамда чўлларнинг воҳалар табиатига таъсири таҳлил қилинди. Воҳа ва чўл ўртасидаги алоқадорлик анча мураккаб, кўп омилли бўлиб, воҳаларнинг катта камчилиги, шакли кабиларга боғлиқлиги, яна қатор табиий-антропоген жараён ва ҳодисалар ҳам ҳисобга олиниши таҳлил этилди.

3. Қорақалпоқ, Хоразм, Тўрткўл, Бухоро-Қорақўл воҳаларида суғориладиган ўтлоқ тупроқли, лойли, лойқали, қумоқли қамишзор ва текисликларнинг ўзлаштирилмаган табиий ерлар учун характерли томонлари ёритиб берилди. Мунтазам инсон назоратида бўлган воҳалар доимо атрофидаги чўл таъсирида бўлиши кўрсатиб берилди. Шунингдек, чўлдан эсувчи шамоллар ҳам одатда турли чанг, туз ва кум зарраларини воҳаларга келтириши ва унинг натижалари ҳам ёритиб берилди.

4. Текисликларида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини белгилловчи муҳим омиллар кўрсатиб берилди, воҳаларнинг мелиоратив шароитларини яхшилашга қаратилган таърифлари кўрсатиб берилди.

5. Воҳаларда ва суғориладиган ерлардаги ТММ (табиий мелиоратив мажмуа)ларнинг 3 гуруҳга, яъни ўртача мураккаб, мураккаб ва жуда мураккаб гуруҳларга бўлиб ўрганилди ва кечаётган барча табиий жараёнларнинг таърифлари ёритиб берилди.

№	Адабиётлар	References
1	Ходжиматов А.Н. Воҳа ландшафтлари: мазмуни ва агрогеосистема тушунчалари. – Тошкент, 1993, Китоб-1. – 64 б.	Khodzhimatov A.N. <i>Vokha landshaftlari: mazmuni va agrogeosistema tushunchalari</i> [Landscape fields: content and concept of agrogeosystem]. Tashkent, 1993, I Book, 64 p. (in Uzbek)
2	Зокиров Ш.С. Ландшафтшунослик асослари. Ташкент: Университет, 1994. – 92 б.	Zokirov SH.S. <i>Landshaftshunoslik asoslari</i> [Basics of landscape research]. Tashkent: University, 1994, 92 p. (in Uzbek)
3	Ходжиматов А.Н. Воҳа ландшафтлари: тушунча, тадқиқотлар ва ўрганиш хусусида мулоҳазалар// Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, ТДПУ. 2015. – Б.133-135.	Hodzhimatov A.N. <i>Vokha landshaftlari: tushuncha, tadqiqotlar va urganish khususida mulokhazalar</i> [Landscape Fields: Concept, Research, and Reflections on Learning] Materials of the Republican Scientific Practical Conference. TDPU, Tashkent. 2015, Pp 133-135. (in Uzbek)
4	Абдулкасимов А. Оазисные ландшафты Средней Азии и их морфологическая структура// Вопросы антропогенного ландшафтоведения. – Воронеж, 1972. – С. 106-111.	Abdulkasimov A. <i>Oazisnye landshafty Sredney Azii i ih morfologicheskaya struk-tura</i> [Oasis landscapes of Central Asia and their morphological structure] Issues of anthropogenic landscape science. Voronezh. 1972. Pp.106-111. (in Russian)
5	Арманд Д.Л. Наука о ландшафте. – Москва. Мысль, 1975. – 288 с.	Armand D.L. <i>Nauka o landshafte</i> [Landscape Science]. Moscow. Think: 1975, 288 p. (in Russian)
6	Берг Л.С. Ландшафтные географические зоны. – Москва, 1931, – 48 с.	Berg L.S. <i>Landshaftnye geograficheskie zony</i> [Landscape geographical areas]. Moscow, 1931, 48 p.(in Russian)
7	Ахтырцева М.И. О классификации антропогенных ландшафтов. Вопросы географии. – Москва, 1977, – С. 53-57.	Ahtyrceva M.I. <i>O klassifikatsii antropogennykh landshaftov</i> [About classification of anthropogenic landscapes]. Questions of geography. Moscow, 1977, Pp. 53-57. (in Russian)
8	Сальников Е.С. Карты оценки природных условий (принципы и методы разработки для региональных атласов). – Москва: Изд. Моск. гос ун-та, 1977. – 80 с.	Sal'nikov E.S. <i>Karty otsenki prirodnykh usloviy (printsipy i metody razrabotki dlya regional'nykh atlasov)</i> [Environmental assessment maps (principles and development methods for regional atlases)]. Moscow: State University Publishing House, 1977, 80 p. (in Russian)
9	Рафиков А.А. Природно-мелиоративная оценка земель Голодной степи. – Ташкент: Фан, 1976. – 160 с.	Rafikov A.A. <i>Prirodno-meliorativnaya otsenka zemel' Golodnoy stepi</i> [Natural reclamation assessment of the lands of the Golodnaya Steppe]. Tashkent: Science, 1976, 160 p. (in Russian)
10	Минц А.А. Содержание и методы экономической оценки естественных ресурсов. Вопросы географии. – Москва, 1968, – № 78. – С.15-23.	Mints A.A. <i>Soderzhaniey i metody ekonomicheskoy otsenki estestvennykh resursov</i> [Content and methods of economic valuation of natural resources]. Geography Questions. Moscow, 1968, No 78, Pp15-23. (in Russian)
11	Хасанов И.А. Оценка природных условий Каршинской степи для освоения и орошения. – Ташкент, 1979. – С.17-21.	Hasanov I.A. <i>Otsenka prirodnykh usloviy Karshinskoy stepi dlya osvoeniya i orosheniya</i> [Assessment of the natural conditions of the Karshi Steppe for development and irrigation]. Tashkent, 1979, Pp. 17-21. (in Russian)
12	Арманд Д.Л. Комплекс природный. Краткая географическая энциклопедия. – Москва, 1961. – 592 с.	Armand D.L. <i>Kompleks prirodnyy</i> [Natural complex] Brief geographic encyclopedia. Moscow, 1961. 592 p. (in Russian)
13	Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Основы методики оценки природных условий для сельского хозяйства// Вопросы географии. – Москва, 1975. – № 99, – С. 64-73.	Babushkin L.N., Kogay N.A. <i>Osnovy metodiki otsenki prirodnykh usloviy dlya sel'skogo khozayastva</i> [Fundamentals of the methodology for assessing the natural conditions for agriculture] Questions of geography. Moscow, 1975, No 99, Pp 64-73. (in Russian)
14	Арманд Д.Л. Механизмы устойчивости геосистем. Факторы и механизмы устойчивости геосистем. – Москва, 1989. – С. 81-93.	Armand D.L. <i>Mekhanizmy ustoychivosti geosistem</i> [Mechanisms of stability of geosystems]. Factors and mechanisms of stability of geosystems. Moscow, 1989, Pp. 81-93. (in Russian)
15	Исаченко А.Г. К методике прикладных ландшафтных исследований. Известия Всесоюзного географического общества, – Ташкент. 1972, Вып. 6. – С.417-429.	Isachenko A.G. <i>K metodike prikladnykh landshaftnykh issledovaniy</i> [To the methodology of applied landscape research]. News of the All-Union Geographical Society. 1972, Tashkent. Issue 6, Pp. 417-429. (in Russian)
16	Исаченко А.Г. География сегодня. Москва: Просвещение, 1979. – 192 с.	Isachenko A.G. <i>Geografiyasegodnya</i> [Geography today]. Moscow: Education, 1979, 192 p. (in Russian)
17	Минц А.А. Экономическая оценка естественных ресурсов. – Москва: Мысль, 1972. – 303 с.	Minc A.A. <i>Ekonomicheskaya otsenka estestvennykh resursov</i> [Economic valuation of natural resources]. Moscow: Think, 1972, 303 p. (in Russian)
18	Когай Н.А. Туранская физико-географическая провинция. Научные Труды. – ТашГУ. Ташкент, 1969. – С.353-137.	Kogaj N.A. <i>Turanskaya fiziko-geograficheskaya provinciya</i> [Turan Physical Geog-raphy Province]. Scientific works. TashGU. Tashkent. 1969. Pp. 353-137. (in Russian)
19	Легостаев В.М., Коньков В.С. Промывные поливы засоленных почв. Сельскохозяйственное государственное издательство. – Москва, 1953. – 48 с.	Legestaev V.M., Kon'kov V.S. <i>Promyvnye polivy zasolennykh pochv</i> [Wash irrigation of saline soils]. Moscow: Agricultural State Publishing House, 1953, 48 p. (in Russian)
20	Лопатина Е.Б. Назаревский О.Р. Оценка природных условий жизни населения. – Москва: Наука, 1972. – 148 с.	Lopatina E.B. Nazarevskiy O.R. <i>Otsenka prirodnykh usloviy zhizni naseleniya</i> [Assessment of the natural living conditions of the population]. Moscow: Science, 1972, 148p. (in Russian)

УЎТ: 627.83

## ТАНАСИДАН СУВ ЎТКАЗАДИГАН ҚУРИЛИШ КОЭФФИЦИЕНТИ ЎЗГАРУВЧАН ШПОРА БИЛАН СИҚИЛГАН ОҚИМНИНГ ГИДРАВЛИКАСИ

*М.Р. Бакиев - т.ф.д. профессор, О. Кодиров - т.ф.н. доцент, К.Т. Якубов - докторант  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти*

### Аннотация

Мақолада танасидан сув ўтказадиган қурилиш коэффициентини ўзгарувчан шпора билан сиқилган оқимнинг гидравлик хусусиятлари кўриб чиқилди. Масала ечимида шпора орқасидаги тезлик эпюрасининг тарқалиши нотекис эканлиги эътиборга олинган, қурилиш коэффициентини ўзгартириш йўли билан планда тезликнинг тақсимланишини исталган кўринишини ҳосил қилиш мумкин. Экспериментал изланишлар ва олинган натижаларига ишлов бериш ва тезлик эпюраларининг таҳлил қилиниши турбулент оқимча учун оқимдаги импульс ва сув сарфининг сақланиш қонунларидан фойдаланиб, шпора орқасидаги барча тезликларнинг ўзгаришини Шлихтинг-Абрамовичнинг универсал боғланиши ва М.Р. Бакиев формуласидан, тарқалиш областининг узунлиги (охирида дастлабки тезлик қийматининг тўлиқ тикланиши) ҳисоблашнинг назарий ечими олинди. Бу ечимлар оқимни бир томонлама ва икки томонлама сиқилган вазият учун кўриб чиқилди. Шуларни ҳисобга олиб қурилиш коэффициенти ўзгарувчан шпора билан деформацияланган оқимнинг пландаги тўлиқ намоён бўлиши кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** шпора, сиқилган оқим, сув ёстиқчаси, қурилиш коэффициенти, тезлик майдони, сиқилган кесим, турбулент қатлами, тезлик эпюраси.

## ГИДРАВЛИКА ПОТОКА СТЕСЕННОГО СКВОЗНОЙ ШПОРОЙ С ПЕРЕМЕННЫМ КОЭФФИЦИЕНТОМ ЗАСТРОЙКИ

*М.Р. Бакиев - д.т.н., профессор, О. Кодиров - к.т.н., доцент, К.Т. Якубов - докторант  
Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства*

### Аннотация

В статье рассмотрены гидравлические особенности потока стесненного сквозной шпорой с переменным коэффициентом застройки. При решении задачи принято во внимание, что эпюра скоростей за сквозной шпорой неравномерна, с путем изменения коэффициента застройки можно получить любые формы распределения скоростей в плане. На основе проведенных экспериментальных исследований и обработки полученных данных, используя положения теории турбулентных струй, закон сохранения импульса в потоке и уравнение сохранения расхода, используя универсальные зависимости Шлихтинг-Абрамовича и по методике М.Р.Бакиева получены теоретические зависимости изменения скоростей за сквозной шпорой, длины области растекания, к концу которого происходит полное восстановление бытового состояния потока. Зависимости получены как для одностороннего так и двустороннего стеснения. Учитывая это получено решение задачи деформированного потока стесненного сквозной шпорой с переменным коэффициентом застройки.

**Ключевые слова:** шпора, стесненный поток, водяная подушка, коэффициент застройки, скоростное поле, сжатое сечение, турбулентный слой, эпюра скоростей.

## ON HYDRAULICS OF FLOW CONSTRAINED BY THROUGH-FLOW DIKE WITH VARYING BUILD UP COEFFICIENT

*M.R.Bakiev - d.t.s., professor, O.Qodirov - c.t.s., associate professor, K.T.Yakubov - doctoral student  
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers*

### Abstract

The article discusses hydraulics of flow constrained by through-flow dyke with varying build-up coefficient. The solution of the task takes into account the no uniformity of velocity profile beyond through-flow dyke, and the change of velocity profile beyond dyke with the change of build-up coefficient. Theoretical solution has been obtained for estimating of velocity change, velocity spreading distance (full recovery of velocity at the end) beyond dikes by processing experimental research data and obtained results, analysis of velocity diagrams, various regularities of turbulent jet theory and certain situations. These solutions were relieved for unilateral and by lateral flow contraction. With this consideration the solution was obtained for the task of deformed flow constrained by through-flow dyke with varying build-up coefficient.

**Key words:** dyke, constrained flow, water cushion, build-up coefficient, velocity field, turbulent flow, velocity profile, contracted section.

**Қириш.** Амударёдан тўғонли ва тўғонсиз сув олишда каналларнинг бош қисмлари жойлашган участкалари роллашда ўзан ростлаш иншоотларининг ҳар хил кўринишдаги конструкцияларидан фойдаланилади [1]. Улар танасидан сув ўтказадиган, ўтказмайдиган ва

аралаш бўлиши мумкин. Дарёларда танасидан сув ўтказадиган иншоотларни қуриш ғояси қадимдан маълум бўлсада [1], қурилиш коэффициенти ўзгармайдиган шпоралар Амударёнинг кўпгина участкаларида (Керки, Тўрткўл, Гурлан, Тахиятош ва ҳ.к.) қурилган бўлсада [6], бироқ



элементлари ораси ўзгарувчан шпоралар қурилмаган ва ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилмаган. Бундай иншоотларни қуриш сувнинг қирғоқ томондан айланиб ўтишига йўл бермайди. Шпоранинг қирғоқдан бошланадиган қисми деярли сув ўтказмайдиган шпора каби ишлайди.

“Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари” кафедрасида профессор М.Р.Бакиев раҳбарлигида ўзани ростлаш, қирғоқни ювилишдан сақлаш ва оқимни сув олиш иншоотлари томонга йўналтиришда жуда кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда. Ўзан ростлаш иншоотларининг турли конструкцияларини ишлаб чиқиб, уларнинг ҳисоблаш услублари ишлаб чиқилиб, уларни ишлаб чиқаришда қўллаш учун тавсия қилинмоқда.

**Масаланинг қўйилиши.** Қирғоқни ювилишдан сақлаш ва шпора бошидаги ювилиш чуқурлигини камайтириш учун элементлари ораси ўзгарувчан шпораларни лойиҳалаш ва қуриш учун ҳисоблаш услубиятини ишлаб чиқиш керак.

**Изланиш методикаси.** Қурилиш коэффиценти ўзгарувчан танасидан сув ўтказадиган иншоотлар билан сиқилган оқимнинг гидравлик хусусиятлари ўрганиш учун тажрибалар “ГТИ ва МК” кафедрасининг лабораториясидаги моделда ўтказилган. Моделнинг узунлиги 700 см, эни 40 см, баландлиги 70 см. Ён томонлари 7 мм. ли ойна билан қопланган, моделнинг туби металлдан ишланган. Моделнинг туби текис бўлиши учун суюлтирилган бетон ётқизиб текисланган. Моделнинг охирида сув сатҳини меъёрида ушлаб туриш учун жалюзалар ўрнатилган. Моделга иншоот конструкциясини ўрнатиб, оқимнинг ҳаракати ўрганилган [6]. Тезлик САНИИРИда ишлаб чиқилган микровертушка билан ўлчанган. Тезликни ўлчаш натижаларига бериш ТИҚХММИ ва САНИИРИда ишлаб чиқилган усуллар билан амалга оширилган.

Сув сарфи  $Q = 3-15 л/с$ ; оқимнинг сиқилиш коэффиценти

$$n = \frac{B - b_0}{B} = 0,1 - 0,4$$

$B$  - моделнинг эни, 40 см;  $b_0$  - ўзан сиқилмаган қисмининг кенглиги.

Ўтказилган экспериментал тажрибалар шуни кўрсатадики, бундай иншоот конструкцияси билан сиқилган оқим энергиясини сўндирилиш даражаси қурилиш коэффиценти ўзгармайдиган шпораларга нисбатан юқори эканлиги исботланди. Бундан ташқари шпоранинг олди томонида “сув ёстиқчасининг” вужудга келиши натижасида сувни иншоотнинг ўзак қисмидан айланиб ўтиш ҳолати ҳосил бўлмайди. Қурилиш коэффиценти куйидаги формула билан ҳисобланади:

$$P = \frac{d}{d + s} = 0,25 - 0,67$$

бу ерда  $d$  - шпора элементи - қозикнинг диаметри, ўзгармас қийматга эга, тажрибаларда қозикнинг диаметри 3,4,5 мм олинган;  $s$  - қозиклар орасидаги масофа бўлиб, у шпоранинг бош қисмидан бошлаб, ўзак томонга қараб ўзгариб боради.

Ўтказилган тажриба натижаларига ишлов бериб, тезлик эпюраларининг таҳлил қилиниши турбулент оқимча назарияси, оқимдаги импульс ва сув сарфининг сақланиш қонунларидан фойдаланиб, шпора орқасидаги барча тезликларнинг ўзгаришини Шлихтинг-Абрамовичнинг универсал боғланишидан фойдаланиш натижасида қўйилган масаланинг назарий ечимини олишга ёрдам беради.

Дарёда сиқилиш коэффиценти катта бўлган танасидан сув ўтказадиган шпора билан сиқилган оқимчанинг асосий участкасидаги масаланинг ечими кўриб чиқилади. Бу ерда оқимни бир томонлама ва икки томонлама сиқи-

лишидаги ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга.

**Изланиш натижалари.** Бу масала ечимининг илгари кўрилган масалалардан [7] фарқли томони шундаки, шпора орқасидаги тезлик эпюрасининг тарқалиши нотекис. Одатда қурилиш коэффиценти ўзгариши йўли билан планда тезликнинг тақсимланишини исталган кўри-нишини ҳосил қилиш мумкин. Ушбу ҳолатда шпора орқасидиги сиқилиш створидаги тезликнинг тақсимланишини Шлихтинг-Абрамовичнинг универсал боғланишига бўйсиниши қабул қилинган [8].

$$\frac{U}{U_0} = (1 - \eta^{1,5})^2 = f(\eta) \quad (1)$$

бунда:  $U$  - қоришув зонасидаги тезлик;  $U_0$  - сиқилган створдаги тезлик;  $\eta = (Y - b_0)/(B - b_0)$  - тезлик “ $U$ ” аниқланадиган нуқтанинг нисбий ординатаси.

Тикланиш минтақасидаги тезликни Шлихтинг-Абрамовичнинг [9] куйидаги универсал кўринишга эга бўлган боғланиши ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$\frac{U - U_n}{U_m - U_n} = (1 - \eta^{3/2})^2 \quad (2)$$

бунда:  $U_n$  - ҳимоя қилинаётган қирғоқдаги тезлик;  $U_m$  - оқимча ўқидаги максимал тезлик;  $\eta = Y/B$  икки томонлама сиқилишдаги тезлик  $U$  аниқланадиган нуқтанинг нисбий ординатаси (1а-расм);  $\eta = (Y - \delta)/(B - \delta)$  - бир томонлама сиқилишда тезлик  $U$  аниқланадиган нуқтанинг нисбий ординатаси;  $\delta$  - оқимни бир томонлама сиқилишда қирғоқ бўйидаги турбулент қатламнинг қалинлиги (1б-расм).

Қирғоқ бўйидаги турбулент қатламдаги тезликнинг тақсимланиши М.Р.Бакиевнинг [4] куйидаги боғланишига бўйсинади:

$$\frac{U_m - U}{v_{*c}} = 2,21 \frac{\delta}{y} \left( \frac{U - U_n}{U_m - U_n} \right) = (1 - \eta^{3/2})^2 \quad (2a)$$


бунда:  $v_{*c}$  - оқимнинг динамик тезлиги,


$\tau_c = \rho \frac{\lambda_c}{2} u_m^2$  - қирғоқнинг ишқаланишдаги уринма кучла-

ниши;  $1\sqrt{\lambda_c} = 4lg(R/\Delta) + 4,25$  - қирғоқнинг гидравлик ишқаланиш коэффиценти;  $\delta = 3,7 \lambda_c B$  - қирғоқ бўйидаги турбулент қатламнинг қалинлиги.

Тезлик майдонини ҳисоблаш учун ўқий тезлик  $U_m$  нинг ўзгариш қонунини, ҳимоя қилинаётган қирғоқдаги тезлик  $U_n$  ни, табиий ўзандаги тезлик тикланадиган участка узунлигини аниқлаш талаб қилинади. Олинган натижаларга ишлов бериб, қурилиш коэффиценти ўзгарувчан танасидан сув ўтказадиган иншоотлар билан сиқилган оқимнинг ўзгариши: шпора орқасидаги барча тезликларнинг ўзгариши ва параметрлари ўрганилди.

Юқоридагиларни аниқлаш учун оқимдаги импульс ва сув сарфининг сақланиш қонунлари ифодаловчи интеграл боғланишдан фойдаланилади, улар С-С ва Х-Х кесимлар учун келтирилиб, куйидаги кўринишга эга бўлади: (1-расм).





а) икки томонлама сиқилишда, б) бир томонлама сиқилишда  
**1-расм. Танасидан сув ўтказадиган қурилиш коэффициентини ўзгарувчан шпора билан сиқилган оқим схемаси**

$$U_0^2 b_0 + \int_{b_0}^B U^2 dy = \int_0^B U^2 dy + \int_0^L \int_0^B \frac{\lambda_c}{2h} U^2 dy dx; \quad (3)$$

$$U_0^2 b_0 + \int_{b_0}^B U dy = \int_0^B U dy \quad (4)$$

Бу тенгламаларни ечиш тартиби олдин келтирилган [2], шунинг учун қуйида қўйилган масала ечимининг охириги натижалари келтирилган. Оқимни икки томондан сиқилганда ўқдаги тезликнинг ўзгариш қонуни М.Р.Бакиев формуласи билан ҳисобланди ва қуйидаги кўринишга келтирилди:

$$\frac{U_m}{U_0} = \sqrt{\frac{(1-n)(1+0,316 \frac{n}{1-n}) e^{-0,5\alpha\zeta(1-n)}}{(0,316+0,268m+0,416m^2)}} \quad (5)$$

Оқимни бир томонлама сиқилганда эса:

$$\frac{U_m}{U_0} = \sqrt{\frac{(1-n)(1+0,316 \frac{n}{1-n}) e^{-0,5\alpha\zeta(1-n)}}{\delta(1-4,42\sqrt{\frac{\lambda_c}{2}}+4,884\lambda_c) + \frac{1}{1-n}(0,316+0,268m+0,416m^2)}} \quad (6)$$

Ҳимоя қилинаётган қирғоқ бўйлаб тезликнинг ўзгариш қонуни қуйидаги квадрат тенглама ёрдамида ҳисобланади:

$$A_1 m^2 + A_2 m + A_3 = 0 \quad (7)$$

Икки томонлама сиқилиш учун

$$A_1 = 0,3025M - 0,416\Phi; \quad A_2 = 0,495M - 0,268\Phi; \quad A_3 = 0,2025M - 0,316\Phi$$

$$\Phi = [1 - 0,55] e^{(-\alpha\zeta/2)(1-n)}; \quad M = (1 + 0,316 \frac{n}{1-n})(1-n)$$

Бир томонлама сиқилиш учун

$$A_1 = \left( \frac{0,3025}{(1-n)^2} M - \frac{0,416}{1-n} \Phi \right)$$

$$A_2 = \left( \frac{1,1B_2}{(1-n)} M - \frac{0,268}{1-n} \Phi \right); \quad A_3 = MB_2^2 - B_1\Phi U_m = \vartheta_0, m=1, \zeta = \bar{L}$$

$$B_1 = \frac{0,316}{(1-n)} + \delta(1-4,42\sqrt{\frac{\lambda_c}{2}}+4,884\lambda_c); \quad B_2 = \frac{0,45}{(1-n)} + \delta(1-2,21\sqrt{\frac{\lambda_c}{2}});$$

$$\Phi = \left[ (1 + 0,45 \frac{n}{1-n})^2 \right] e^{-0,5\alpha\zeta(1-n)}; \quad M = (1 + 0,316 \frac{n}{1-n})$$

(7) - формуладаги квадрат тенгламининг иккита ечими мавжуд, биринчи ечими бирдан катта, иккинчиси бирдан кичик. Бирдан катта бўлган илдишни ташлаб юборамиз, чунки у жараённинг физик ечимига тўғри келмайди.

(3) ва (4)-тенгламаларни биргаликда ечиш натижасида участка узунлиги "L" ни ҳисоблаш мумкин. Бунда қуйидаги шартлар ҳисобга олинган:


$$U_m = v_0; \quad m=1,0; \quad \zeta = \bar{L}; \quad n = l_{\text{ш}} \sin \alpha_{\text{ш}} / B; \quad m = U_n / U_m$$

$$\zeta = x / b_0; \quad \alpha = \frac{\lambda B}{h}; \quad \bar{\delta} = \delta / b_0; \quad \bar{L} = L / b_0$$


$$\bar{L} = \frac{\ln\left[\left(\frac{U_0}{\vartheta_0}\right)^2 (1 + 0,316 \frac{1}{1-n})(1-n)\right]}{\frac{\alpha}{2}(1-n)} \quad (8)$$

Олинган натижалар танасидан сув ўтказадиган қурилиш коэффициентини ўзгарувчан шпора билан сиқилган оқимнинг пландаги асосий ўлчамларини аниқлашни кўрсатиб беради.

Натижада қурилиш коэффициентини ўзгарувчан танасидан сув ўтказадиган иншоотлар билан сиқилган оқимнинг ўзгариши: шпора орқасидаги барча тезликларнинг ўзгариши ва параметрлари ўрганилди. Тезлик майдонини ҳисоблаш учун ўқий тезлик  $U_m$  нинг ўзгариш қонунини, ҳимоя қилинаётган қирғоқдаги тезлик  $U_n$  ни, табиий ўзандаги тезлик тикланадиган участка узунлиги L аниқланди (2, 3-расм).



**2-расм. Амударёнинг Қарши магистрал каналига тўғонсиз сув олишда каналнинг бош қисми жойлашган участкасини сув ўтказадиган ва сув ўтказмайдиган шпоралар билан ростланган ўзан ҳосил қилиш схемаси**



**3-расм Амударёнинг Қарши магистрал каналига тўғонсиз сув олишда каналнинг бош қисми жойлашган участкасини сув ўтказадиган шпоралар билан ростланган ўзан ҳосил қилиш схемаси**

**Ҳулосалар.** Экспериментал изланишлар ва гидродинамиканинг қонунлари, оқимдаги импульснинг ва сув сарфининг сақланиш қонунлари асосида олинган натижалар асосида оқимни бир томонлама ва икки томонлама сиқилганда шпора орқасидаги ўқий тезлик  $U_m$  нинг ўзгариш қонунини, ҳимоя қилинаётган қирғоқдаги тезлик  $U_n$  ни, табиий ўзандаги тезлик тикланадиган участка узунлиги L (охирда дастлабки тезлик қийматининг тўлиқ тикланади) назарий жиҳатдан аниқланди. Олинган натижалардан Амударёнинг Қарши магистрал каналига тўғонсиз сув олишда каналнинг бош қисми жойлашган участкасида танасидан сув ўтказмайдиган, сув ўтказадиган ва комбинациялаштирилган шпоралар ёрдамида ростланган ўзан ростлаш схемасини қабул қилиш босқичида фойдаланилган.

№	Адабиётлар	References
1	Алтуни С.Т., Бузунов И.А. Защитные сооружения на реках. – Москва: Сельхозгиз, 1953. – 175 с.	Altunin S.T., Buzunov I.A. <i>Zashchitnye sooruzheniya na rekakh</i> [Protection structures in rivers] 1953. 175 p. (in Russian)
2	Мухамедов А.М., Ирмухамедов Х.А., Мирзиятов М., Бакиев М.Р. Закономерности растекания потока за сквозной шпорой // Сборник докладов Всесоюзного совещания по водозаборным сооружениям и русловым процессам. – Ташкент, 1974. – С. 505-516.	Muxamedov A.M., Irmuxamedov X.A., Mirziyatov M., Bakiev M.R. <i>Zakonamernosti rastekaniya potoka za skvoznoy shporoy</i> [Patterns of flow spreading beyond through-flow dykes. Collection of reports in All-union conference on water intake structures and channel processes] Tashkent. 1974. Pp. 505-516 (in Russian)
3	Михалев М.А. Гидравлический расчет потоков с водоворотом. – Ленинград: Энергия, 1971. – 184 с.	Mixalev M.A. <i>Gidravlicheskiy raschet potokov s vodovorotom</i> . [Hydraulic design of flow with vortex] Leningrad, Energy, 1971. 184 p. (in Russian)
4	Бакиев М.Р. Закономерности растекания потока за глухой и сквозной шпорой. Дисс. на соискание ученой степени к.т.н., – Ташкент, 1974. – 179 с.	Bakiev M.R. <i>Zakonamernosti rastekaniya potoka za gluxoy i skvoznoy shporoy</i> [Patterns of flow spreading beyond blank and through-flow dyke] PhD dissertation Tashkent. 1974. 179 p. (in Russian)
5	Шлихтинг Г. Теория пограничного слоя. – Москва. Наука. 1969. – 714 с.	Shlichting G. <i>Teoriya pogranichnogo sloya</i> [Boundary word theory] Moscow. Science, 1969. 714 p. (in Russian)
6	Уркинбаев Р.К. Некоторые вопросы гидравлики сквозных свайных шпор в условиях реки Амударья. Дисс. на соиск. уч. степ. к.т.н. – Ташкент., 1968. – 187 с.	Urkinbaev R.K. <i>Nekotorye voprosy gidravliki skvoznikh-svaynykh shpor v usloviyakh reki Amudari</i> [Some issues of through-flow pile dykes for Amudarya rivet conditions] PhD dissertation. Tashkent. 1968. 187 p. (in Russian)
7	Орлов И.Я. Сквозные заилители для защиты берегов от размыва. Гидротехника и мелиорация. – Москва, 1951. – №12. – 46 с	Orlov I.Ya. <i>Skvoznnye zailiteli dlya zashchity beregov ot razmyva</i> [Through-flow accumulators for protection of banks from scouring] Hydrotechnics and melioration. Moscow. 1951. No.12, 46 p. (in Russian)
8	Алтуни С.Т. Защита берегов от размыва. – Ташкент, 1939. – 158 с.	Altunin S.T. <i>Zashchita beregov ot razmyva</i> [Protection of coast against washout] Tashkent. 1939. 158 p. (in Russian)
9	Алтуни С.Т. Регулирование русел. – Москва: Сельхозгиз, 1962. – 352 с.	Altunin S.T. <i>Regulirovanie rusel</i> [Regulation of courses] Moscow. Selkhozgiz, 1962. 352 p. (in Russian)
10	Алтуни С.Т. Выправительные, защитные и регулировочные сооружения на реках. – Москва: Сельхозгиз, 1947. – 352 с.	Altunin S.T. <i>Vypravitel'nye, zashchitnye i regulirovochnye sooruzheniya na rekakh</i> [Vypravitelny, protective and adjusting constructions on the rivers] Moscow. Selkhozgiz, 1947 352 p. (in Russian)
11	Абрамович Г.Н. Теория турбулентных струй. – Москва, Физматгиз., 1960. – 350 с	Abramovich G.N. <i>Teoriya turbulentnykh struy</i> [Theory of turbulent streams] Fizmatgiz., Moscow. 1960, 350 p. (in Russian)
12	Амбарцумян Г.А., Хачатрян Р.М., Мартикян Р.С. Сквозные шпоры с гидравлическим барьером. Информационное письмо 2. Арм.НИИГиМ. – Ереван, 1957. – 16 с.	Ambartsumyan G.A., Hachatryan R.M., Martikyan R.S. <i>Skvoznnye shpory s gidravlicheskim bar'erom</i> [Through spurs with a hydraulic barrier] Information letter 2. Arm. NIIG i M, Yerevan. 1957. 16 p. (in Russian)
13	Артамонов К.Ф. Регулировочные сооружения и работы на реках в предгорных районах. – Фрунзе, 1957. – 174 с.	Artamonov K.F. <i>Regulirovochnye sooruzheniya i raboty na rekakh v predgornyykh rayonakh</i> [Adjusting constructions and works on the rivers in foothill areas] Frunze, 1957. 174 p. (in Russian)
14	Артамонов К.Ф. Регулировочные сооружения при водозаборе на реках в предгорных районах. – Фрунзе, 1962. – 182 с.	Artamonov K.F. <i>Regulirovochnye sooruzheniya pri vodozabore na rekakh v predgornyykh rayonakh</i> [Adjusting constructions at a water intake on the rivers in foothill areas] Frunze, 1962. 182 p. (in Russian)
15	Башкиров Г.С. Гидравлический расчет сквозных сооружений // Ж.: "Гидротехника и мелиорация". – Москва, 1956. – №12. – 36 с.	Bashkirov G.S. <i>Gidravlicheskiy raschet skvoznnykh sooruzheniy</i> [Hydraulic calculation of through constructions] journal "Hydraulic engineering and melioration", No12, 1956, 36 p. (in Russian)
16	Гостунский А.Н. Регулирование потока сквозными конструкциями. Вопросы гидротехники. – Ташкент. Выпуск 27, ФАН АН Уз.ССР, 1965. – 62 с.	Gostunsky A.N. <i>Regulirovanie potoka skvoznymi konstruksiyami</i> [Regulation of a stream through designs] Hydraulic engineering questions. Tashkent. Release 27, FAN AN Uz.SSR. 1965. 62 p. (in Russian)
17	Данелия Н.Ф. Обтекания преград как основе устройства водозаборных и берегозащитных сооружений. – Тбилиси, 1960. – 274 с.	Daneliya N.F. <i>Obtekaniya pregrad kak osnove ustroystva vodozabornykh i beregozashchitnykh sooruzheniy</i> [Flows of barriers as to a basis of the device of water intaking and bank protection constructions] Tbilisi, 1960 274p. (in Russian)
18	Зегжда А.П. Теория подобия и методика расчете гидротехнических моделей. – Москва. Госстройиздат, 1938. – 340 с.	Zegzhda A.P. <i>Teoriya podobiya i metodika raschete gidrotekhnicheskikh modeley</i> [Theory of similarity and technique calculation of hydrotechnical models] Moscow. Gosstroyizdat, 1938. 340 p. (in Russian)
19	Леви И.И. Динамика русловых потоков. – Москва: Госэнергоиздат, 1957. – 252 с.	Levi I.I. <i>Dinamika ruslovykh potokov</i> [Dynamics of channel streams] Moscow. Gosenergoizdat, 1957. 252 p. (in Russian)
20	Милович А.Я. Теория динамического взаимодействия тел и жидкости. – Москва: Госиздат, 1955. – 312 с.	Milovich A.Ya. <i>Teoriya dinamicheskogo vzaimodeystviya tel i zhidkosti</i> [Theory of dynamic interaction of bodies and liquid] Gosizdat, Moscow., 1955. 312 p. (in Russian)



УЎТ: 532.543

## БОҒЛАНМАГАН ГРУНТЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН ЎЗАНЛАРДА ЮВИЛМАСЛИК ТЕЗЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ

*А.М.Фатхуллаев - т.ф.д., доцент, Л.Н.Самиев - Phd, И.Ф.Ахмедов - докторант, Х.Жумабоев - талаба Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти*  
*С.С.Эшев - т.ф.д., доцент, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*  
*С.Арифжанов - талаба, Тошкент архитектура қурилиш институти*

### Аннотация

Мазкур мақолада ўзандаги деформацион жараён юзага келишда таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган. Боғланмаган грунтлардан ташкил топган ўзанлардаги деформацион жараёнларни баҳолашда, ювилмаслик тезликини аниқлаш методикаси каналнинг трапеция шаклини ҳисобга олиб таҳлил этилган ва лаборатория тадқиқотлари асосида ювилмаслик тезлигини аниқлаш бўйича боғланишлар таклиф этилган. Ювилмаслик тезлигини аниқлаш бўйича таклиф этилган боғланишлар оқимнинг турбулентлиги ва оқим чуқурлиги бўйича тезлик тақсимотини қонуниятларини инобатга олиб тақомиллаштирилган. Экспериментал тадқиқотларда диаметрлари  $d_{мм} \leq 0,315мм$ ;  $0,315мм < d \leq 0,63мм$ ;  $0,63мм < d \leq 1,25мм$ ;  $1,25мм < d \leq 2,5мм$ ;  $2,5мм < d \leq 5,0мм$ ; бўлган кум зарраларидан фойдаланилди. Ўтказилган тажриба маълумотлари таҳлили асосида коэффициентларининг қийматлари куйидагича бўлди: каналнинг туби учун  $\eta_1 = 1,41$  ва ён томони қияликлар учун  $\eta_2 = 1,52$ . Олинган натижаларнинг ишончлилиги таклиф этилган ҳисоблаш услубини бошқа муаллифлар тадқиқотлари билан таққослаб асосланган.

**Таянч сўзлар:** ўзан, деформация, канал, тезлик, оқим, туб чўкиндилар.

## ОПРЕДЕЛЕНИЕ НЕРАЗМЫВАЮЩЕЙ СКОРОСТИ В РУСЛАХ, СОСТОЯЩИХ ИЗ НЕСВЯЗНЫХ ГРУНТОВ

*А.М.Фатхуллаев - т.ф.д., доцент, Л.Н.Самиев - Phd, И.Ф.Ахмедов - докторант, Х.Жумабоев - студент Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства*  
*С.С.Эшев - т.ф.д., доцент, Каршинский инженерно-экономический институт*  
*С.Арифжанов - студент, Ташкентский архитектурно-строительный институт*

### Аннотация

В статье выполнен анализ факторов, влияющих на деформационные процессы, происходящие в руслах. При оценке деформационных процессов в руслах, состоящих из несвязных грунтов, методика определения неразмывающей скорости проанализирована с учетом трапецеидальной формы канала и на основе лабораторных исследований предложены зависимости по определению неразмывающей скорости потока воды. Предложенные зависимости по определению неразмывающей скорости усовершенствованы с учетом законов распределения скорости по глубине и турбулентности потока. В экспериментальных исследованиях использованы частицы грунта диаметром  $d_{мм} \leq 0,315мм$ ;  $0,315мм < d \leq 0,63мм$ ;  $0,63мм < d \leq 1,25мм$ ;  $1,25мм < d \leq 2,5мм$ ;  $2,5мм < d \leq 5,0мм$ . На основе анализа данных исследований получены следующие значения коэффициентов: для дна канала  $\eta_1 = 1,41$  и боковых откосов  $\eta_2 = 1,52$ . Надёжность полученных результатов по предложенному методу расчета обоснована сравнением с исследованиями других авторов.

**Ключевые слова:** русло, деформация, канал, скорость, поток, донные наносы.

## TO THE DETERMINATION OF NON-EFFECTIVE SPEED IN THE BEDS CONTAINING FROM UNCONNECTED SOILS

*А.М.Фатхуллаев - c.t.s., associate professor, Л.Н.Самиев - Phd, И.Ф.Ахмедов - doctoral student, Х.Жумабоев-student Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers*  
*С.С.Эшев - d.t.s., associate professor, Karshi engineering and economics institute*  
*С.Арифжанов - student, Tashkent architectural construction institute*

### Abstract

This article analyzes the factors affecting the deformation processes occurring in the channels. In assessing the deformation processes in channels consisting of disconnected soils, the method of determining non-blurring speed is analyzed taking into account the trapezoidal shape of the channel and, based on laboratory studies, a link is proposed to determine the non-blurring speed. The proposed interrelationships, by definition, of non-blurring speed are improved taking into account the laws of the velocity distribution over the depth of the flow and turbulence of the flow. In experimental studies, soil particles will be used with a diameter  $d_{мм} \leq 0,315мм$ ;  $0,315мм < d \leq 0,63мм$ ;  $0,63мм < d \leq 1,25мм$ ;  $1,25мм < d \leq 2,5мм$ ;  $2,5мм < d \leq 5,0мм$ . Based on the analysis of research data, the following values of the coefficients were obtained: for the bottom of the channel  $\eta_1 = 1,41$  and side slopes  $\eta_2 = 1,52$ . The reliability of the results obtained using the proposed calculation method is justified by comparing with the studies of other authors.

**Key words:** bank, deformation, channel, velocity, flow, sediments.

**Кириш.** Дарё оқимининг, яна бир таркибий қисми дарё чўкиндилари ҳисобланади, чўкиндилар баъзи адабиётларда оқиқлар ҳам деб юритилади.

Дарё чўкиндилари сув ресурсларининг таркибий қисми бўлиб, сув ресурсларидан самарали фойдаланишда уларнинг салбий ва ижобий томонларини баҳолашга тўғри келади.

Дарё оқиқларининг сув ҳўжалиги объектларига салбий таъсирини камайтириш, сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг муҳим экологик масалаларидан бири уларнинг миқдор кўрсаткичларини баҳолашдан иборат. Шу жиҳатдан, ўзанларда (каналлар, оқим ҳаракати таъсирида бўлган сув омборлар, кичик дарёлар ва бошқалар) барқарор ва нобарқарор оқим шароитларидаги деформацияларини башоратлаш ва ҳисоб усулларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, АҚШ, Нидерландия, Германия, Франция, Россия, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган мамлакатларда стационар ва ностационар ҳолатда ишлайдиган йирик очиқ ўзанларни лойиҳалашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, уларда содир бўладиган деформацияларнинг олдини олиш ва уларнинг ишончилигини таъминлашга доир бир қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзанларда деформацион жараёнларни башоратлаш грунтли ўзанларнинг барқарор ва нобарқарор ҳаракати давомида оқимнинг турбулентлиги ва шомол тўлқинларининг параметрларини ҳисобга олган ҳолда ўзаннинг сув ўтказиш қобилиятини аниқлашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили.** Қуйидаги муаллифлар томонидан (В.Н.Гончаров, Г.И.Шамов, И.И.Леви, И.Е.Егизаров, Ц.Е.Мирцхулава, А.В.Магомедова, А.М.Мухамедов, В.С.Боровков, Х.З.Ишанов, А.М.Арифжанов, Ю.М.Умаров ва бошқалар) сув оқимининг боғланган ва боғланмаган грунтлардаги ювмаслик тезликларини аниқлашга доир бир неча эмпирик формулалар олинган. Улар асосан заррачаларнинг чегаравий мувозанатига турлича ёндошишлардан ёки грунт ювилишига таъсир этувчи турли омилларни ҳисобга олувчи эмпирик коэффициентлар киритилиши ҳисобига маълум ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда республикамизда фойдаланилаётган грунтли йирик очиқ ўзанлар ушбу йўналишда олиб борилган кенг қамровли тадқиқотларга қарамасдан оқимнинг ҳаракатлари давомида нобарқарор оқим ва ўзаннинг таъсири натижасида содир бўладиган деформацияларга етарлича эътибор қаратилмаган. Шу сабабли нобарқарор оқимнинг таъсири натижасида деформацион жараёнларнинг жадаллашуви ҳисобига бу ўзанларнинг сув ўтказиш имконияти камайиб бормоқда. Шу сабабли ўзан деформациясини баҳолашнинг ишончли ҳисобини таклиф этиш йирик ирригация тизимларини лойиҳалашда муҳим аҳамият касб этади. Бунга кўра ҳозирги босқичда бу масаланинг тадқиқоти, кўп ҳолларда қараладиган жараённи ифода этувчи омилларнинг тўлароқ ҳисобга олинишига асосланади.

**Тадқиқот услуби.** Тадқиқот жараёнида барқарор ва нобарқарор оқимлардаги очиқ ўзан деформацияларини ҳисоблаш, тизимли таҳлил, натижаларга статистик ишлов бериш, гидравлик ва математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Асосий қисм.** Ўзандаги деформацион жараёнларни баҳолашда рухсат этилган тезликлар услубига асосланилди. Каналларга қўйилган талаблар бўйича лойиҳаланган

грунтли каналнинг гидравлик элементлари шундай сув ҳаракатининг ўртача тезлигига мос келиши керак. Каналларда лойқаланиш тезлигини баҳолаш бўйича, адабиётлардаги тавсияларни қабул қилиниб қуйидаги шарт бажарилиши лозим, ювилмаслик тезликлари куриб чиқилди [1, 2, 3].

$$\vartheta_z \leq \vartheta \leq \vartheta_{ю}$$

бу ерда  $\vartheta_z$  - лойқаланиш тезлиги;  $\vartheta_{ю}$  - ювилмаслик тезлиги;  $\vartheta$  - ўртача тезлик.

Грунтли каналларни лойиҳалашда ювилмаслик тезлигини тўғри ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда бир қатор олимларнинг ишланмалари мавжуд, жумладан Леви [4], Шамов [5], Караушев [6], турли оқим ва грунтларнинг шароитларида, ўзларининг тажриба натижалари асосида ювилмаслик тезликларини аниқлаш бўйича ҳисоблаш формулаларини таклиф этганлар. Бу формулалардан кенг фойдаланишнинг муаммоси, улар кўп ҳолларда тажрибалар асосида олинганлиги учун, фақат чекланган шароитларда аниқ натижа беради. Бу изланишларнинг муваффақияти шундаки, тавсия этилган формулаларда канал тубидан умумий массасидан, грунтнинг зўриқиш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда алоҳида заррачалар узилиш кучларининг ва турбулент оқим томонидан таъсир этадиган зўриқиш ҳамда силжишга қаршилик кучларнинг тенглиги шартларини таҳлили асосида келтириб чиқарилган.

Бу йўналишдаги кенг қамровли ҳисоблаш формулаларидан бири Ц.Е.Мирцхулава томонидан таклиф этилган формулалар улар қуйидаги кўринишга эга:

$$v_{ю} = \left( \lg \frac{8.8h}{d} \right) \sqrt{ \frac{2m}{0.44\rho n} \left[ g(\rho_{сп} - \rho)l + 2C_{к.м}^n k \right] } \quad (1)$$

$$v_{\Delta_{ю}} = 1.25 \sqrt{ \frac{2m}{0.44\rho n} \left[ g(\rho_{сп} - \rho)l + 2C_{к.м}^n k \right] } \quad (2)$$

бу ерда:  $\vartheta_{ю}$  - кесим бўйича оқимнинг рухсат этиладиган ювилмайдиган тезлиги, м/с;  $v_{\Delta_{ю}}$  - ўзан ғадир-будирлигининг  $\Delta$  баландлигидаги оқимнинг рухсат этиладиган тезлиги, м/с;  $\rho_{сп}$  ва  $\rho$  - мос равишда грунт заррачаси материалининг ва сувнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;

$d$  - грунт заррачасининг ўртача диаметри, м;  $C_{к.м}^n$  - боғланмаган грунтнинг бирлашиш коэффициенти, яъни бу параметр билан майда донадор ( $d < 0.25$  мм бўлганда) грунтларда сезиларли тишлашиш кучларининг ҳосил бўлишини ҳисобга оладиган коэффициент, Па;

$m$  - оқим таркибида бўлган коллоид ҳолатдаги чўкиндиларнинг оқим ювиш қобилиятига таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент. Сув таркибида лой заррачалари 0,1 кг/м<sup>3</sup> бўлса,  $m=1$ . Сув таркибида бу заррачалар 0,1 кг/м<sup>3</sup> ва ундан кўп бўлса,  $m>1$ ;  $n$  - оқим туб олди зонасидаги тезлик пульсациясини ҳисобга олувчи коэффициент;  $k$  - ўртача ( $k=0.5$ ) қийматга тенг бўлган тишлашиш кучидан эҳтимолий оғишни характерловчи коэффициент.

$$n = \left( \frac{u_{\Delta_{max}}}{\bar{u}_{\Delta}} \right)^2 \quad (3)$$

ифодага тенг. Бунда  $u_{\Delta_{max}}$  ва  $\bar{u}_{\Delta}$  максимал оний ва ўрталашган (вақт бўйича) ғадир-будирлик баландлигидаги оқим тубидаги тезлиги. Агар  $d < 0.001$  бўлса, унда зўриқиш коэффициенти қуйидаги формуладан аниқланади.

$$n = 1 + \frac{d}{0.00005 + 0.3d} \quad (4)$$

Агар  $d > 0.001$  м бўлса, унда зўриқиш коэффициенти  $n=4$  бўлади [7,8].

Заррачаларнинг силжиши ва кейинчалик уларнинг сув оқими билан олиб кетилиши ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Таклиф этилган боғланишларда ҳамма омиллар

ҳисобга олинмаган. Масалан, каналлар трапеция шаклида қурилиши сабабли, улардаги ювилмаслик тезлигини ўрнатишда, юқорида кўрсатилган боғланишларда унинг шакли ҳисобга олинмаган. Юқорида келтирилган тажриба натижалари бу омилни ҳисобга олиш кераклигини тақозо этади.

Канал ён қияликлари ва тубидаги заррачаларга сув оқимининг таъсир этадиган кучи, ҳаракат турбулент бўлгани учун оний ўзгаришли бўлади.

Канал туби ва ён томон қияликларининг ювилмаслик тезликларини ўрнатиш ва ювилишда пульсацион характердаги юктамаларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида гидравлик новда (нов параметрлари  $13,6 \times 1,0 \times 0,8$  м) махсус тажриба тадқиқотлари ўтказилди. Бу новда трапеция шаклидаги канал моделининг ўлчамлари қуйидагича (узунлиги –  $8,5$  м, туб ости эни  $0,30$  м, чуқурлиги  $0,15$  м ва қиялиги  $m=2$ ). Канал узунлиги бўйича ҳар хил ерларда грунт жойлаштириш учун махсус жойлар қолдирилган [9, 10, 11, 12].

Экспериментал тадқиқотларда диаметрлари бўлган  $d_{мм} \leq 0,315$  мм;  $0,315$  мм  $< d \leq 0,63$  мм;  $0,63$  мм  $< d \leq 1,25$  мм;  $1,25$  мм  $< d \leq 2,5$  мм;  $2,5$  мм  $< d \leq 5,0$  мм; қум зарраларидан фойдаланилди. Тадқиқотларни ўтказишда соҳада мавжуд гидравлик услублардан фойдаланилди.

Боғланмаган грунтларнинг ювиш тезлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар пульсациянинг кўпайиши билан кесим бўйича бир хил ўртача тезликлардаги оқимнинг ювиш имкониятини ошишини кўрсатди. Шунингдек, пульсацион тезликлар бўйича маълумотлар таҳлили оний пульсацион тезликларининг ўрталаштирилган тезликларга нисбатан тахминан икки баробар катта бўлишини кўрсатди. Бу омилни канал тубида ётган заррачаларга қўйилган актив юктамани аниқлашда ҳисобга олиш керак бўлади [13, 14, 15, 16].

Ўртача ювиш тезликларининг заррача диаметрларига боғлиқлигининг графиги 1-расмда кўрсатилган. Тажриба-




1-расм. Ювиш ўртача тезликлари заррачаларнинг диаметрига боғлиқлиги

ларнинг кўрсатишича, канал туби ва ён қияликларидagi майда қум заррачаларининг бир вақтда ювилиши кузатилади [17, 18]. Вертикал ўртача тезликлар бўйича олинган тажриба маълумотларининг натижалари шуни кўрсатдики, каналнинг ювилиши биринчи навбатда унинг туби билан ён томон қияликларининг кесишган қисмидан бошланади.

Ўтказилган тажриба маълумотларига кўра оқим чуқурлиги бўйича тезликларнинг тақсимланиш эпюраси қурилади (2-расм). Бу эпюраларда оқимнинг турли режимларида оқим чуқурлиги бўйича тезликлар ўзгариши ҳолатининг сақланиши кузатилади. Ҳамма тажрибаларда оқим тезли-

гининг энг кичик қиймати тубида ва энг катта қиймати эса оқим сатҳидан  $(0,8-0,9) h$  чуқурликда бўлишлари кузатилади.

Демак, юктаманиннг пульсацион ҳолати каналлар ювилишидаги муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланиб, уларни каналнинг ювмаслик тезлигини ўрнатишда ҳисобга олиш зарурияти мавжуд [19, 20].



2-расм. Трапецеидал канал вертикаллар бўйича тезликларнинг тақсимланиши

Оқимнинг турбулентлик даражаси ва тезлик тақсимоти инобатга олиб ўтказилган тажрибаларда олинган маълумотларни таҳлили асосида (1); (2) боғланишлар тақсимлаштирилди.

**Натижа:** Юқорида келтирилган лаборатория тадқиқот маълумотлари асосида каналнинг трапеция шаклини ҳисобга олиб ювилмаслик тезлиги таҳлили ўтказилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари таҳлили асосида (1) формулага трапеция каналда оқим ҳаракатини ҳисобга оладиган “ $\eta$ ” коэффициент киритилди. Ўтказилган тажриба маълумотлари таҳлили асосида коэффициентларининг қийматлари қуйидагича бўлди: каналнинг туби учун  $\eta_1 = 1,41$  ва ён томони қияликлар учун  $\eta_2 = 1,52$ . Умумий кўринишда қуйидаги тақсимлаштирилган тенгламалар тақлиф этилди.

Канал тубида:

$$v_n = \left( \lg \frac{8,8h}{d_{yp}} \right) \sqrt{\frac{2m_1}{0,44 \cdot \eta_1 \rho n_1} \left[ g(\rho_s - \rho)d_{yp} + 2C_{y1}^H K_1 \right]}; \quad (5)$$

$$v_{\Delta H} = 1,25 \sqrt{\frac{2m_1}{0,44 \eta_1 \rho n_1} \left[ g(\rho_s - \rho)d_{yp} + 2C_{y1}^H K_1 \right]} \quad (6)$$


ён қияликлари учун

$$v_n = \left( \lg \frac{8,8h}{d_{yp}} \right) \sqrt{\frac{2m_1}{0,44 \cdot \eta_2 \rho n_1} \left[ g(\rho_s - \rho)d_{yp} + 2C_{y1}^H K_1 \right]}; \quad (7)$$

$$v_{\Delta H} = 1,25 \sqrt{\frac{2m_1}{0,44 \eta_2 \rho n_1} \left[ g(\rho_s - \rho)d_{yp} + 2C_{y1}^H K_1 \right]} \quad (8)$$

Тажриба маълумотлари билан (5) ва (6) формулалар бўйича ҳисобланган қийматларнинг таққосланиши улар орасидаги етарли яқинликни кўрсатди (3-расм).

Тажриба маълумотлари билан (5), (6) боғланишлар орқали ҳисобланган қийматларнинг таққосланиши 3-расмда кўрсатилган.



3-расм. Оқимнинг боғланмаган грунтлардаги ювмаслик тезликларининг экспериментал ва ҳисобий маълумотларини қийматлари билан таққосланиши



Графикдан олинган тажриба нуқталари ҳисобланган қийматлар бўйича чизилган нуқталарга нисбатан пастда жойлашгани кўринади. Буни канал ён томон қияликлари қандай даражадаги гидравлик режим таъсири остида бўлган трапеция каналларида олинганликлари билан тушунтириш мумкин. Таклиф этилган такомиллаштирилган боғланишлар бўйича ҳисобланган қийматларнинг В.А.Великанов, И.И.Леви, Ц.Е.Мирцхулава, Б.И.Студеничников ва А.М.Латышенковларнинг формулалари бўйича ҳисобланган қийматлари билан таққосланиши қониқарли натижаларни кўрсатди.

Демак, боғланмаган грунтларда ётқизиладиган трапецеидал каналларнинг туби ва ён томони қияликларининг ювилмаслик тезликларини аниқлаш учун (5, 6, 7, 8) формулалардан фойдаланиши тавсия этилади.

**Хулосалар.** Оқим ювмаслик тезликларининг турли усуллар билан ҳисобланган ва тажрибада олинган қийматлари орасидаги катта фарқларнинг асосий сабабларидан

бўлиб, сув оқими ва ювиладиган грунт ўзаро таъсирининг микдорий ва сифат қонуниятларини аниқлайдиган омилларни тўлиқ ҳисобга олмаслик ҳисобланади. Бу омилларга грунтларнинг физик-механик хоссалари ва сув оқимининг турбулентлиги киради. Шунинг учун ювилишнинг прогностлаш усулини асослашда грунтнинг физик-механик хоссалари синов тажрибалар асосида аниқланди, шунингдек бу грунтларнинг ювилиш тезликларини ва оқим турбулентлигининг статик характеристикаларини ўрнатиш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Ўтказилган лаборатория экспериментларининг таҳлилига кўра канал трапеция шаклини ҳисобга оладиган, боғланмаган ва боғланган грунтларда ётадиган каналларнинг ювмаслик тезлигини ўрнатиш бўйича модификациялашган боғланишлар таклиф этилди. Тажриба маълумотлари таҳлили асосида коэффицентларининг қийматлари қуйидагича бўлди: каналнинг туби учун  $\eta_1 = 1,41$  ва ён томони қияликлар учун  $\eta_2 = 1,52$ .

№	Адабиётлар	References
1	Арифжанов А.М., Фатхуллоев А.М. Динамика взвешенного потока в руслах. – Ташкент, Фан, 2014. – 124 с.	Arifjanov A.M., Fathulloev A.M. <i>Dinamika vzvesenesushchego potoka v ruslakh</i> [Dynamics of a suspended flow in the channels]. Fan. Tashkent, 2014. 124 p. (in Russian)
2	Арифжанов А.М., Фатхуллоев А.М., Самиев Л.Н., Ўзандаги жараёнлар ва дарё чўкиндилари, (Монография) – Тошкент: Ноширлик ёғдуси, 2017. – 191 б.	Arifjanov AM, Fatkhullaev AM, Samiev LN, <i>Uzandagi zharayonlar va daryo chukindilari</i> [Processes in Uzgen and river sediments]. Monograph. Tashkent. The light of the publisher, 2017. 191 p. (in Uzbek)
3	Арифжанов А.М. Методы расчёта распределения частиц наносов в руслах переменного сечения // Гидротехническое строительство. – Москва, 2004. – №4. – С. 50-54.	Arifjanov A.M. <i>Metody raschota raspredeleniya chastits nanosov v ruslakh peremennogo secheniya</i> [Methods for calculating the distribution of particles of sediment in the channels of variable cross-section]. Hydrotechnical Construction. Moscow, 2004. No4. Pp.50-54. (in Russian)
4	Арифжанов А.М. Распределение взвешенных наносов в стационарном потоке // Водные ресурсы. – Москва, 2011. – №2. – С.185-187.	Arifjanov A. <i>Raspredeleniye vzveshennykh nanosov v statsionarnom</i> [Distribution of suspended sediment in the stationary flow]. Water resources. Moscow, 2011. No2. Pp. 185-187. (in Russian)
5	Фатхуллоев А.М., Арифжанов А.М. Оптимизация гидравлических параметров оросительных каналов в земляном канале // European Science Review. Научный журнал. – Вена, 2016. – № 9-10. – С. 220-224.	Fathulloev A.M., Arifjanov A.M. <i>Optimizatsiya gidravlicheskih parametrov orositel'nykh kanalov v zemlyanom kanale</i> [Optimization of hydraulic parameters of irrigation canals in the earthen canalk]. European Science Review. Science journal. Vienna 2016. No9-10. Pp. 220-224. (in Russian)
6	Арифжанов А.М., Усанов М.Н. Каналларда нотекис харақатнинг хусусиятлари // "Агро илм" журналы. – Тошкент, 2010. – №2. – Б. 41-42.	Arifjanov A.M., Usanov M.N. <i>Kanallarda notekis kharakatning khususiyatlari</i> [Peculiarities of uneven movement in the channels]. Journal "Agro ilm". Tashkent, 2010. No2. Pp.41-42. (in Uzbek)
7	Фатхуллоев А.М., Арифжанов А.М. Расчет оросительных каналов устойчивого сечения в земляных руслах // Журнал "Гидротехника". – Санкт-Петербург, 2017. – №2(3). – С. 78-79.	Fathulloev A.M., Arifjanov A.M. <i>Raschet orositel'nykh kanalov ustoychivogo secheniya v zemlyanykh ruslakh</i> [Calculation of irrigation channels of sustainable cross section in earthen bedsm] Journal "Hydrotechnics". Sankt-Petersburg, 2017. No2(3). Pp.78-79. (in Russian)
8	Фатхуллоев А.М., Акназаров О. О Форме поперечного сечения устойчивых земляных каналов // Сборник научных трудов САНИИРИ. – Ташкент, 2010. – С.161-165	Fathulloev A.M., Aknazarov O. <i>O forme poperechnogo secheniya secheniya ustoychivyykh zemlyanikh kanalov</i> [About the cross-sectional shape of stable earthen channels]. Collection of scientific papers SANIIRI. Tashkent, 2010. Pp. 161-165. (in Russian)
9	Арифжанов А.М., Фатхуллоев А.М. Гидравлический расчет оросительных каналов в земляном русле // Қишлоқ ва сув хўжалиги муаммолари: Тез, докл. научн. конф. 3-6 май. – Ташкент, 2004. – С. 66-67.	Arifjanov A.M., Fatkhullaev A.M. <i>Gidravlicheskiy raschet orositel'nykh kanalov v zemlyanom rusle</i> [Hydraulic calculation of irrigation canals in the earthen channel]. Problems of agriculture and water management: Tez, Proc. scientific conf. 3-6 May. Tashkent, 2004. Pp. 66-67. (in Russian)
10	Арифжанов А.М., Фатхуллоев А.М., Абдураимова Д.А., Формирование поля скоростей по глубине потока в оросительных каналах // Актуальные проблемы естественных наук. – Москва, 2013. – №05(23). – С. 397-399	Arifjanov A.M., Fatkhulloev A.M., Abduraimova D.A. <i>Formirovaniye polya skorostey po glubine potoka v orositel'nykh kanalakh</i> [Formation of a velocity field along the depth of a stream in irrigation canals]. Actual problems of the natural sciences. Moscow, 2013. No5 (23). Pp. 397-399. (in Russian)
11	Арифжанов А.М., Самиев Л.Н. Дарё чўкиндиларининг фракцион таркибини кимёвий таркибига боғлиқлиги // "Irrigatsiya va melioratsiya" журналы. – Тошкент, 2018. – №2(12). – Б. 34-38.	Arifjanov AM, Samiev L.N. <i>Daryo chukindilarining fraksion tarkibini kimyoviy tarkibiga bogliqligi</i> [Depending on the chemical composition of the fractions of river sediments]. Journal of Irrigation and Melioration. Tashkent, 2018. No2. (12).Pp. 34-38. (in Uzbek)

12	Арифжанов А.М., Самиев Л.Н., Ахмедов И.Г. Ирригационное значение речных наносов. Москва, Актуальные проблемы естественных наук, №06(53) июнь 2013. – С. 286-289	Arifjanov A.M., Samiev L.N., Ahmedov I.G. <i>Irrigatsionnoe znachenie rechnykh nanosov</i> [The irrigational value of river sediments.] Moscow, Actual Problems of Natural Sciences, No06. (53) June 2013. Pp. 286-289. (in Russian)
13	Латипов К.Ш., А.М.Арифжанов. Вопросы движения взвешенного потока в руслах. – Ташкент: Мехнат, 1994. – 110 с.	Latipov K.Sh., Arifjanov A.M. <i>Voprosy dvizheniya vzvesenesushchego potoka v ruslah</i> [Questions of motion of suspended flow in the channels] Tashkent: Mehnat, 1994. 110 p. (In Russian)
14	Фатхуллаев А.М., Исаков Х.Х., Самиев Л.Н., Тупроқ ўзанли каналларни ҳисоблаш усуллари таҳлили // "Агро илм" журнали. – Тошкент, 2015. – №4. – Б. 74-75.	Fathulloev A.M., Isakov X.X., Samiyev L.N. <i>Tuproq uzanli kanallarni hisoblash usullari takhlili</i> [Analysis of methods of calculation of soil flooded channels]. Journal "Agro ilm" Tashkent, 2015. No4. Pp. 74-75. (in Uzbek)
15	Эшев С.С. Расчет деформируемых больших земляных каналов в условиях нестационарности водного потока (Монография). – Ташкент: «Voris-nashriyot», 2018. – 168 с.	Eshev S.S. <i>Raschet deformiruyemykh bol'shikh zemlyanykh kanalov v usloviyakh nestatsionarnosti vodnogo potoka</i> [Calculation of deformable large earthen channels under conditions of unsteady water flow]. Monograph. Tashkent, Voris-nashriyot, 2018. 168 p. (in Russian)
16	Эшев С.С. Расчет движения данных и взвешенных наносов в водотоках с учетом воздействий поверхностных волн и течений // Журнал «Проблемы механики». – Ташкент, 2012. – №1, – С. 51-57.	Eshev S.S. <i>Raschet dvizheniya dannykh i vzveshchennykh nanosov v vodotokakh s uchetom vozeestvtvi povernnost voln i techeniy</i> [Calculation of movement of sediment and sediment in watercourses, taking into account the effects of surface waves and currents]. Journal "Problems of mechanics" Tashkent, 2012. No1. Pp. 51-57. (in Russian)
17	Эшев С.С., Мурадов Н.К. К определению параметров данных рифелей в больших земляных каналов в условиях волнового потока // Журнал «Природообустройство». – Москва, 2012. – №1. – С. 65-68.	Eshev S.S., Muradov N.K. <i>K opredeleniyu parametrov dannykh rifeley v bol'shikh zemlyanykh kanalov v usloviyakh volnovogo potoka</i> [To determine the parameters of bottom riffles in large earthen channels in terms of wave flow]. Journal "Environmental Engineering". No 1. Moscow, 2012. Pp.65-68. (in Russian)
18	Караушев А.В. Теория и методы расчета речных наносов Гидрометеоиздат. – Ленинград, 1977. – 444 с.	Karushev A.V. <i>Teoriya i metody rascheta rechnykh nanosov</i> [Theory and methods for the calculation of river sediments]. Hydrometeoizdat. Leningrad, 1977. 444 p. (in Russian)
19	Абальянц С.Х. Устойчивые и переходные режимы в искусственных руслах. – Ленинград: Гидрометеоиздат, 1981. – 245 с.	Abalyants S.Kh. <i>Ustoychivye i perekhodnye rezhimy v iskusstvennykh ruslakh</i> [Stable and transient modes in artificial channels]. Gidrometeoizdat. Leningrad. 1981. 245 p. (in Russian)
20	Мирцхулава Ц.Е. Основы физики и механики эрозии русел. – Ленинград: Гидрометеоиздат. 1988. – 303 с.	Mirtskhulava TS.E. <i>Osnovy fiziki i mekhaniki erozii rusel</i> [Fundamentals of physics and mechanics of erosion channels]. Hydrometeoizdat. Leningrad, 1988. 303 p. (In Russian)

УЎТ: 626+627.8

## СУВ ТАШЛАШ ИНШОТИНИ ГИДРАВЛИК ҲИСОБЛАШ

*Д.Р. Базаров - д.т.н., профессор, Б.Н. Шодиев - магистрант, Б. Норкулов - мустақил тадқиқотчи  
Ф.Б. Улжаев - докторант, У.У. Курбанова - мустақил тадқиқотчи*

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти  
Б.Ш. Аширов - мустақил тадқиқотчи, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти*

### Аннотация

Ўрта босимли сув омборларининг кириш каналлари ўзанидаги жараёнларнинг тадқиқоти натижалари келтирилган. Сув омбори тубига чўкиндилар чўкишини бартараф этувчи ва кириш каналида оқимнинг текис ҳаракатини шакллантириб, чўкиндиларнинг ўзанда максимал чўкишини таъминловчи конструкция ишлаб чиқилган, таклиф этилган конструкция сув омборининг фойдаланиш муддатини узайтиради. Гидравлик ҳисоблар натижасига асосан туташ иншоотларининг қуйидаги параметрлари қабул қилинди:  $p = 2$  м - сув ўтказгич юқориги ва пастки бьефлари тубларининг фарқи;  $l_1 = 0,5$  м - трапеция шаклидаги сув ўтказгич остонасининг кенглиги;  $l_2 = l_{у.к.} = 5,18$  м - сув урилма кудуғининг узунлиги;  $l_3 = l_{с.к.} = 46,5$  м - сакрашдан кейинги участканинг узунлиги;  $b_1 = 3$  м - кириш каналининг кенглиги;  $b_2 = 10$  м - тиндиргичнинг кенглиги;  $m = 1$  - кириш канали ён деворларининг қиялик коэффициенти;  $d = 0,44$  м - сув урилма кудуғининг лойиҳавий чуқурлиги;  $h'_c = 0,37$  м - гидравлик сакрашнинг биринчи туташ чуқурлиги;  $h''_c = 1,55$  м - гидравлик сакрашнинг иккинчи туташ чуқурлиги;  $L_{проект}$  - мустаҳкамланиш соҳаси ҳисобий узунлигининг 53,9 м. га тенг қилиб қабул қилиш тавсия этилди.

**Таянч сўзлар:** гидравлик ҳисоби, сув омбори, чўкинди, кириш канали, сув ўтказгич, гидравлик сакраш, бьефларнинг туташishi, туташ чуқурлиги, сакраш узунлиги.

## ГИДРАВЛИЧЕСКИЙ РАСЧЁТ СБРОСНОГО СООРУЖЕНИЯ

*Д.Р. Базаров - д.т.н., профессор, Б.Н. Шодиев - магистрант, Б. Норкулов - соискатель*

*Ф.Б. Улжаев - докторант, У.У. Курбанова - соискатель*

*Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства*

*Б.Ш. Аширов - соискатель, Каршинский инженерно-экономический институт*

### Аннотация

Приведены результаты натурных исследований по изучению русловых процессов в подводящем канале средненапорных водохранилищ. Разработана конструкция сбросного сооружения обеспечивающего равномерный режим движения воды в подводящем канале и максимальное осаждение наносов в русле, что предотвращает их поступление в чашу водохранилища. Предлагаемое инженерное решение способствует продлению срока эксплуатации водохранилища. По результатам гидравлических расчетов приняты расчетные параметры:  $p = 2$  м - разница между отметками дна верхнего и нижнего бьефа водослива;  $l_1 = 0,5$  м - ширина порога трапецидального водослива;  $l_2 = l_{у.к.} = 5,18$  м - длина водобойного колодца;  $l_3 = l_{с.к.} = 46,5$  м - длина послепрыжкового участка;  $b_1 = 3$  м - ширина подводящего канала;  $b_2 = 10$  м - ширина отстойника;  $m = 1$  - коэффициент заложения откоса подводящего канала;  $d = 0,44$  м - проектная глубина водобойного колодца;  $h'_c = 0,37$  м - первая сопряженная глубина гидравлического прыжка;  $h''_c = 1,55$  м - вторая сопряженная глубина гидравлического прыжка,  $L_{проект}$  - расчетная длина участка крепления, рекомендуется принять равным 53,9 м;

**Ключевые слова:** гидравлический расчет, водохранилище, наносы, подводящий канал, водослив, гидравлический прыжок, сопряжение бьефов, сопряженная глубина, длина прыжка.

## HYDROLULIC PROJECTION OF RESET CONSTRUCTION

*D. Bazarov - d.t.s., professor, B. Shodiyev - master student, B. Norqulov - researcher, F. Uljayev - doctoral student,*

*U. Qurbanova - researcher, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers*

*B. Ashirov - researcher, Karshi Engineering and Economics Institute*

### Abstract

The results of field studies on the study of channel processes in the supply channel of medium pressure reservoirs are presented. In this work elaborated constructions for designed structures to ensure uniform flow of water in the supply channel and the maximum sedimentation of sediment in the channel, which prevents their entry into the thick of the reservoir. The proposed engineering solution contributes to the extension of the lifetime of the reservoir. According to the results of hydraulic calculations, the calculated parameters were taken:  $p = 2$  m - the difference between the bottom marks of the upper and lower tails of the weir;  $l_1 = 0,5$  m - the width of the threshold of the keystone weir;  $l_2 = l_{у.к.} = 5,18$  m - the length of the water well;  $l_3 = l_{с.к.} = 46,5$  m - the length of the post-jump area;  $b_1 = 3$  m - the width of the supply channel;  $b_2 = 10$  m - the width of the sump;  $m = 1$  is the slope coefficient of the feed channel;  $d = 0,44$  m is the design depth of the water well;  $h'_c = 0,37$  m - the first coupled depth of the hydraulic jump;  $h''_c = 1,55$  m - the second coupled depth of the hydraulic jump;  $L_{проект}$  - the estimated length of the attachment areas is recommended to be equal to 53,9 m;

**Key words:** hydraulic calculations, reservoir, sediment, supply channel, water conduit, hydraulic jump, conjoined befo, team depth, jump length.

**Кириш ва тадқиқотнинг мақсади.** Маълумки гидротехник ва гидроэнергетика қурилишида туташ иншоотлар фавқулдда ҳолатларда сувни ташлашда ёки каналлар қурилишида тублар фарқи кескин ўзгара-

диган рельефли жойларда барпо этилади. Бу иншоотлар сув туширигчи ёки қисқа катта нишабли каналлар-шаршаларалар кўринишида барпо этилади [1, 2]. Тошқин сувларни ёки оддий фойдаланиш давридаги юқори сарфларни



Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства*

*Л. Юрик - д.т.н., профессор, Словацкий сельскохозяйственный университет в Нитре*

### Аннотация

Статья посвящена задачам использования спутниковых изображений в науке. Приведён анализ ГИС карт ирригационной системы, составленный на основе ценных данных о Земле в 11 диапазонах при помощи слоёв спутниковых изображений NIR и SWIR, полученных со спутника LANDSAT OLI, который был отправлен в космос в 2013 году. На основе данных SWIR и NIR построена картасая Сох и разработана база данных по данному объекту. Точность результатов оценена на основе сопоставления слоёв PAN и SWIR. Изучение русел ирригационных систем проводилось с помощью GPS и других устройств, а также при помощи замерных работ на местах. При этом из-за ошибок при замерных работах возникла трудность при точном проведении на карте линии русел саев.

**Ключевые слова:** дистанционное изучение объектов, анализ снимков, спутник, метод, карта.

## GEOINFORMATION SYSTEMS FOR THE STUDY OF RODES IRRIGATION SYSTEMS USING SWIR AND NIR LANDSAT OLI IMAGES

*A.M. Arifjanov - d.t.s., professor, L.N. Samiev - PhD, Sh.B. Akmalov - PhD, D.E. Atakulov - master student  
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers*

*L. Jurik - d.t.s., professor, Slovak University of Agriculture in Nitra*

### Abstract

The article is devoted to the problems of using satellite images in science. It contains an analysis of the GIS map of the irrigation system, compiled on the basis of valuable data on the Earth in 11 ranges using the NIR and SWIR satellite image layers received from the LANDSAT OLI satellite, which was sent to space in 2013. Based on the SWIR and NIR data, the Sox soy map has been constructed and a database has been developed for this object. The accuracy of the results is estimated based on a comparison of the PAN and SWIR layers. The study of irrigation system channels was carried out with the help of GPS and other similar devices, as well as with the help of measuring work in the field. At the same time, due to errors during metering, there was a difficulty in accurately drawing the line of channels on the map. The article discusses ways to prevent these difficulties.

**Key words:** remote objects study, image analysis, satellite, method, map.

**Кириш.** Ҳозирги кунда инсонлар турмуш тарзини яхшилаш, уларнинг маълум муаммоларини ҳал этиш мақсадида фазода 300 дан ортиқ сунъий йўлдошлар фаолият юритмоқда. Уларнинг барчаси маълум бир босқичга мўлжалланган бўлиб, самога учирилгандан сўнг имкониётлар бошқа соҳаларда ҳам синаб кўрилмоқда. Шундай соҳалардан бири илм-фан соҳасидир. Ушбу соҳада сунъий

ий йўлдош тасвирларини қўллаш ва соҳанинг бирон муаммосини ҳал этиш бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бормоқда [1, 2, 3, 4].

**Масаланинг қўйилиши.** Кўплаб олимлар сунъий йўлдош тасвирлари орқали қишлоқ ва сув хўжалигининг маълум муоммоларини ҳал этишмоқда. Жумладан, Christopher Conrad [5] MODIS ва SPOT тасвирлари орқали

ли SEBAL моделини ишлаб чиқди ва Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги ерларининг сув балансини масофадан туриб сунъий йўлдош тасвирлари орқали бошқаришга эришди. Edlinger ва Dubovuk [6, 7] эса баъзи вилоятлар учун ер ва сувдан фойдаланиш назорат қилишнинг сунъий йўлдош тасвирларига асосланган дастурий таъминотини ишлаб чиқдилар. Шунга қарамай республикамизда Ер сунъий йўлдошлари тасвирлари имкониятлари тўлиқ ўрганиш изланишлари хали давом этмоқда

**Ечиш усули.** Изланишларда Ер сунъий йўлдоши маълумотларининг яна бир имкониятини ёритиб берилди. Бу сув объектлари чегараларини аниқ белгилашдаги ГАТ ва сунъий йўлдош имкониятларидир. Ушбу изланишлар ҳозирда соҳа олимлари тамонидан GPS ва бошқа қурилмалар орқали хариталаш асосида чизиб чиқилади. Бунда сув ёқасида сувнинг юқори ютувчанлиги GPS га таъсир кўрсатади ва хатолик метрда ошиб кетади [8]. Буни бартараф этиш учун олдиндан АҚШ Геология ташкилоти томонидан кўзгалмас нуқталарга асосланиб, аниқ координаталанган географик боғланган сунъий йўлдош тасвирларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ [9,10]. Изланишларда Landsat OLI нинг SWIR ва NIR тасвирларидан фойдаланилди.

**Услуб ва материаллар.** Landsat 8 тасвирлари, Landsat йўлдошлари бу космосда илк пайдо бўлган йўлдошлар тизими ҳисобланади. 1965 йил U.S. Geological Survey (USGS) ташкилотидан Ер юзини масофадан олинган тасвирлар асосида ўрганиш ғояси ишлаб чиқилди ва шу йилдан бошлаб ушбу ташкилот турли учувчи объектларга ўрнатилган сенсорлар орқали Ер юзи тасвирларини олиш, уни ўрганиш услубиётини ишлаб чиқиш тадбирларини амалга ошириш бошланди [11,12]. 1966 йил ушбу илмий изланишлар миллий миқёсга кўтарилди ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан иқтисодий молиялаштирилди. Айни шу даврдан бошлаб Ер юзини масофадан ўрганиш "Landsat" дастурини яратиш ва шакллантириши бошланади. 1970 йил NASA компанияси давлатдан йўлдош қуриш учун рухсат олади ва ишни бошлаб юборади. Икки йилдан сўнг ушбу ташкилот томонидан биринчи Landsat (1-3) йўлдоши фазога муваффақиятли учурилади (<http://landsat.gsfs.nasa.gov>). Ушбу йўлдошга 4 спектрал диапазонда тасвирга олувчи сканерлар ўрнатилган эди улардан иккитаси қизил ва яшил кўринувчи диапазонда суратга олувчи сканерлар бўлса, қолган иккиси инфрақизил диапазонда суратга олувчи сенсорлардир. Сўнгра ушбу йўлдошлар тизими такомиллаштирилди, эскилари ўрнига янада имконияти кенг янги Landsat йўлдошлари учурилди. Landsat 4 (TM) дан бошлаб йўлдошлар Ер юзини 7 спектрал диапазонда ва юқори фазовий резолюцияда суратга тушириб тасвирларни узата бошлади. Ушбу 7 спектрал диапазондан 3 таси кўринувчи: кўк, яшил ва қизил диапазонлар бўлса, яна 3 таси инфрақизил диапазон, қолган 1 таси иссиқлик диапазони (<http://landsat.gsfs.nasa.gov>) [13,14].


Ҳозирда Landsat OLI (8) 2013 йил самога учурилган ва ишга туширилган бўлиб, у Ерни 11 диапазонда суратга тушириб, юқори сифатли ва юқори резолюцияли маълумотларни Ерга узатмоқда. Унинг баъзи хоссалари Landsat ETM+ (7) билан бир хил. Аммо Landsat ETM+ сканери оптичасига космик чанглари кириб қолгани боис ҳозирда у Ерга сифатсиз тасвирлар олиб жўнатмоқда.

Landsat сканерларини такомиллаштириб борилиши уларнинг спектрал ва бошқа хоссаларининг яхшиланишига олиб келди. Бу эса уларнинг имкониятларини ва улардан фойдаланиш радиусини кенгайтирди. Изланишларда фойдаланилган Landsat 8 сўнги авлоди йўлдошлари қуйидаги қатламлардан ташкил топган ва уларнинг имкониятлари қуйидагича:

**NIR** (яқин инфрақизил) – ушбу қатлам ўсимликлар ривожланишини таҳлил қилишга ва сув объектларини аниқлашда ёрдам беради. Бундан ташқари ушбу қатлам ёрдамида NDVI, NDWI ва бошқа турли индексларни ҳосил қилиш мумкин. Ушбу индекслар эса ўз навбатида турли илмий изланишларда фойдаланилади. Бу қатлам барча Landsat йўлдошларида мавжуд Landsat MSS сунъий йўлдошида эса 2 га бўлинган;

**SWIR** (қисқа узунликли инфрақизил) – ушбу қатлам Landsat TM (4-5), ETM+ (7), OLI (8) йўлдошларида мавжуд бўлиб, ушбу қатлам нам ва қуруқ тупроқни, баландлик, жарлик, тоғликларни аниқлашда ёрдам беради.

Landsat турли сунъий йўлдошлар сенсорларнинг тўлиқ узунликларида суратга олиш хоссалари ва диапазонини ўзида ифодалайди (1-расм).



1-расм. Landsat TM ETM+ ва OLI қатламларининг тўлиқ узунликларидаги комбинацияси

Изланишларда Landsat OLI сунъий йўлдошлари тасвирларидан фойдаланилди. Таҳлилларда фойдаланилган Landsat тасвирларининг координата тизими WRS-2 (Worldwide Reference System) ва қуйидаги параметрларга эга тасвирларни қўлладик:

- WRS-2 қисм=154; WRS-2 қатор=32.

Landsat тасвирларида таҳлилларда фойдаланганининг асосий сабаби унинг қуйидаги афзалликларидир:

- Landsat сунъий йўлдошидан олимлар 1972 йилдан буён маълумотлар билан таъминлаб туради. Унинг ушбу афзаллиги узоқ йиллик Ер юза қопламни ўрганишда жуда катта ёрдам беради;

- Landsat 8 сунъий йўлдоши - Landsat аждодлари янгилиниб, такомиллаштирилиб, кенг имконият ва мультиспектрал қатламлар билан ишга туширилган бўлиб, МОЎ (Масофадан Объектларни Ўрганиш) олимлари учун янги имкониятларни янада кенгайтирилган, юқори резолюцияли дата манбаидир, қўллаётган вилоят соҳа вакиллари ва олимларига эса бу йўлдош мутлоқ янгиликдир, уни қўллаш орқали вилоят сув хўжалигини маълумот билан таъминлаш имкониятларини ўрганиб чиқилади;

- ушбу сунъий йўлдош юқори резолюцияли бўлиб, унинг бу хоссаси ва мультиспектраллик хоссаси таҳлиллар сифати ва имкониятларини оширади;

- ушбу сунъий йўлдош тасвирлари бепул.

Сунъий йўлдош тасвирлари GloVis АҚШ расмий сайтидан бепул оқлаб олинди.


**Таҳлил босқичи.** Таҳлилларнинг дастлабки босқичида Landsat 8 тасвирлари орқали Сох сой косаси ва унинг чўкинди тўпланувчи ва асосий қисм чегаралари ажратиб олинди. Соининг тузилиши асосан қуйидаги қонуниятга асосланади ва 2 қисмдан иборат бўлади [15,16,18,19]:

1. Ишчи қисм

2. Лой йиғувчи қисм

Ушбу қисмларни ажратиб олишда Landsat 8 тасвирларининг SWIR ва NIR қатламлари кўрсаткичларидан фойдаландик. Сой қирғоқлари ўсимликсиз шағал қисм бўлганлиги боис, юқоридаги қатламлар сув тизими чегарасини аниқлашда юқори натижа кўрсатди (2-расм) [20].







2-расм. Landsat OLI NIR тасвирларида Сох сой ўзанининг кўриниши

Бунга кўра таҳлил алгоритми куйидаги кўринишга эга бўлди:

- If NIR2<12 Then Nonvegetated zone; - Marge Nonvegetated zone; - If Pix Area>5400 Water Reservoir. Бундан ташқари таҳлил аниқлиги визуал PAN ва SWIR қатламлари билан солиштириш орқали ҳам амалга оширилди. Натижалар ГАТ да шейпфайл ҳосил қилиш орқали умумлаштирилди. Бунда дастлаб Landsat 8 тасвири ГАТ га киритиб олинди (3-расм). Сўнгра шейпфайл яратилди:




3-расм. Таҳлил босқичи


Эдитор ёрдамида таҳлил натижаларига асосланган ҳолда яратилган шейпфайлда сув ҳавзаси чегараси тузиб чиқилди (4-расм).

**Натижа ва муҳокама.** Натижада куйидаги харита ва ўлчов қийматларига эга бўлинди:


ГАТ да SWIR ва NIR тасвирларга асосланган ҳолда Сох сой харитаси ва маълумот базаси ишлаб чиқилди (5-расм). Энди ушбу харита асосида сойнинг исталган қисмида ўлчаш ишларини олиб бориш мумкин (ГАТ асосида). Бунда ГАТ даги линейка блокни танлаб олинади ва



4-расм. Сой чегараси харитаси



5-расм. Сох сойнинг ГАТ да тузилган харитаси



6-расм. Сой узунлигини ва энини ўлчаш

суддан фойдаланиш истиқболлини башорат қилиш моделини ишлаб чиқиш мумкинлиги яратилди. Яратилган харита келгусида иқлим ўзгариши шароитида сув миқдори ва таъминотидаги юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришларга чора-тадбирлар ишлаб чиқишга имконият беради. ГАТ техника ва технологияларига асосланган дастурни амалиётга татбиқ этилиши, сув ресурсларини тақсимотини тезкор, аниқ амалга оширишга ва сув сарфини мониторингини самарали олиб боришнинг янги йўналиши бўлиши мумкин. Натижада сув ресурслари тежамкорлигига эришишга имкон беради.

№	Адабиётлар	References
1	Арифжанов А.М., Акмалов Ш.Б. Анализ изображений на основе географических объектов и дистанционное зондирование в окружающей среде// «Повышение эффективности, надежности и безопасности гидротехнических сооружений» Сборник статей международной научно-практической конференции. Том II. Ташкент, 2018. – С. 24-29	Arifjanov A.M., Akmalov Sh.B. <i>Analiz izobrazheniy na osnove geograficheskikh ob'ektov i distantsionnoe zondirovaniye v okruzhayushey srede</i> [Geographic object based image analysis and remote sensing in environment]. «Improving efficiency, reliability and safety of hydraulic engineering constructions» Collection of articles of international scientific-practical conference. Volume II. Tashkent 2018. Pp. 24-29 (in Russian)

2	Арифжанов А.М., Акмалов Ш.Б. Анализ изображений на основе географических объектов и описание алгоритма с помощью eCognition// «Повышение эффективности, надежности и безопасности гидротехнических сооружений» Сборник статей международной научно-практической конференции. Том II. – Ташкент, 2018. – С. 29-33.	Arifjanov A.M., Akmalov Sh.B. <i>Analiz izobrazheniy na osnovе geograficheskikh ob'ektov i opisaniе algoritma s pomoshch'yu eCognition</i> . [Geographic object based image analysis and algorithm description by using eCognition]. «Improving efficiency, reliability and safety of hydraulic engineering constructions» Collection of articles of international scientific-practical conference. Volume II. Tashkent 2018. Pp. 29-33 (in Russian)
3	Арифжанов А.М., Акмалов Ш.Б. Дистанционное зондирование применяется для управления водой и сельским хозяйством в Центральной Азии и Узбекистане// «Повышение эффективности, надежности и безопасности гидротехнических сооружений» Сборник статей международной научно-практической конференции. Том II. – Ташкент, 2018. – С. 33-37.	Arifjanov A.M., Akmalov Sh.B. <i>Distsantsionnoe zondirovaniе primenyaetsya dlya upravleniya vodoy i sel'skim khozyaystvom v Tsentral'noy Azyy i Uzbekistane</i> [Remote sensing applied to water and agricultural management in Central Asia and Uzbekistan]. «Improving efficiency, reliability and safety of hydraulic engineering constructions» Collection of articles of international scientific-practical conference. Volume II. Tashkent 2018. Pp. 33-37 (in Russian)
4	Арифжанов А.М., Акмалов Ш.Б., Самиев Л.Н., Апақходжаева Т. Выбор оптимального метода добычи воды для засушливой области в случае сел Бешбулак и Янгиобод (Сырдарьинская область, Узбекистан). Обзор европейской науки № 3-4, 2018 Март-апрель. – С. 244-249.	Arifjanov A.M., Akmalov Sh.B., Samiev L.N., Apakxo'jaeva T.U. <i>Vybor optimal'nogo metoda dobychi vody dlya zasushlivoй oblasti v sluchae sel Beshbulak i Yangiobod</i> [Choosing an optimal method of water extraction for arid region in the case of Beshbulak and Yangiobod villages]Sirdarya Province, Uzbekistan). European science review No 3, 4, 2018 March–April. Pp. 244-249 (in Russian)
5	Alsubaie, N.M. (2012). The Potential of Using Worldview-2 Imagery for Shallow Water Depth Mapping. Université de Calgary. Alberta, Pp. 85.	Alsubaie, N.M. (2012). The Potential of Using Worldview-2 Imagery for Shallow Water Depth Mapping. Université de Calgary. Alberta, Pp. 85.
6	Awan, Usman Khalid. "Coupling Hydrological and Irrigation Schedule Models for the Management of Surface and Groundwater Resources in Khorezm, Uzbekistan." Accessed June 2017. 105 p.	Awan, Usman Khalid. "Coupling Hydrological and Irrigation Schedule Models for the Management of Surface and Groundwater Resources in Khorezm, Uzbekistan." Accessed June 2017. 105 p.
7	Bhaduri, Budhendra, Jon Harbor, Bernie Engel, and Matt Grove. "Assessing Watershed-Scale, Long-Term Hydrologic Impacts of Land-Use Change Using a GIS-NPS Model." Environmental Management 26 (6): 643–58. doi:10.1007/s002670010122.	Bhaduri, Budhendra, Jon Harbor, Bernie Engel, and Matt Grove. "Assessing Watershed-Scale, Long-Term Hydrologic Impacts of Land-Use Change Using a GIS-NPS Model." Environmental Management 26(6):643–58. doi:10.1007/s002670010122.
8	Conrad, Christopher, Sebastian Fritsch, Julian Zeidler, GerdRücker, and Stefan Dech. "Per-Field Irrigated Crop Classification in Arid Central Asia Using SPOT and ASTER Data." Remote Sensing 2 (4): Pp. 1035–1056.	Conrad, Christopher, Sebastian Fritsch, Julian Zeidler, GerdRücker, and Stefan Dech. "Per-Field Irrigated Crop Classification in Arid Central Asia Using SPOT and ASTER Data." Remote Sensing 2 (4): Pp. 1035–1056.
9	Dubovyk, O., Menz, G., Conrad, C., Thonfeld, F. & Khamzina, A. Object-Based Identification of Vegetation Cover Decline in Irrigated Agro-Ecosystems in Uzbekistan. Quaternary International, Hydrological and Ecological Responses to Climatic Change and to Land-use/land-cover changes in Central Asia, Pp. 163–174.	Dubovyk, O., Menz, G., Conrad, C., Thonfeld, F. & Khamzina, A. Object-Based Identification of Vegetation Cover Decline in Irrigated Agro-Ecosystems in Uzbekistan. Quaternary International, Hydrological and Ecological Responses to Climatic Change and to Land-use/land-cover changes in Central Asia, Pp. 163–174.
10	Akmalov Sh.B., Gerts J. Using Remote Sensing very high resolution data in observation of open drainage system condition in Syrdarya Province. "Irrigatsiya va melioratsiya journal", No2 (4). TIAME. Tashkent, 2016. Pp. 26-29 (05.00.00; №22).	Akmalov Sh.B., Gerts J. Using Remote Sensing very high resolution data in observation of open drainage system condition in Syrdarya Province. "Irrigatsiya va melioratsiya jurnali", No2 (4). TIAME. Tashkent, 2016. Pp. 26-29 (05.00.00; №22).
11	Akmalov Sh.B., Blanpain O., Masson E. Study of ecological changes in Syrdarya province by using the Remote Sensing GEOBIA analysis method. Irrigatsiya va melioratsiya jurnali, Vol N02 (8). TIAME. Tashkent, 2017. Pp.15-19 (05.00.00; №22).	Akmalov Sh.B., Blanpain O., Masson E. Study of ecological changes in Syrdarya province by using the Remote Sensing GEOBIA analysis method. Irrigatsiya va melioratsiya jurnali, Vol N02 (8). TIAME. Tashkent, 2017. Pp.15-19 (05.00.00; №22).
12	Герц Дж., Самиев Л.Н. Использование дистанционного зондирования изображений с очень высоким разрешением при наблюдении за техническими условиями открытой дренажной системы в Сырдарьинской области// Наука и мир, – № 12 (28). Том III. – С. 136-140.	Gerts J., Samiev, L. N. <i>Ispol'zovanie distantsionnogo zondirovaniya izobrazheniy s ochtn' vysokim razresheniem pri nablyudeniy za tekhnicheskimi usloviyami otkrytoy drenazhnoy sistemy v Syrdar'inskoy oblasti</i> [Using The Remote Sensing of Very High Resolution Images in Observation of Technical Conditions of Open Drainage System in Syrdarya Province]. Science and World, No 12 (28). Vol. III. Pp. 136-140. (in Russian)
13	Bhattarai, N, Quackenbush, L.J., Calandra, L.J., Teale S. Spectral Analysis of Scotch Pine Infested by Sirex Noctilio. Proceedings of the ASPRS 2011 Annual Conference Milwaukee, Wisconsin, 1-5 Mai, Pp. 1-5.	Bhattarai, N, Quackenbush, L.J., Calandra, L.J., Teale S. Spectral Analysis of Scotch Pine Infested by Sirex Noctilio. Proceedings of the ASPRS 2011 Annual Conference Milwaukee, Wisconsin, 1-5 Mai, Pp. 1-5.
14	Blaschke T. Object Based Image Analysis for Remote Sensing. ISPRS Journal of Photogrammetry and Remote Sensing, 65 (1) Pp. 2–16.	Blaschke T. Object Based Image Analysis for Remote Sensing. ISPRS Journal of Photogrammetry and Remote Sensing, 65 (1) Pp. 2–16.
15	Латипов К.Ш. Вопросы движения взвесенесущего потока в руслах. – Ташкент: Мехнат, 1994. – 110 с.	Latipov K.Sh., <i>Voprosy dvizheniya vzvesenesushchego potoka v ruslakh</i> [Questions of motion of a suspended flow in the channels.] Tashkent. Mehnat, 1994. 110 p. (in Russian)
16	Ахмедходжаева И.А., Ходжиев А.К., Самиев Л.Н. Модель по управлению водными ресурсами нижнего течения реки Амударьи с учетом водности года// Журнал «Наука и Мир», Москва. – 2016. – № 6 (34)	Akhmedhodjaeva I.A., Khodjiev A.K., Samiev L.N. <i>Model' po upravleniyu vodnymi resursami nizhnego techeniya reki Amudar'i s uchotom vodnosti goda</i> [Model of water management in the lower reaches of the Amudarya river, taking into account the water content of the year], No 6 (34), "Science and Peace" journal, Moscow, 2016. (in Russian)
17	Самиев Л.Н., Акмалов Ш.Б., Ибрагимова З.И., Куйганёр тиндиргичи иш режимининг катта Фаргона каналининг гидравлик параметрларига таъсири// "Гидротехника иншоотларининг самарадорлигини, ишончилигини ва хавфсизлигини ошириш" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тўплами. ТИМИ. Тошкент. 13–14 декабрь, 2012 й. Б. 45-46	Samiyev L.N., Akmalov Sh.B., Ibragimova Z.I. <i>Kuyganyor tindirgichi ish rezhimining katta Fargona kanalining gidravlik parametrlariga ta'siri</i> . [Influence of the Kuiganyor pit worker on the hydraulic parameters of the Fergana channel]. Republican Scientific-Practical Conference on Improving Efficiency, reliability and safety of hydroelectric power plants TIIM. Tashkent. December 13-14, 2012 Pp. 45-46 (in Uzbek)
18	Ибрагимова З., Самиев Л.Н. Катта Фаргона каналида табиий дала шароитида олиб борилган изланишлар тахлили// «Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари» мавзусидаги иқтидорли талабалар, магистрантлар ва ёш олимларнинг XII-Республика илмий амалий анжумани тўплами. ТИМИ. Тошкент. 10–11 апрель 2013. – Б. 123-129	Ibragimova Z.I., Samiyev L.N. <i>Katta Fargona kanalida tabiiy dala sharoyitida olib borilgan izlanishlar takhlili</i> [An analysis of natural field conditions in the Big Fergana canal]. The XII Republican Scientific and Practical Conference for Gifted Students, Masters and Young Scientists on "Modern Problems of Agriculture and Water Management". TIIM, Tashkent. 10-11 April 2013, Pp. 123-129. (in Uzbek)
19	Фатхуллаев А.М., Самиев Л.Н. Узандаги жараёнлар ва дарё чўкиндилари. – Тошкент, 2017. – 132 б.	Fatkhullaev A.M., Samiev L.N., <i>Uzandagi zharayonlar va daryo chukindilari</i> [Channel processes and river sediments]. Tashkent, 2017. 132 p. (in Uzbek)
20	Фатхуллаев А.М. Динамика взвесенесущего потока в руслах. – Ташкент. – "Фан", 2014. – 124 с.	Fatkhullaev A.M. <i>Dinamika vzhvesenesushchego potoka v ruslakh</i> [Dynamics of a suspended flow in the channels.] Tashkent. "Fan". 2014. 124 p.

УЎТ: 631. 312:631.51

## БОҒДОРЧИЛИКДА КЎЧАТЛАР ҚАТОР ОРАЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Т.С.Худойбердиев - т.ф.д., профессор, А.Н. Худойёров - т.ф.н., профессор  
Б.Р.Болтабоев - т.ф.н., доцент, Б.Н.Турсунов - т.ф.н., доцент,  
А.Абдуманнопов - мустақил тадқиқотчи  
Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали*

### Аннотация

Мақолада боғ қатор ораларига кўчат экишдан бошлаб, уларни ораларига ишлов берувчи агрегатларни кириш имконияти чекланган қатор ораларига полиз, сабзавот экинларини экиш учун ерларни тайёрлашга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, амалга ошириладиган ишларни тизимга солиш ва уни амалга ошириш технологиясини ишлаб чиқиш ва қурилмаларни яратиш масаласи бўйича олиб борилган тадқиқотлар келтирилган. Кўчатлар қатор ораларини сифатли юмшатиш, суғориш ариқчаларини олиш асосий майдонни текислаб, полиз, сабзавот каби экинларни етиштириш агротехникасидан келиб чиқиб, эгатларни олиш учун комбинациялашган универсал агрегат конструкцияси ишлаб чиқилган. Таклиф этилаётган усулнинг афзаллиги шундаки, кўчатлар қатор ораларига полиз-сабзавот экинларини экиш учун эрта баҳорда ерларни тайёрлаш ишлари универсал-комбинациялашган агрегатнинг бир бориб келишида тайёрлаш имконини беради.

**Таянч сўзлар:** мевали боғлар, боғ қатор оралари, тупроққа ишлов бериш, экиш учун ерларни тайёрлаш, суғориш ариғи, тупроқ уюми, актив ва пассив иш органлари, ўқейсимон панжа, эгат очгич, текислагич, таянч ғилдираклари, комбинациялашган агрегат, технологик жараён.

## НОВАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ОБРАБОТКИ МЕЖДУРЯДИЙ САЖЕНЦЕВ В САДОВОДСТВЕ

*Т.С.Худойбердиев - д.т.н., профессор, А.Н.Худойёров - к.т.н., профессор  
Б.Р.Болтабоев - к.т.н., доцент, Б.Н.Турсунов - к.т.н., доцент  
А.Абдуманнопов - соискатель  
Андижанский филиал Ташкентского государственного аграрного университета*

### Аннотация

В статье приведены результаты исследований по систематизации работ и разработке технологии подготовки почвы согласно агротехнических требований к посеву овоще-бахчевых культур в междурядья саженцев, а также созданию агрегата для её осуществления. Разработан комбинированный универсальный агрегат для качественного рыхления, нарезки оросительных борозд и разравнивания почвы, в соответствии агротехническим требованиям посева различных овоще-бахчевых культур в междурядья саженцев. Преимущество предложенного способа заключается в том, что предлагаемый универсальный комбинированный агрегат позволяет выполнять за один проход вес комплекс работ по подготовке почвы к весеннему посеву овоще-бахчевых культур в междурядья саженцев в садоводстве.

**Ключевые слова:** фруктовые сады, междурядья садов, обработка почвы, подготовка почвы к посеву, оросительные борозды, собранная почва, активные и пассивные рабочие органы, дугообразный осевой палец, бороздорез, разравниватель, опорные колёса, комбинированный агрегат, технологический процесс.

## NEW TECHNOLOGY OF WORKING AND THE INTERSPACES OF ROWS WITH BABY-TREES IN GARDENING

*T.S.Xudoyberdiev – d.t.s., professor, A.N.Xudoyorov – c.t.s., professor,  
B.R.Boltaboev - c.t.s., associate professor, B.N.Tursunov - c.t.s., associate professor,  
A.M.Abdumannopov – researcher  
Andijan branch of the Tashkent State Agrarian University*

### Abstract

The article presents the results of studies on the systematization of work and the development of soil preparation technology in accordance with the agrotechnical requirements for sowing vegetables and melons in the rows of seedlings, as well as the creation of an aggregate for its implementation. A combined universal unit has been developed for quality loosening, cutting irrigation furrows and leveling the soil, in accordance with the agrotechnical requirements for sowing various vegetables and melons and gourds in between rows of seedlings. The advantages of the proposed method lies in the fact that the proposed universal combined unit allows you to carry out a complex of works for preparing the soil for spring sowing of vegetables and melons in between rows of seedlings in horticulture in one pass.

**Key words:** orchards, orchards between rows, tillage, soil preparation for sowing, irrigation furrows, collected soil, active and passive working bodies, arcuate axial finger, furrowing, leveling, support wheels, combined unit, technological process.





**Кириш.** Республикамизда кейинги йилларда боғдорчиликнинг ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 28 февралдаги “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Сабзавот-полиэтилен, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилингандан сўнг боғдорчиликнинг ривожланиши янада юқори босқичларга кўтарилди, ҳар бир ҳудудда мевали боғлар, токзорлар учун ер майдонлари ва улар учун керакли бўлган уруғлик ва кўчатлар, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари ажратила бошланди [1, 2].

Мевали боғлар ва узумзорларнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Боғдорчилик билан шуғулланадиган фермерларнинг йиллик даромадлари ортиб, халқимизнинг дастурхонини меваларга тўлиб бормоқда. Мевалардан ташқари боғларнинг қатор ораларига полиз, сабзавот экинлари ва доривор ўсимликларнинг экилиши эса фермерларимиз учун кўшимча даромад манбаи бўлмоқда.

**Масаланинг қўйилиши.** Эришилаётган ютуқларнинг бўлишига қарамай, мевали боғ қатор оралари майдонларидан унумли фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Чунки боғлардаги кўчат қаторлари орасидаги майдонлардан фойдаланиш даражаси ҳали етарли эмас, баъзи боғларда бу майдонлар қаровсиз ташлаб қўйилган. Баъзи боғларда қаторлар ораси ҳайдаб қўйиш билан чегараланмоқда. Бундай боғларда, шунингдек, янги ташкил этилган интенсив боғларда эрта баҳорда ва ёз кунларида бажариладиган ишлар тизим ҳолатига келтирилмаган, келтирилган бўлса ҳам уларни бажариш назоратдан четда қолмоқда.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти томонидан боғ қатор оралари майдонларида амалга оширилиши керак бўлган жараёнлар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, амалиётда улардан фойдаланиш талаб даражасида эмас.

Мевали боғ қатор ораларига ишлов бериш технологияси ва уни амалга оширувчи ресурстежамкор агрегат яратиш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири бўлиб, эрта баҳор ва ёз кунларида боғ қатор ораларида амалга ошириладиган ишларни бир тизимга келтиришни тақозо этмоқда.

**Ечиш усули.** Мевали боғ қатор ораларига боғ кўчатларини ривожланиш даврига қараб, икки босқичда бажариладиган ишларни тизимга солиш усули тақдим этилади. Биринчи босқич боғ қатор ораларига кўчат экишдан бошлаб, уларнинг ораларига ишлов берадиган агрегатларни кириш имконияти бўлмаган даврни ўз ичига олади. Бу давр тупроқ шароити, кўчатларнинг экиш схемаси, мевали дарахтларнинг нави ва уларни парвариш қилиш каби омилларга боғлиқ бўлади ва 4–6 йилни ўз ичига олади. Иккинчи босқич биринчи босқич даврининг якунида бошланиб, мевали дарахтлардан фойдаланишнинг охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда кўчат тури, нави ва уларни парвариш қилиш даражасига қараб муддат ҳар хил бўлади.

**Натижалар таҳлили.** Мазкур мақолада, асосан 1-даврда қатор ораларига полиз, сабзавот экинларини экиш учун ерларни тайёрлашга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, амалга ошириладиган ишларни тизимга солиш ва уни амалга ошириш технологиясини ишлаб чиқиш ва қурилмаларни яратиш масаласи бўйича олиб борилган тадқиқотлар келтирилган. Бунинг учун биринчи давр мобайнида

боғ қатор оралари майдонига қандай полиз, сабзавот ва доривор ўсимликлар экилишини аниқлаш ва шу асосда уларнинг агротехникасидан келиб чиқиб, тупроққа ишлов бериш масалаларини ўрганиш керак бўлади. Шунинг учун биринчи даврда бажариладиган ишлар ва бу ишларни бажариш технологиясига тўхталдик. Энг аввало мевали дарахтлар қатор оралари кузда ўғит солиниб, 20–25 см чуқурликда ҳайдалади. Кузда қатор ораларини ҳайдаш учун махсус плуглардан ПС-4-30А ёки секцияси ҳайдаш учун кўчатлар қаторига яқин бориши мумкин бўлган модулли плуглардан фойдаланилади [3]. Эрта баҳорда эса биринчи бажариладиган жараённи кўчатлардан 50–60 см узокликда суғориш ариқчасини олишдан бошлаш керак.

**Суғориш ариғининг шакли.** Суғориш ариғи ҳар бир кўчатлар қаторининг икки томонида олиниб чуқурлиги 20–25 см атрофида бўлиши мақсадга мувофиқ. Ариқнинг ҳар йили бир жойдан олиниши ёки эскиси тозаланиб турилиши ишни осонлаштиради. Суғориш ариғини олиш учун боғдорчиликда ишлатиладиган секцияси суриладиган культиваторлар КСЛ-5А ёки тупроққа ишлов берувчи машина МПВ-1 лардан фойдаланиш мумкин [4]. Лекин буларда фойдаланиладиган ариқ ҳосил қилувчи иш органга махсус вазифа юклатилмаган. Махсус вазифалар эса қуйидагилардан иборат:


- суғориш ариғининг шакли учбурчак эмас, трапеция шаклида бўлиши керак;

- суғориш ариғидан чиққан тупроқ уюмини ариқнинг икки томонида маълум кенглик ва қалинликда ёйиб кетиши керак. Юқоридаги вазифаларнинг бажарилиши мевали кўчатлар қатор ораларига полиз, сабзавот экинлари ва бошқаларни экишга қийинчилик туғдирмайди. Ариқнинг шакли ва ундан чиққан, ёйилиб кетилиши керак бўлган, тупроқ уюмининг шакли 1-расмда келтирилган.

Мевали кўчатлар қатор ораларига полиз, сабзавот ва бошқа экинларни экишда эгатлар ораси 90 см бўлса, суғориш ариқчасидан чиққан тупроқ уюми бир томондан (40–45) см кенгликка ёйилиши керак. Ёйилган тупроқнинг қалинлиги  $h_1$  қуйидагича аниқланади.

$$h_1 = \frac{(a+b)h}{4 \cdot l}, \text{ см}$$


Юқоридаги вазифадан келиб чиқиб, суғориш ариқчасини олиш ва тупроқ уюмини ёйиб кетувчи махсус иш органини яратиш керак бўлди.



$a$  - ариқнинг кенлиги, см;  $b$  - ариқ тубининг кенлиги, см;  $l$  - тупроқни ёйиш кенлиги, см;  $h$  - ариқнинг чуқурлиги, см;  $h_1$  - ёйилган тупроқнинг қалинлиги, см;  $S_1$  - ариқнинг кўндалане юзаси, см<sup>2</sup>;  $S_2$  - тупроқ уюмининг кўндалане юзаси, см<sup>2</sup>;  $S_3$  - ёйилган тупроқнинг кўндалане юзаси, см<sup>2</sup>.

**1-расм. Ариқдан чиққан тупроқ уюми ва унинг ёйилиши керак бўлган ҳолати**

Ариқлар қирғоғидан дарахатлар қаторигача бўлган майдонга ишлов бериш (кейинчалик дарахтлар ёнидаги майдон деб аталди). Бу майдоннинг ўлчамлари 2-расмда келтирилган.



*A* - ишлов берилмайдиган кўчат атрофи, см; *B* - ҳимоя ҳудудидан суғориш ариқчаси марказигача бўлган масофа, см; *B*<sub>1</sub> - дарахтлар ёнидаги ишлов бериладиган майдоннинг кенглиги, см; 1 - кўчат танаси; 2 - илдиз тизими; 3 - суғориш ариғи.  
**2-расм. Дарахтлар ёнидаги ишлов бериладиган майдон**

Бу майдонга ишлов беришда ривожланаётган илдизларга ва қатордан четроққа экилган кўчатларга зиён етмаслик учун кўчат танаси атрофидаги *A* кенгликда ишлов берилмайдиган майдон қолдирилади (6–10 см). Қолган *B*<sub>1</sub> кенгликка эга бўлган майдонга ишлов берилади, яъни юмшатилади ва иложи бўлса, ёввойи ўтлар териб ташланади. Юмшатилиши *A* майдонга яқин жойида саёзроқ (5–7 см), суғориш ариқчасига яқин майдон чуқурроқ юмшатилади (10–15 см).

Кўчат экилган йили бу майдон чуқурроқ юмшатилиши мумкин. Чунки кўчатларнинг илдиз тизими бу майдонга тарқалмаган бўлади. Кейинги йиллари эса саёзроқ юмшатилади. Агар йил давомида 2–3 марта юмшатишнинг иложи бўлса, чуқурроқ ишлов бериш ҳам мумкин. Ишлов беришларнинг сони ишлов бериш тизимида ҳисобга олиниб қолса, кўчатнинг илдиз тизими “тарбияланиб” қолади ва ер юзасидан узокроққа тарқалади. Дарахтлар ёнидаги майдонга ишлов бериш кўчат қатор ораларига ишлов беришнинг энг мураккаби ҳисобланади. Бу майдонга ишлов бериш технологияси ва ишчи воситаларига қуйидаги эҳтиёт талаблари қўйилади:

- кўчатларнинг (дарахтларнинг) танасига зарар етказмаслик;

- кўчатларнинг (дарахтларнинг) илдиз тизимига зарар етказмаслик;

- кўчат (дарахт) шохларига зарар етказмаслик.

Шунинг учун кўчатлар ёнидаги майдонларга ишлов беришнинг муҳимлиги сабабли, кўплаб тадқиқотчилар ўзларининг ишларини шу муаммога қаратганлар [5, 6, 7, 8]. Майдонга ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқишда юқоридаги талабларни ҳисобга олган ҳолда актив ва пасив ишлов бериш воситаларининг хилларини таклиф этганлар.


Ишлов бериш машиналарини иш органлари актив ёки пасив бўлган ҳолда, улар мевали дарахтлар тагига бориши керак бўлади. Бунинг учун ишчи воситалар тракторнинг бўйлама ўқига нисбатан асимметрик жойлашган бўлиши зарур. Бу эса ишни мураккаблаштиради. Актив иш органли агрегатларни автоматлашган ва ярим автоматлашган [9, 10, 11, 12] хиллари мавжуд бўлиб, улар кўп харажатли машиналар типига киради. Пасив иш органига эга бўлган агрегатларнинг конструкцияси нисбатан содда ҳисобланади. Уларнинг баъзи бирлари нафақат дарахтлар ёнидаги майдонга, балки қатор ораларидаги майдонларга ҳам ишлов беришга мўлжалланган. Улар-

нинг иш органлари ясси, ўқёйсимон панжа ёки бритвалардан иборат бўлади. Улар томонидан қирқилган бегона ўтларни териш ва майдонни юмшатиш учун тишли бораналардан фойдаланилади.

**Кўчатлар қатор ораларидаги суғориш ариқчалари ўртасига ишлов бериш.** Бу майдонни кейинчалик асосий майдон деб аталади. Бу майдонга ишлов бериш полиз, сабзавот ва доривор ўсимликлар экилиши нуқтаи назаридан амалга оширилади. Кўчатларнинг илдиз тизими бу майдонда нисбатан чуқурроқ жойлашгани учун ишлов бериш чуқурлиги 17–25 см атрофида бўлиши мумкин. Бу майдонга ҳар хил ишчи органлар ёрдамида ишлов берилиши ва ўғитлар солиниши керак. Дарахтлар мевага кирганда 2–3 йилда бир марта отвалсиз иш орган билан юмшатилиб ҳам турилади.

Кўпинча асосий майдонлар культиваторлар ёрдамида [7, 8], ясси кесувчи иш органлари бўлган культиваторлар [16, 17] ёрдамида юмшатилади. Қўлланилаётган иш органларнинг вазифасидан, майдонни тупроқ шароитидан келиб чиқиб, асосий параметрлари асосланади.

Юқорида кўриб ўтилган майдонларга ишлов бериш учун алоҳида агрегатларни кириши билан амалга оширилади. Агрегатларнинг 3–4 мартагача кириши билан майдонлар юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади. Ўзбекистон шароитида эса юқоридаги ишларни амалга оширишдан ташқари, асосий майдонга полиз, сабзавот каби экинларни экиш учун ерни тайёрлаш ҳам керак бўлади. Бу ишларни амалга ошириш эса кўчатлар қатор ораларига агрегатларни киришини янада кўпайтиради. Шунинг учун кўчатлар қатор ораларини кераклича юмшатиш, суғориш ариқчаларини олиш, асосий майдони текислаб, полиз, сабзавот каби экинларни агротехникасидан келиб чиқиб, эгатларни олиш учун комбинациялашган универсал агрегатни яратиш ҳозирги кунда ҳам долзарблигича қолиб келмоқда. Яратилаётган комбинациялашган – универсал агрегат олдида кўчатлар қатор ораларига бир бориб келишида юқоридаги барча ишларни талаб даражасида бажариш вазифаси қўйилиши керак. Қўйилган талаб асосида кўчатлар қатор ораларига ишлов берувчи агрегатнинг лойиҳаси Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг лабораториясида яратилди [18, 19, 20]. Унинг кинематик схемаси 3-расмда келтирилган.




1 - рама; 2, 8 - олд ва орқа таянч ғилдираклар; 3, 4 - чизел юмшатиغичлар; 5 - ёввойи ўтларни териш қурилмаси; 6 - юмшатилган юза; 7 - текислагич; 9, 10 - суғориш ариқчаси ва эгатлар ариқчасини очигичлар, 11 - текислагич юза.

**3-расм Кўчат қатор ораларига ишлов берувчи универсал-комбинациялашган агрегатнинг кинематик схемаси**

Таклиф этилаётган агрегатнинг тузилиши қуйидагилардан иборат: рама ва асосий майдонни юмшатиш учун унга икки қатор қилиб шахмат усулида маҳкамланган юмшатиغичлар ёки ўқёйсимон панжа, юмшатилган тупроқ таркибидagi бегона ўтларни терувчи мослама, асосий майдонни текислагичи, олдинги ва кетинги таянч ғилдираклари ва суғориш ариғи ва эгат очигичлар. Барча иш органлар

рамага вертикал ҳолатда, созлаш имкониятига қараб, маҳкамланган. Иш органлари ҳаракатининг текислигини таъминлаш мақсадида рама олдинги (иккита) ва кетинги (иккита) таянч ғилдиракларига ўрнатилган.

Агрегатнинг икки томонида қанотлар, уларга даррахт атрофини юмшатувчи иш органлар қотирилган (4-расм).



1 - ишчи ҳолати; II - кўтарилган ҳолати, 1 - агрегат рамаси; 2 - таянч ғилдираги; 3 - гидроцилиндр; 4 - ишчи органлар қаттирилувчи қанотлар; 5 - кўчатлар атрофига ишлов берувчи ишчи органлар; 6 - таянчлар; 7 - кўчатлар; 8 - суғ ариғини олувчи (оқучник) иш органи; 9 - эгат ариқчаларини олувчи иш орган.

**4-расм. Кўчат қатор ораларига ишлов берувчи универсал-комбинациялашган агрегатнинг технологик иш жараёни**


Даррахт атрофини юмшатувчи қанотлар куйидаги қисмлардан иборат:

Агрегат рамасига қатирилган чап ва ўнг қанотлари; қанотларни I ва II позицияларга келтирувчи гидроцилиндр; кўчатлар атрофига ишлов берувчи иш органлар; таянчлар; кўчатлар ва асосий агрегат рамаси; таянч ғилдираклар.

Даррахтлар атрофининг ҳолатига қараб иш органлар ясси ва ўқёйсимон панжа, бритвалар ва тишли бороналар бўлиши мумкин. Юмшатиш пайтида қанотлар туширилади (I позиция), юмшатиладан сўнг, кўтарилган ҳолати (II позиция) келтирилиб қўйилади. Бундан ташқари қанотларни кўтариладиган эмас, балки сурилиб чиқадиған конструкцияси ҳам бўлиши мумкин. Асосий майдон юмшатиладан, бегона ўтлардан тозаланиб бўлгандан сўнг асосий суғориш ариқчаси ва полиз, сабзавот экинларини экиш учун эгатлар олинишидан олдин текисланади. Текислагични ҳаракат йўналишига перпендикуляр ёки маълум бурчак остида жойлаштириш мумкин. Текисланган асосий майдоннинг икки томонидан, кўчатлардан 50–60 см узокликда 1-расмда кўрсатилган ўлчамлар бўйича суғориш ариқчаси олинади ва икки томондаги тупроқ уюми ёйилади.

Суғориш ариқчасини олиш билан бир вақтда тупроқ уюмини текислаб кетувчи ҳамда қатор ораларига эгат олиш ва пуштада ҳосил бўлган тупроқ уюмини текисловчи иш органлар ишлаб чиқилди. Ушбу эгат очгич органларининг вазифаси бир бирига яқин бўлганлиги учун конструкциялари ҳам бир хил бўлиб, ҳосил қиладиган ариқчанинڭ ўлчамига қараб, улар бир-биридан фарқланади (5-расм).


Суғориш ариқчасини олиш билан бир вақтда тупроқ уюмини текислаб кетувчи иш органи уч қисмдан: асосий



а - суғориш ариғини олувчи иш органи; б - эгатлар ариғини олувчи иш органи; 1 - асосий эгат очувчи қисми; 2 - тупроқ уюмини текисловчи қисми; 3 - иккала қисмни бир-бирига боғловчи шарнир.

**5-расм. Суғориш ариқчасини олиш билан бир вақтда тупроқ уюмини текислаб кетувчи иш органлар**

ариқ очгич, тупроқ уюмини текислагич ва уларни орасидаги шарнирлардан иборат. Иккала қисм орасидаги шарнирнинг бўлишлиги текислагични ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини танлаш имкониятини беради. Тупроқ ёйилиш қалинлигини ҳам ўзгартириш мумкин. Яратилган универсал-комбинациялашган агрегат ёрдамида кўчатлар қатор ораларига полиз-сабзавот экинларини экиш учун эрта баҳорда ерларни тайёрлаш ишлари яратилган универсал-комбинациялашган агрегатни бир бориб келишида тайёрланади (6-расм). Агрегат тракторнинг тортиш кучи етарли бўлса, ишлар бирданига бажарилади, етмаса, боришда чизелланиб, бегона ўтлар ва даррахт ёнбоши юмшатилади, келишида эса эгатлар олинади.



— тупроқ уюми ёйилган қатлам; а - эгатлар кенелиги, см;  $B_1$  - ҳимоя ҳудудидан суғориш ариқчасигача бўлган масофа, см;  $B_2$  - кўчат ёни майдонининг кенелиги, см; B - асосий майдон кенелиги, см; 1 - кўчат танаси; 2 - илдиз тизими; 3 - суғориш ариқчаси; 4 - экинларнинг суғориш ариқчаси; 5 - экин экиладиган эгатлар.

**6-расм. Универсал-комбинациялашган агрегат ёрдамида кўчат қатор ораларига ишлов берилган майдон**

**Хулосалар**

1. Боғ қатор ораларидан унумли фойдаланиш ҳозирги кунда тизимли ҳолатга келтирилмаган.

2. Мевали боғ қатор ораларига ишлов бериш технологияси ва уни амалга оширувчи ресурстежамкор агрегат яратиш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири бўлиб, эрта баҳор ва ёз кунларида боғ қатор ораларида амалга ошириладиган ишларни бир тизимга келтиришни тақозо этмоқда.

3. Мевали боғ қатор ораларига боғ кўчатларини ривожланиш даврига қараб 2 босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади:  
- I босқич: боғ қатор ораларига кўчат экишдан бошлаб, уларни ораларига ишлов берувчи агрегатларни кираолмай қолгунгача бўлган даври;

- II босқич: биринчи босқичнинг охиридан бошлаб мевали даррахтлардан фойдаланишнинг охиригача бўлган давр.

4. Боғ қатор ораларига экиладиган полиз, сабзавот ва доривор ўсимликлар экилишига қараб, уларнинг агротехникадан келиб чиқиб, тупроққа ишлов бериш масалалари ўрганилиши керак.

5. Мевали кўчатлар қатор ораларига полиз, сабзавот, беда ва бошқа экинларни экишда эгатлар ораси 90 см бўлса, суғориш ариқчасидан чиққан тупроқ уюми бир томондан (40–45) см кенгликка ёйилиши керак.

6. Кўчатлар қатор ораларини кераклича юмшатиш, суғориш ариқчаларини олиш асосий майдонни текислаб, полиз, сабзавот каби экинларни агротехникадан келиб чиқиб, эгатларни олиш учун комбинациялашган универсал агрегат конструкциясини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Таклиф этилаётган комбинациялашган-универсал агрегат олдида кўчатлар қатор ораларига бир бориб келишида юқоридаги барча ишларни талаб даражасида бажариш вазифаси қўйилиши керак.

7. Суғориш ариқчасини олиш билан бир вақтда тупроқ уюмини текислаб кетувчи ҳамда қатор ораларига эгат олиш ва пуштада ҳосил бўлган тупроқ уюмини текисловчи иш органлар ишлаб чиқилди. Ушбу эгат очгич органларини



вазифаси бир-бирига яқин бўлганлиги учун конструкциялари ҳам бир хил бўлиб, ҳосил қиладиган ариқчанинг ўлчамига қараб, улар бир-биридан фарқланади

8. Таклиф этилаётган универсал-комбинациялашган

агрегат ёрдамида кўчатлар қатор ораларига полиз-сабзавот экинларини экиш учун эрта баҳорда ерларни тайёрлаш ишлари агрегатни бир бориб келишида тайёрлаш имконини беради.

№	Адабиётлар	References
1	Президентнинг 2018 йил 7 февралдаги “Пахта хом ашёси ва бошокли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3754-сонли қарори. – Тошкент, 2018.	Prezidentning 2018 yil 7 fevraldagi “ <i>Pakhta khom ashyosi va boshokli don etishtirishni moliyalashtirish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari tugrisida</i> ”gi PҚ-3754 karori [About measures for cardinal improvement of system of financing of cotton raw material and grain cultivation]. Tashkent, 2018. (in Uzbek)
2	Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 258-сонли қарори. – Тошкент, 2018.	Vazirlar Makhkamasining 2018 yil 3 apreldagi “ <i>Sabzavot – polizchilik, bogdorchilik va uzumchilik yunalishidagi fermer khujaliklarining er maydonlaridan foydalanish samaradorligini oshirish chora-tadbirlari tugrisida</i> ”gi 258-son karori [On Measures to Increase the Efficiency of Using Land Plots for Farming, Gardening and Grape Farming]. Tashkent, 2018. (in Uzbek).
3	И.Эргашев, Х.Пардаев. Боғ қатор ораларига ҳар хил чуқурликда теккис ишлов берадиган симметрик фронтал плуг ва унинг конструктив схемаси // “Агро илм” журна. – Тошкент, 2017. – №5(49). – Б.92-93.	I.Ergashev, Kh.Pardaev. <i>Bog kator oralariga khar khil chukurlikda tekki ishlov beradigan simmetrik frontal plug va uning konstruktiv shemasi</i> [The symmetrical frontal plug and its structural scheme, with a variety of depths]. Journal of Agroilm. Tashkent, No.5(49). 2017. Pp.92-93. (in Uzbek)
4	Система машины технологий для комплексной механизаций сельскохозяйственного производства на 2011–2016 г. – Москва, 2016.	<i>Sistema mashiny tekhnologiy dlya kompleksnoy mekhanizatsiy sel'skokhozyaystvennogo proizvodstva na 2011...2016 g.</i> [The system of machine technologies for the integrated mechanization of agricultural production for 2011 ... 2016.]. Moscow, 2016. (in Russian)
5	А.Т.Мусурмонов, Р.И.Байметов, Д.А.Ибрагимов, А.И.Юлдашев Перспективно развития технических средств садоводства и виноградарства // “Ресурстужамкор қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” мавзусидаги. Республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами. 2. – 21. – Гулбаҳор, 2014. – Б. 409-413.	A.T.Musurmonov, R.I.Baymetov, D.A.Ibragimov, A.I.Yuldashev. <i>Perspektivo razvitiya tekhnicheskikh sredstv sadovodstva i vinogradarstva</i> [The prospect of development of technical means of gardening and viticulture]. Republican Scientific-Practical Conference Scientific Collection of Articles 2-21. Gulbakhor, 2014. Pp. 409-413. (in Russian)
6	Проспект “Ўзқишлоқмашхолдин” – Тошкент, 1998. – Б.13-15.	<i>Prospekt “Uzkiashlokmashkholding”</i> Tashkent, 1998. Pp.13-15. (in Uzbek)
7	И.Б.Берелштейн. Изобретатели и рационализаторы садоводам. Спр. издание. – Симферополь: Таврия, 1989. – 208 с.	I.B.Berelshiteyn. <i>Izobretateli i ratsionalizator sadovodam</i> [Inventors and innovators to gardeners]. Ref.edition. Simferopol: Tavria, 1989-208 p. (in Russian)
8	А.Г.Мусурмонов, Х.Б.Утаганов, Т.Б.Ниёзов. Обработка почвы межствольных полос в садах // Журнал “Агро илм”. – Ташкент, 2013. – №4. – С.75-76.	A.G.Musurmonov, Kh.B.Utaganov, T.B.Niyozov. <i>Obrabotka pochvy mezhstvoly'nykh polos v sadakh</i> [Soil treatment of interstitial strips in the gardens]. Journal of Agroilm, Tashkent, 2013. No.4. Pp.75-76. (in Russian)
9	RoLF Mauser. Obst und Garden Friedrichc Kufen //OBSTBAU 5/89. Pp.15-21.	RoLF Mauser. Obst und Garden Friedrichc Kufen //OBSTBAU 5/89. Pp.15-21.
10	Pankwart Seipp/Maschinen and Gerateschau auf den Norddeutshen Obstbautagen// OBSTBAU 4/90.Pp.138-142.	Pankwart Seipp/Maschinen and Gerateschau auf den Norddeutshen Obstbautagen// OBSTBAU 4/90. Pp.138-142.
11	Kemara Paolim/ Geeignete Maschinen fur den Lohneinsatz// LOHNUNTERNEHMEN/ 1/88. Pp.22-40.	Kemara Paolim/ Geeignete Maschinen fur den Lohneinsatz// LOHNUNTERNEHMEN/ 1/88. Pp.22-40.
12	Сельскохозяйственная техника: Кат-Т.З. “Техника для растениеводства” – Москва: ФГНУ “Расинформагротех”, 2007. – С. 206-215.	<i>Sel'skokhozyaystvennaya tekhnika: Kat-T.Z. “Tekhnika dlya rastenievodstvo”</i> [Equipment for crop production]. Moscow: FGNU “Rasinformagrotekh”. 2007, Pp.206-215. (in Russian)
13	А.А.Медовник Орудия для обработки почвы в междурядьях садов. Арсенал земледельца (Россия). №10. 2008, С.10-11.	A.A.Medovnik. <i>Orudiya dlya obrabotki pochvy v mezhduryad'yakh sadov</i> [Tools for processing the soil between the rows of the garden] Arsenal farmer (Russia). No.10. 2008, Pp.10-11. (in Russian)
14	В.К.Кутейников. Механизация работ в садоводстве. – 2е изд. Перераб и доп. – Москва: Колос, 1983. – С. 74-82	V.K.Kuteynikov. <i>Mekhanizatsiya rabot v sadovodstve</i> [Mechanization of work in gardening]. 2nd ed. Reclamation and additional. Moscow: Kolos, 1983. Pp.74-82. (in Russian)
15	А.П.Грибановский, Р.В.Бидлингмайер, Е.Л.Ревякин и др. Комплекс противоэрозионных машин (устройства регулировки, эксплуатация). - Москва: Агропромиздат, 1989. – С.16-42	A.P.Gribanovskiy, R.V.Bidlingmayer, E.L.Revyakin i dr. <i>Kompleks protiverozionnykh mashin</i> [Complex of anti-erosion machines]. Moscow: Agropromizdat, 1989. Pp.16-42. (in Russian)
16	Х.Кўшнараров. Боғ ва токзорларда ишлатиладиган техника воситалари. – Тошкент. “Меҳнат”, 1985. – Б.16-42.	Kh.Kushnazarov. <i>Bog va tokzorlarda ishlatiladigan tekhnika vositalari</i> [Technics used in the garden and vineyard]. Tashkent: “Mekhnat”, 1985. Pp.16-42. (in Uzbek)
17	Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худоёров, Б.Раззақов, М.Юлдашева. Интенсив боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларига баҳорги ишлов берувчи комбинациялашган универсал агрегатни технологик иш жараёни // “Irrigatsiya va melioratsiya” журна. – Тошкент, 2017. – №2(8). – Б.50-51.	T.S.Khudoyberdiev, A.N.Khudoyorov, B.Razzakov, M.Yuldasheva. <i>Intensiv bogdorchilikda kuchatlar kator oralariga bahorgi ishlov beruvchi kombinatsiyalashgan universal agregatni tekhnologik ish zharayoni</i> [In the field of intensive gardening, a combination combine seedlings are used to process the combined universal aggregate with technological process]. Journal of Irrigation and Melioration. 2017, No2(8). Pp.50-51. (in Uzbek)
18	Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худоёров Интенсив боғлар учун универсал агрегат // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журна. – Тошкент, 2017. – №7.	T.S.Khudoyberdiev, A.N.Khudoyorov. <i>Intensiv boglar uchun universal agregat</i> [Universal aggregate for intensive gardens]. Journal of Uzbekistan Agriculture, 2017. No7. (in Uzbek)
19	Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худоёров Д.И. Рустамова, А.М. Абдуманнопов. Янги агрегатнинг тузилиши ва унинг интенсив боғдорчиликда ишлатилиши // “Агро илм” журна. – Тошкент, 2018. – №3.	T.S.Khudoyberdiev, A.N.Khudoyorov, D.I.Rustamova, A.M.Abdumannopov. <i>Yangi agregatning tuzilishi va uning intensiv bog'dorchilikda ishlatilishi</i> [The structure of the new aggregate and its use in intensive gardening]. Journal of Agro ilm. 2018, No3. (in Uzbek)
20	<a href="http://oooagrotexchab/p">http://oooagrotexchab/p</a>	<a href="http://oooagrotexchab/p">http://oooagrotexchab/p</a>

УЎТ: 631. 331: 633.51(575.1)

## ЧИГИТ СЕЯЛКАСИ ТУПРОҚ ЮМШАТГИЧНИНГ ЭНЕРГЕТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

А.А. Дускулов - т.ф.н., доцент, А. А. Исаков - катта ўқитувчи

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

### Аннотация

Мақола экишга тайёрланган ер тупроғини 8–12 см чуқурликда ва 14–15 см кенликда ишлов бериб чигит экадиган сеялканинг тупроқ юмшатгич қурилмасининг энергетик кўрсаткичлари тадқиқотига боғишланган. Унда экишга тайёрланган тупроқнинг 5, 10 ва 15 см қатламларида келтирилганларга мос равишда тупроқ намлиги 10,92, 15,58 ва 22,8%, қаттиқлиги 0,246, 0,86 ва 1,1 МПа бўлиши, энергетик кўрсаткични аниқлаш қурилмаси, тензометрик бармоқ ва бошқа жиҳозлар тўғрисида, сеялка уланган тракторнинг осиш қурилмаси: марказий, пастки ўнг ва чап тортқиларига ўрнатилган тензометрик бармоқларнинг тарировкалаш коэффицентлари мос равишда  $K_m = 0,8$ ;  $K_m = 1,74$ ;  $K_m = 1,76$  ни ташкил этиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Тажриба натижасида чигит сеялкасининг тупроқ юмшатгичи 4,04 км/с тезлик билан ҳаракатланганида, унинг тортишга қаршилиги 1,37 кН. ни; 5,2 км/с тезлик билан ҳаракатланганида 1,58 кН. ни; 6,39 км/с тезлик билан ҳаракатланганда эса 1,74 кН. ни ташкил этилиши аниқланган.

**Таянч сўзлар:** сеялка, тупроқ, юмшатгич қурилма, тензометрик қурилма, технология, агротехник талаблар, чигит.

## ЭНЕРГЕТИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ РЫХЛИТЕЛЯ ПОЧВЫ ХЛОПКОВОЙ СЕЯЛКИ

А. А. Дускулов - к.т.н., доцент, А. А. Исаков - старший преподаватель

Тошкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

### Аннотация

Статья посвящена исследованию энергетических показателей рыхлителя почвы хлопковой сеялки, обеспечивающей ленточную обработку почвы на глубину 8–12 см ширину 14–15 см с одновременным посевом семян хлопчатника. Приведены результаты исследований о влажности и твердости почвы, подготовленные к посеву, который составляет на глубине 5, 10 и 15 см, соответственно составляют влажность 10,92, 15,58 и 22,8% и твердость 0,246, 0,86 и 1,1 МПа, сведения определению энергетического показателя, показатели тензометрического пальца и другого оборудования установлению тарировочных коэффициентов тензометрических пальцев, устанавливаемых на центральной, нижних правых и левых тягах тракторного навесного устройства, соединяющихся с навесным устройством хлопковой сеялки, которые соответственно равны  $K_m = 0,8$ ,  $K_m = 1,74$  и  $K_m = 1,76$ . В результате опытов определено, что при рабочей скорости 4,04 км/ч тяговое сопротивление рыхлителя почвы хлопковой сеялки составляет 1,37 кН, при скоростях 5,2 и 6,39 км/ч соответственно 1,58 кН и 1,74 кН.

**Ключевые слова:** сеялка, почва, рыхлитель, тензометрическое устройство, технология, агротехнические требования, семена хлопчатника.

## ENERGY PERFORMANCE OF A COTTON SEEDER SOIL RIPPER

A.A. Duskulov - c.t.s., assistant professor, A.A. Isakov - Senior Lecturer

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

### Abstract

The article provides materials: soil quality requirements for sowing cottonseeds, providing tape tillage at a depth 8-12 wide 14-15 cm with simultaneous sowing of cotton seeds in it presents studies on moisture and soil hardness ready for planting which is at a depth of 5, 10 and 15 cm and soiled 0,246; 0,86 and 1,1 MPa information on the device to determine energetics indicator, strain gauge finger, and another equipment as well as calibration coefficient of strain gauge finger is installed on the central, lower right and left linkage of the tractor mounted linkage with cotton seeder which equals  $K_m = 0,8$ ;  $K_m = 1,74$  and  $K_m = 1,76$ . The result of the experiment was shown at a working speed of 4 km/h, the traction resistance of the soil seeder of the cotton seeder is 1,37 kN and at speed of 5,2 km/h end 6,39 km/h corresponds to 1,58 kN and 1,74 kN

**Key words:** seeder, soil, ripper construction, strain-measuring device, technology, agricultural demand, cotton seed.

**Кириш.** Пахта етиштиришда қўлланиладиган комплекс технологик операцияларнинг асл моҳияти ғўзаларнинг барча ўсиш даврида, унинг ривожланиши учун оптимал ёки оптималга яқин бўлган барча шароитларни яратиб беришдан иборат. Бу ўсимликларнинг юқори ҳосил бериши учун, унинг биологик ва генетик потенциалидан тўлиқ фойдаланишни кўзда тутати [1, 2, 3].

Ҳозирги пайтда ерни экишга тайёрлаш технологиясида қўлланиладиган машиналарнинг иши сифат кўрсаткичлари ўсимликларнинг дуркун ривожланиши, мўл ва сифатли ҳосил бериши учун қулай шароитни тўлиқ таъминламайди. Экишга тайёрлаш агрегатларининг майдон юзаси бўй-

лаб бир неча қатла экишга тайёрлашда уруғ экиладиган тупроқ қатлами талаб даражасидан ортик зичланиди, унинг юза қисми серкесак бўлиб қолади, натижада тупроқнинг ҳолати агротехник талабларга жавоб бермайди. Майдон тупроғи юза қисмининг зичланиши ва унинг таркибидаги кесаклар сеялка экиши пичоғининг тайинланган чуқурликка ботиб киришига халақит беради. Натижада тегишли шаклда эгачча олиниши, унинг туби ва ён деворлари тупроқининг шиббаланиши, уруғларнинг бир хил чуқурликка ташланиши ва тупроқ билан кўмилиши сифатсиз бажарилади [1, 2, 3, 4]. Худди шундай ҳолат экишга тайёрланган ерларда кучли ёмғир ёғиб, қатқалоқ босгандан сўнг

хам кузатилади. Чигитларнинг бир қисми саёз, бир қисми тупроқ юзасига экилади, оқибатда ниҳоллар сийрак униб чиқади ва майдондаги ғўза туллари сони кутилганидан кам бўлиб, ҳосил миқдори камайиб кетади.

**Кўриб чиқилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили.** Механизациялаштирилган ишлар технологияси, техник воситалари ва уларни рационал қўллаш эса зикр этилган шароитларни таъминлаб беришга қаратилиши керак.

Пахтачиликда қўлланиладиган комплекс технологик операцияларидан бири чигитни сифатли экиш ҳисобланади, уларни таъминлаш учун эса қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:

- уруғлар экиладиган тупроқ юмшоқ, майин ва мўътадил намликка эга бўлиши;

- тупроқнинг пастки қатламдаги намликлар, капилляр найчаларидан оқиб келишини таъминлаш учун, уруғ ташланадиган ариқча туби зичланган бўлиши;

- экилган уруғларнинг барча: устки, остки ва ён томонлари майин тупроқ қатлами билан ўзаро таъсирда бўлиши;

- экилган уруғларнинг устки қисми ҳаво ва иссиқликни яхши ўтказадиган тупроқ қатлами билан қопланган ва қисман зичланган бўлиши каби шарт-шароитлар яратилиши.


Бундан ташқари ўта кучли ва мўл ёмғирдан сўнг қатқалоқ босиб, тупроқнинг юза қисмида қаттиқ қатлам ҳосил бўлганда аксрият кўпчилик ниҳоллар нобуд бўлади. Бундай ерлар яна қайта саёз шудгорланади, тирмаланиб, мола бостирилади ҳамда чигит қайта экилади. Бундай ҳолат кўшимча меҳнат, энергия, ёнилғи сарфланишига олиб келади. Буларнинг ҳаммаси анъанавий технология бўйича чигит экилганда кўшимча иш бажарилиши тақозо этади [5, 6, 7, 8, 9, 10, 11].

**Муаммонинг қўйилиши ва тадқиқот объекти.** Юқорида келтирилганларни ҳисобга олиб, анъанавий технология бўйича экишга тайёрланган ер майдонларига чигит экиш ёки кучли қатқалоқ босган ер майдонларига чигитларни қайта экиш учун чигит экиладиган ҳар бир қатор тупроғи аввало 14–15 см кенгликда ва 8–12 см чуқурликда йўлаклар юмшатиш, кесакларни майдалаб тупроқни майин ҳолатга келтириш, ундан сўнг чигит экиш операцияларини бажариш ва уларни битта машинада амалга ошириш ғояси илгари сурилди [12, 13].

Ушбу операцияларни пухта амалга ошириш учун чигит экиш сеялкаси такомиллаштирилди (1-расм).

Такомиллаштирилган чигит сеялкаси таянч-ҳаракат узатувчи ғилдирак билан жиҳозланган рамадан, конуссимон шестерняли ҳаракат узатмадан, бункер, миқдорлаш ва уялаш аппаратлари, экишни ўз ичига олган тўрта экиш секциясидан, осма, ростловчи винт, пружина, тупроқ кўмгич ва зичлагич ғилдиракчалардан иборат тўртта кўмгич секциясидан ташкил топган.

Ҳар бир экиш секцияларининг олд қисмига, рамага устун ёрдамида лемех, унинг уст қисмига эса фаол ишлайдиган ишчи қисмлардан ташкил топган тупроқ юмшатгич



1 - ғилдирак; 2 - рама; 3 - ҳаракат узатмаси; 4 - конуссимон шестернялар; 5 - вал; 6 - бункер; 7 - миқдорлаш аппарати; 8 - брус; 9 - осма; 10 - ростловчи винт; 11 - зичлагич ғилдиракча; 12 ва 13 - пружиналар; 14 - тупроқ кўмгич; 15 - уялаш аппарати; 16 - экич; 17 - фаол ишчи қисм; 18 - лемех; 19 - устун; 20 - редуктор

**1-расм. Такомиллаштирилган чигит сеялкаси**


ишчи қисм ўрнатилган. Улар ҳаракатни тракторнинг қувват олиш валидан (ҚОВ) редуктор ва ҳаракат узатмалар орқали олади. Сеялка ҳаракатланганда лемех тупроқни 8–12 см чуқурликда ва 14–15 см кенгликда юмшатиб юқорига узатиб беради. Бу пайтда фаол айланувчи ишчи қисм кесакларни эзиб, тупроқни майдалайди, аввал олинган жойга қайта ташлаб кетади. Кесаклари майдаланган, юмшатирилган тупроқда экич пичоғи уруғ учун тегишли ариқча олади, унга шакл бериб, тубини зичлайди.

Экичда ўрнатилган сирпангич пичоқнинг тупроққа чуқур ботишини чегаралаб туради, уруғ миқдорлаш ва уялаш аппаратлари ёрдамида миқдорланиб экичнинг уруғ ташланадиган жойига етказилиб берилади ва ариқчага уялаб ташланади. Тупроқ кўмгич ариқчани тупроқ билан кўмади, зичлагич ғилдиракча эса унинг устини шиббалаб кетади.

ТИҚХММИнинг “Қишлоқ хўжалик машиналари” кафедрасида такомиллаштирилган чигит сеялкасини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди, унинг экспериментал нусхаси тайёрланди, лаборатория ва дала шароитларида синовдан ўтказилиб, иши сифат кўрсаткичлари аниқланди. Таклиф этилган чигит сеялкасидан фойдаланиш натижада чигит экиладиган жой тупроғининг агротехник талаб даражасида юмшатилишини, чигит тайинланган чуқурликда, энг қулай сув-физик шароитга эга бўлган тупроққа кафолатли равишда ва сифатли экилишини таъминлашга ва уруғ сарфининг 15–20 фоизгача камайтиришга эришилади.

Ушбу мақолада такомиллаштирилган чигит сеялкасига ўрнатилган тупроқни юмшатувчи ишчи қисмининг энергетик кўрсаткичи тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Чигит сеялкасининг тупроқни юмшатувчи ишчи қисмининг энергетик кўрсаткичини экспериментал йўл билан аниқлаш учун рама, осгич, тупроқ юмшатувчи ишчи қисм, редуктор ва таянч ғилдираклардан ташкил топган махсус қурилма ишлаб чиқилди. Тракторга осилган тупроқ юмшатгич ишчи қисми ҳаракатланганда, унинг лемехи тупроқ қатламини 8–12 см чуқурликда ва 14–15 см кенгликда қирқиб, деформациялаб юмшатади, майдалаб ишчи сирти бўйлаб юқорига кўтаради, юлдузчасимон, фаол айланувчи ишчи қисмга узатади, у узатилган тупроқни лемехнинг ишчи сирти ва ўзининг тишлари орасидан деформациялаб ўтказиши. Бунда узатилган тупроқ қатлами ва эзилмай қолган кесаклар яна кўшимча эзилади, майдаланади, яъни агротехник талаб даражасида юмшатилади, майин ҳолатга келтирилган тупроқ, аввал олинган жойга қайта ташлаб кетилади. Қурилманинг орқа қисмида жойлашти-





рилган сеялканнинг экиш ва тупроқ билан кўмгич секциялари ёрдамида чигитлар тайинланган чуқурликка, кафолатли равишда сифатли экилади ва тупроқ билан кўмилади.

**Тадқиқот услугиёти.** Тажриба ўтказишдан олдин экишга тайёрланган ер тупроғининг намлиги ва қаттиқлиги маълум бўлган услублардан [14, 15, 16] фойдаланилган ҳолда аниқланди. Қурилманинг энергетик кўрсаткичи эса динамометрлаш йўли билан аниқланди [15].

**Тадқиқот натижалари.** Тупроқ юмшатгич ишчи қисмининг энергетик кўрсаткичини аниқлаш учун уни тракторнинг қурилмасига осилади, тегишли созланишлар амалга оширилди. Бунинг учун тракторнинг осийш мосламаси тортқилари билан қурилма осигичи уланадиган жойига ўрнатиладиган бармоқлар ўрнига тензометрик бармоқлар ўрнатилди. Тензометрик бармоқлар Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида тайёрланди (2-расм, б) ва лаборатория қурилмасида “тарировка” қилинди. Бунда ҳар бир бармоқлар учун “тарировкалаш” коэффициентини аниқланди. Бу коэффициентлар трактор осийш қурилмасининг марказий тортқисига ўрнатиладиган тензометрик бармоқ учун  $K_m = 0,8$  ни, пастки ўнг тортқисига ўрнатиладиган тензометрик бармоқ учун  $K_m = 1,74$  ни, пастки чап тортқига ўрнатиладиган тензометрик бармоқ учун  $K_m = 1,76$  ни ташкил этди.

Тензометрик бармоқларга таъсир кўрсатадиган кучларнинг ҳақиқий қиймати  $P_{\text{имб}} = R_{\text{имб}} K_i$  ифода ёрдамида ҳисобланди.


Бу ерда:  $R_{\text{имб}}$  - тензометрик бармоққа таъсир кўрсатган, ЭМА-П ИП-153 ускунаси билан ёзиб олинган кучларнинг арифметик ўртача қиймати;  $K_i$  - тензометрик бармоқларнинг тарировкалаш коэффициентлари. Тупроқ юмшатгичнинг энергетик кўрсаткичини эса  $P = P_{\text{ымб}} + P_{\text{чмб}} - P_{\text{лмб}}$  формула ёрдамида аниқланди.

Чигит сеялкасининг тупроқни юмшатгич қурилмасининг энергетик кўрсаткичларини аниқлаш тадқиқот ишлари Тошкент давлат аграр университетининг ўқув-тажриба станция ерларида ўтказилди.

Ўқув-тажриба станцияси ерининг тупроғи - “Типик бўз тупроқ” турга мансуб бўлиб, рельефи текис, кузги шудгордан кейин чизель-культиватор, тирма ва мола билан ишлов берилиб экишга тайёрланган. Тажриба ўтказишдан олдин ГОСТ 20915-11 [14] бўйича чигит сеялкасининг тупроқни юмшатувчи ишчи қисмлари ишлов берадиган ҳамда экилган чигитни бевосита кўмиб турадиган ер тупроғининг юза қисми, 10 см ва 15 см чуқурликдаги қатлам намлиги ва қаттиқлиги ўлчанди. Ўлчаш натижасида олинган маълумотларнинг 1 ва 2-жадвалда келтирилган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, барча ҳолатларда чигит экиш даврида тупроқ намлиги бир-биридан кескин фарқ қилади. Уларнинг ўзгариш чегараси қуйидагича: ернинг юза қисмида – 8,7–14,7% оралиғида, арифметик ўртачаси қиймати – 10,92 фоизга; 10,0 см чуқурликдаги қатламда 10,8–19,0% оралиғида, арифметик ўртача қиймати – 15,58 фоизга; 15,0 см чуқурликдаги қатламда эса – 18,2–26,2% оралиғида, арифметик ўртача қиймати – 22,2 фоизга тенг.

Тажриба ўтказиладиган майдон тупроқнинг қаттиқлиги горизонт чуқурлиги бўйича бир хилда ўзгармаслигини кўрсатди. Тупроқ қатламининг юза қисмида тупроқ қаттиқлиги унчалик баланд эмас ва 0,12 МПа.дан 0,37 МПа орасида ўзгариб, арифметик ўртача қиймати 0,246 МПа. ни; 10 см чуқурликда 0,5–1,32 МПа оралиғида ўзгариб, арифметик ўртача қиймати 0,86 МПа. ни; 15 см чуқурликда эса 0,64–1,43 МПа оралиғида ўзгариб, арифметик ўртача қиймати 1,1 МПа. ни ташкил қилди. Чигит сеялкасининг энергетик кўрсаткичларини аниқлаш учун юқорида баён қилинганидек динамометрик қурилмадан (2-расм,а) фойдаланилди. Уни тупроққа 12 см. чуқурликда ишлов беришга, фаол ишлайдиган тишли юлдузчаларининг кинематик



2-расм. Такимллаштирилган чигит сеялкасининг тензометрик қурилмаси (а) ва унинг тензометрик бармоқлари (б)

1-жадвал

Чигит экишга таёрланган ер майдони тупроғининг намлиги (05 - 09.05.2017 й.)

Тажриба ўтказиш тартиби	Ерни экишга тайёрлашда бажарилган операциялар	Тупроқ қатлами, см.	Тупроқ намлиги, %	Арифметик ўртача қиймати, %	Ўртача квадратик оғиши, %
1		0 - 5	14,7	10,92	3,1
			8,3		
			8,7		
			13,9		
2	Кузги шудгор, чизеллаш, мола бостириш	5 - 10	9,0	15,58	3,69
			19		
			17,2		
			18,4		
3		10 - 15	12,5	22,28	3,27
			10,8		
			20,6		
			26,2		
			25,0		
			21,4		
			18,2		

иш режими кўрсаткичини  $i = 1,32$  га, тензометрик бармоқ, кучайтиргич ва динамометрик қурилманинг бошқа жиҳозлари тажриба ўтказишга соналди ва тажриба майдонида синовдан ўтказилди [15, 16]. Синов ишлари экиш агрегатининг учта экиш тезлигида амалга оширилди. Чигит се-

2-жадвал

Чигит экишга таёрланган ер майдони тупроғининг қаттиқлиги (05 - 09.05.2017 й.)

Тажриба ўтказиш тартиби	Ерни экишга тайёрлашда бажарилган операциялар	Тупроқ қатлами, см.	Тупроқнинг қаттиқлиги, МПа	Арифметик ўртача қиймати, %	Ўртача квадратик оғиши, %
1		0 - 5	0,24	0,246	0,089
			0,27		
			0,12		
			0,23		
			0,37		
2	Кузги шудгор, чизеллаш, мола бостириш	5 - 10	0,5	0,86	1,13
			0,57		
			0,7		
			1,21		
			1,32		
3		10 - 15	1,2	1,1	0,305
			0,64		
			0,97		
			1,26		
			1,43		

ялқасининг тупроқ юмшатгич ишчи қисмининг энергетик кўрсаткичини ЭМА-П ИП-153 ускунаси ёрдамида ёзиб олинди ва бу маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Тажриба натижалари

Агрегатнинг ишчи тезлиги, км/с	Тажрибаларнинг тақрирланиши	Трактор осигичи тортқиларига таъсир қиладиган кучлар миқдори, кН						Умумий тортишга қаршилик, кН
		Пастки ўнг тортқисиди		Пастки чап тортқисиди		Марказий тортқисиди		
		ЭМА-П ИП-153 кўсагичи	Ҳақиқий қиймати	ЭМА-П ИП-153 кўсагичи	Ҳақиқий қиймати	ЭМА-П ИП-153 кўсагичи	Ҳақиқий қиймати	
4,04	1	0,58	1,03	0,42	0,89	0,67	0,55	1,37
	2	0,55		0,64		0,63		
	3	0,55		0,49		0,71		
	4	0,68		0,48		0,75		
	Арифметик ўртача қиймати	0,59		0,51		0,69		

5,2	1	0,60	1,29	0,64	1,13	0,98	0,85	1,58
	2	0,62		0,67		0,91		
	3	0,74		0,58		0,99		
	4	0,80		0,73		1,07		
	5	0,95		0,62		1,33		
Арифметик ўртача қиймати	0,74	0,64	1,05					
6,39	1	0,74	1,38	0,84	1,31	1,02	0,95	1,74
	2	0,91		0,79		1,37		
	3	0,65		0,69		1,18		
	4	0,87		0,66		1,17		
	Арифметик ўртача қиймати	0,79		0,74		1,18		

Жадвалда келтирилган маълумотларга статистик ишлов берилиб, таҳлил қилинди. Чигит сеялкаси тупроқ юмшатгичи 4,04 км/с тезлик билан ҳаракатланганида, унинг тортишга қаршилиги 1,37 кН.ни; 5,2 км/с тезлик билан ҳаракатланганида 1,58 кН. ни; 6,39 км/с тезлик билан ҳаракатланганида эса 1,74 кН. ни ташкил этди. Бу сеялқанинг тўлиқ ишлашидаги кўрсатадиган қаршилигининг 23–30 фоизни ташкил этади. Агар чигит сеялкасига тупроқни юмшатгич қурилмаси ўрнатиладиган бўлса, бундай чигит сеялкасининг ишлаши пайтида кўрсатиладиган қаршилиги 4,3–5,04 кН. ни ташкил қилади [21]. Бундай қаршилик кучи чоқиқ тракторининг тортиш кучининг 55–60 фоизни ташкил этади. Трактор бундай юкламани тўлиқ торта олади ва тупроқ юмшатгич қурилма билан жиҳозланган чигит сеялкасининг самарали ишлашини таъминлайди.

**Хулоса.** Чигит экишга тайёрланган ер тупроғининг намлиги ва қаттиқлиги кенг чегарада ўзгаради: ернинг юза қисми қатлами тупроғининг намлиги 10,2% ва қаттиқлиги 0,246 МПа. ни, келтирилганларга мос равишда 10 см чуқурликда тупроқ намлиги 15,58 фоизни, қаттиқлиги 0,86 МПа. ни, 15 см чуқурликда тупроқ намлиги 22,2 фоизни қаттиқлиги 1,1 МПа. ни ташкил этади. Тупроқ намлиги ва қаттиқлигининг бундай чегарада ўзгариши экилган чигитнинг дуркун униб чиқишига ва тупроқ юмшатгичнинг энергетик кўрсаткичларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Таклиф этилаётган чигит сеялкасининг тупроқ юмшатгичидан фойдаланиш, бир пайтнинг ўзида ер тупроғини сифатли юмшатиш, чигитларнинг тайинланган чуқурликка кафолатли ва сифатли экилишини таъминлайди, экиш агрегати 4,04–6,39 км/с ишчи тезликда ҳаракатланганида, унинг тортишга қаршилиги 1,37–1,74 кН. ни ташкил қилади.

№	Адабиётлар	References
1	Рудоков Г.М. Технологическое основы механизации сева хлопчатника. – Ташкент «Фан», 1974. – С. 22-49	G.M.Rudakov. <i>Tekhnologicheskie osnovy mekhanizatsii seva khlopchatnika</i> [Technologic principles mechanisation sowing of cotton seeds] Tashkent "Fan" 1974, Pp. 22-49 (in Russian)
2	М.Тошболтаев, Баҳорги механизациялашган агротадбирларни сифатли бажариш // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали. – Тошкент, 2017. – №4 – Б.12-13.	M.Toshboltaev. <i>Bahorgi mekhanizatsiyalashgan agrotadbirlarni sifatli bazarish</i> [Quality mechanisation action of agricultural works on springtime] journal Agriculture in Uzbekistan. Tashkent. 2017. No4. Pp.12-13 (in Uzbek)
3	Яковлева Э.Ф. Влияние плотности почвы на развитие хлопчатника// Хлопководство. – Ташкент, 1972. – №1. – С. 12-15	E.F.Yakovleva. <i>Vlyanie plotnosti pochvy na razvitie khlopchatnika</i> [Influence of soil density on growing] Cotton plenty. Tashkent 1972. No1. Pp. 12-15 (in Russian)

4	А.Ражабов, М.Тошболтаев, А.Тўхтақўзиев “Ерларни экин экишга тайёрлаш бўйича тавсиялар // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2017. – №2. – Б. 25-26	A.Rajabov, M. Toshboltaev, A. Tuxtaquziev. <i>Erlarni ekin ekishga tayyorlash buyicha tavsiyalar</i> [Recommendation of soil preparation for planting and sowing] journal Agriculture in Uzbekistan. Tashkent. 2017 No2. Pp. 25-26. (in Uzbek)
5	Пахтачилик справочниги. – Тошкент, 2014. – Б. 32-34.	<i>Pakhtachilik spravochnigi</i> [Cotton – hand book] Tashkent 2014. Pp. 32-34 (in Uzbek)
6	А.Хамидов. Хлопковая сеялка. – Ташкент, 1984. – Б. 7-32.	A.Xamidov. <i>Khlopkovaya seyalka</i> [Cotton seeder] Tashkent 1984.Pp. 7-32.
7	Ф.Тешаев, Ф.Ҳасанова, Ш.Абдуалимов. “Ерни сифатли тайёрлаш, чигитни мақбул муддатда экиш бўйича тавсиялар” // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2017. №2. – Б. 23- 25.	F. Teshaeв, F. Hasanova, Sh. Abdualimov <i>Erni sifatli tayyorlash, chigitni makbul muddatda ekish buyicha tavsiyalar</i> [Preparation having quality lands, recommendation about cotton seed plant in time] journal Agriculture in Uzbekistan. Tashkent. 2017. No2. Pp. 23-25. (in Uzbek)
8	Ш.Абдуалимов, Ф.Ҳасанова, Ш.Каримов “Ерни сифатли тайёрлаш, чигитни мақбул муддатда экиш ва яганалаш бўйича тавсиялар” // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2017. – №3 – Б. 24-25.	Sh. Abdualimov, F.Hasanova, Sh.Karimov <i>Erni sifatli tayyorlash, chigitni makbul muddatda ekish va yaganalash buyicha tavsiyalar</i> [Recommendation for good tillage and timely cotton sowing] journal Agriculture in Uzbekistan. Tashkent. 2017. No3 Pp. 24-25. (in Uzbek)
9	Р. Сиддиқов, Ф. Арслонов, Н. Юлдашева 2018 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экишга тайёргарлик кўриш ва экишни сифатли ташкил этиш бўйича тавсиялар // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – 2017. – №4 – Б. 42-43	R. Siddiqov, F.Arslonov, N.Yoldasheva <i>2018 yil khosili uchun boshokli don ekinlarini ekishga tayyorgarlik kurish va ekishni sifatli tashkil etish buyicha tavsiyalar</i> [Recommendation on the sowing of grain in 2018 and preparation of seeds dor sowing] journal Agriculture in Uzbekistan. 2017. No 4. Pp. 42-43. (in Uzbek)
10	А.Дусқулов, А.Исаков ва Л.Исламова. Сеялка экичлари бажарадиган ишнинг таҳлили // Аграсаноатни барқарор ривожлантиришда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. “2017 йил – халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”га боғишланган профессор-ўқитувчилари ва ёш олимларнинг илмий- амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б. 237-240.	A. Dosqulov, A.Isoqov and L.Islamova <i>Seyalka ekkichlari bazharadigan ishning takhlili</i> [Analysis of the work at the seeder apparat]. Agroindustry steady developing science, education and produce integrity. “2017 year – meeting with people and person’s blessings years” for begin professor – teachers and young scientific - practical conference materials selection Tashkent, 2017. Pp 237-240 (in Uzbek)
11	Баймаканов К. Совершенствование процесса высева семян и параметров полосовидного сошника хлопковой сеялки: Автореф. дисс...канд. техн. наук. – Янгиюль: САИМЭ, 1987. – 17 с.	Baymakanov K. <i>Sovershenstvovanie protsessa vyseva semyan i parametrov polosovidnogo soshniki khlopkovoy seyalki</i> [Improving the process of sowing seeds and parameters of a slashes coulter] Abstract of dissertation PhD Yangiyul: 1987. 17 p. (in Russian)
12	А.Дусқулов, А.Исаков ва Л.Исламова. Чигит сеялкасининг комбинациялаштирилган ишчи қисмининг параметрларини асослаш // Аграсаноатни барқарор ривожлантиришда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. “2017 йил – халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”га боғишланган профессор-ўқитувчилари ва ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б. 227-229.	A. Dosqulov, A.Isoqov and L.Islamova <i>Chigit seyalkasining kombinatsiyalashtirilgan ishchi kismining parametrlarini asoslash</i> [Justification of the parameters of the combined working part of sowing] Agroindustry steady developing science, education and produce integrity. “2017 year – meeting with people and person’s blessings years” for begin professor – teachers and young scientific - practical conference materials selection Tashkent, 2017. Pp. 227-229. (in Uzbek)
13	А.Дусқулов, А.Исаков ва Л.Исламова. Основные параметры рыхлящих рабочих органов хлопковой сеялки. Перспективы развития науки и образования в современных экологических условиях. VI Международная научно-практическая конференция молодых учёных, посвященная году экологии в России. с. Солёное Займище, 2017. – С. 612-616.	A. Dosqulov, A.Isoqov and L.Islamova <i>Osnovnye parametry rykhllyashchikh rabochikh organov khlopkovoy seyalki</i> [Main parameters loosening working lodies of cotton seeders]. Perspective development sciences and education for modern ecological circumstances. VI – international scientific – practical conference young pupil, devoted year economy in Russia.Salting flood plain, 2017. Pp.612- 616. (in Russian)
14	ГОСТ 20915-11. Испытания сельскохозяйственной техники. Методы определения условий испытаний. – Москва: Стандартинформ, 2013. – 23 б.	GOST 20915-11. <i>Ispytaniya sel'skokhozyaystvennoy tekhniki</i> [Government standard 20915-11. Trials of agricultural mashines] Methods adjectives condition cross. Moscow: standartinform, 2013. 23 p. (in Russian)
15	Испытания сельскохозяйственной техники. Методы энергетической оценки машин. Т.ст 63.03.2001 // Издание официальное. – Ташкент, 2001. – 59 с.	<i>Ispytaniya sel'skokhozyaystvennoy tekhniki</i> [Trials of agricultural mashines]. Methods energetically diagnoses machine. 63.03.2001 Edition officially. Tashkent, 2001. 59 p. (in Russian)
16	Испытания сельскохозяйственной техники. Машины и орудия для поверхностной обработки почвы. Программа и методы испытаний. Т.ст 63.04.2001 Издание официальное. – Ташкент, 2001. 54 с.	<i>Ispytaniya sel'skoxozyaystvennoy tekhniki</i> [Trials of agricultural mashines]. Machine and implements for superficial handling soils. Program and methods cross. 63.04.2001 Edition officially. Tashkent, 2001. 54 p. (in Russian)
17	Баймаканов У.А. Разработка и внедрение полозовидного сошника к зерновой сеялке для мелкой заделки семян. Автореферат дисс. кон. техн. наук. Алма-Ата: НПО “Казсельхозмеханизация”, 1992. – 20 с.	Baymakanov U.A. <i>Razrabotka i vnedrenie polozovidnogo soshnika k zernovoy seyalki dlya melkoy zadelki semyan</i> [And elaboration implantation of welt share by of a prominent coulter of f seed drill for small seed placement] Alma-Ata: scientific- production association “Kazagro-mechanization”, 1992. 20 p. (in Russian)
18	Джалолов Р.К. Обоснование параметров и режимов работы высевающего аппарата для точного посева малоопушенных семян хлопчатника: Автореферат дисс. кон. техн. наук. – Янгиюль, 2010. – 14 с	Jamolov R.K. <i>Osnovanie parametrov i rezhimov raboty vysevayushhego apparata dlya tochnogo vyseva maloopushennykh khlopchatnika</i> [Justification of parameters and mode of operation of the sowing apparatus for precise sowing of cotton low-lettered seeds.] Abstract of dissertation PhD Yangiyul: 2010. 14 p (in Russian)
19	Имамқулов Қ.Б. Суғориладиган деҳқончиликда ерларга тупроқни ағдармасдан ишлов берувчи чизелли юмшатгич параметрларини асослаш: Автореферат дисс. техн. фанлари номзоди. – Янгиюль: 2010. – 22 с.	Imomqulov Q.B. <i>Sugoriladigan dekhkonchilikda ertarga tuproqni agdamasdan ishlov beruvchi chizelli yumshatgich parametrlarini asoslash</i> [Substantiation of the parameters of the chisel machine processes the soil without turning the layer]. Abstract of dissertation PhD Yangiyul: 2010. 22 p (in Russian)
20	А.Корсун, Э.Фармонов Машина-трактор паркidan фойдаланиш. – Тошкент, 2011. – Б.10-17.	A.Korsun, E.Farmonov <i>Mashina-traktor parkidan foydalanish</i> [Operation of machine and tractor fleet] Tashkent, 2011. Pp. 10-17 (in Uzbek)



УЎТ: 631.312:631.51

## КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТ ЮМШАТГИЧНИНГ ТОРТИШГА ҚАРШИЛИГИНИ АНИҚЛАШ

А.Н. Худоёров - т.ф.н., доцент, М.А. Юлдашева - мустақил тадқиқотчи  
Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали

### Аннотация

Мақолада республикамизнинг суғориладиган пахтачилик минтақаларида ерларни экишга тайёрлашнинг мавжуд технологиялари алоҳида-алоҳида агрегатлар билан бажарилаётганлиги, бу эса эксплуатацион харажатларнинг ортишига ва тупроқ структурасининг бузилишига олиб келиши, таклиф этилаётган технология ёрдамида ўғитлаш, шудгорлаш, чизеллаш, бороналаш, молалаш, пушта олиш жараёнларини агрегатнинг бир ўтишида амалга ошириб, сарфланаётган харажатларнинг камайишига эришилиши таъкидланган. Ушбу технологияни амалга оширувчи комбинациялашган агрегат ва унинг асосий иш органи ҳисобланган тупроқни ағдармасдан йўл-йўл юмшатувчи юмшатгичнинг технологик иш жараёни ҳамда унинг тортишга қаршилигини аниқлаш имконини берувчи аналитик ифодалар келтирилган. Юмшатгичнинг тортишга қаршилигини аниқлаш имконини берадиган аналитик ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблар агрегатни 1,5–2,0 м/с тезлик оралиғида юмшатгичнинг тортишга қаршилиги 7300–7705 Н. ни ташкил этишини кўрсатди.

**Таянч сўзлар:** комбинациялашган агрегат, юмшатгич, юмшатгичнинг тортишига қаршилиги, юмшатгич устунининг тортишга қаршилиги, ҳаракат тезлиги, устун, иш сирти қабарик, тупроқ зичлиги, тупроқ намлиги.

## ОПРЕДЕЛЕНИЕ ТЯГОВОГО СОПРОТИВЛЕНИЯ РЫХЛИТЕЛЯ КОМБИНИРОВАННОГО АГРЕГАТА

А.Н. Худоёров - к.т.н., доцент, М.А. Юлдашева - соискатель  
Андижанский филиал Ташкентского государственного аграрного университета

### Аннотация

В статье проанализирована существующая технология подготовки почвы к посеву хлопчатника в зонах хлопководства нашей Республики, которая предполагает выполнение операций отдельными агрегатами, приводящими к нарушению структуры почв и к повышению эксплуатационных затрат, показано преимущество предлагаемой технологии, предусматривающей выполнение таких операций как рыхление, чизелевание, боронование, малование, удобрение и гребнеобразование за один проход агрегата значительно снижающей энергозатраты. Изложены технология минимальной обработки почвы при возделывании хлопчатника и рабочий процесс рыхлителя почвы без её оборота, являющегося основным рабочим органом комбинированного агрегата предназначенного для выполнения этой технологии, а также проведены теоретические исследования по определению его тягового сопротивления. По результатам теоретических исследований получены аналитические зависимости для определения тягового сопротивления рыхлителя, установлено, что при скорости агрегата в 1,5–2,0 м/с его тяговое сопротивление составляет 7300–7705 Н.

**Ключевые слова:** комбинированный агрегат, рыхлитель, тяговое сопротивление рыхлителя, тяговое сопротивление стойки рыхлителя, скорость движения, выпуклая рабочая поверхность, плотность почвы, влажность почвы.

## APPLICATION OF THE TECHNOLOGY OF DRIP IRRIGATION AT THE IRRIGATION OF THE COTTON

A.N.Hudoyorov - d.t.s., associate professor, M.A. Yuldasheva - researcher  
Andijan branch of the Tashkent State Agrarian University

### Abstract

The article states that the existing technologies for the preparation of land for irrigated cotton growing in the Republic's irrigated cotton-growing regions are carried out by separate aggregates, which leads to an increase in exploitation costs and damage to the soil structure, to the fertilization, plowing, laying, boning, finishing, reduction in spending costs. The technology of minimum tillage in the cultivation of cotton and the work of the soil cultivator without its turnover, which is the main working body of the combined unit designed to implement this technology, as well as the theoretical studies to determine its traction resistance are set out. According to the results of theoretical studies obtained analytical dependencies to determine the traction resistance of the ripper, it was found that when the speed of the unit is 1.5–2.0 m / s, its traction resistance is 7300–7705 N.

**Key words:** combination of aggregate, lubricant, lubricant resistance, resistance to groove columns, movement speed, column, work surface bubble, soil density, soil moisture.

**Кириш.** Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланган пахтачилик соҳасида кам энергия ва харажат сарфлаган ҳолда пахта ҳосилдорлигини ошириш борасида кенг қўламлигини ишлар олиб борилмоқда. Республикаимизнинг суғориладиган пахтачилик минтақаларида ерларни экишга тайёрлаш, уларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан ўғитлаш, кузги шудгорлаш, шудгорлашда ҳосил бўлган нотекисликларни текислаш ҳамда экиш олдидан ишлов бериш, эрта баҳорги бороналаш, чизеллаш, молалаш ва пушта олиш каби агротехника тадбирлардан ташкил топган бўлиб, булардан ўғитлаш,


шудгорлаш ва шудгорлашда ҳосил бўлган нотекисликларни текислаш тадбирлари кеч кузда, қолганлари эса эрта баҳор ва ерларга экиш олдидан ишлов бериш даврида ўтказилади. Маълумки, ҳозирги кунда далаларни пушта олиб чигит экишга тайёрлаш ишлари алоҳида-алоҳида агрегатлар билан бажариладиган ерларни ўғитлаш, шудгорлаш, шудгорлашда ҳосил бўладиган нотекисликларни текислаш, чизеллаш, бороналаш, молалаш ва пушта олиш каби агротехника тадбирларидан ташкил топган бўлиб, булардан чизеллаш, бороналаш ва молалаш тадбирлари икки-уч мартадан бажарилади. Тупроққа даладан

бундай кўп марталаб ўтиб ишлов бериш меҳнат, энергия ва ёнилғи сарфининг ошиши, унинг структураси бузилишига ҳамда ортиқча зичланишига олиб келади [1, 2, 3].

**Масаланинг қўйилиши.** Тупроқни экишга тайёрлашнинг мавжуд технологияларини бажариш учун камида 2–3 турдаги трактор, 8–10 турдаги қишлоқ хўжалик машина ва қуроллари қўлланилади, бу эса сўнгги йилларда бутун жаҳонда кенг тарқалаётган тупроққа минимал ва авайлаб ишлов бериш талабларига мутлақо жавоб бермайди [2, 3].

Юқорида айтилганлардан ва сўнгги йилларда бутун жаҳон қишлоқ хўжалигида тупроққа ағдармасдан ва минимал ишлов бериш, яъни агрегатни даладан бир ўтишида тупроқни экишга тайёрлаш бўйича бир неча ёки барча технологик жараёнларни қўшиб бажариш кенг қўлланилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда, мазкур иш пахта етиштиришда тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган технология ва уни амалга оширувчи комбинациялашган агрегат ишлаб чиқиш ҳамда унинг тупроқни ағдармасдан йўл-йўл юмшатувчи иш органининг тортишга қаршилигини аниқлаш имконини берувчи аналитик ифодаларни асослашга йўналтирилган.


**Ечиш усули.** Ўтказилган таҳлиллар [4, 5, 6] ҳамда олиб борилган тадқиқот натижалари асосида пахта етиштиришда тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган технология ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқилди (1-расм), [7, 8, 9]. Қуйидагилар комбинациялашган агрегатнинг асосий иш органлари ҳисоб-



1-рама; 2-ўрнаткич; 3-чуқур юмшатгич; 4-пушта олгич; 5-ўғитлаш бункери; 6-ўғит солгич-тақсимлагич; 7-таянч гилдираги  
**1-расм. Комбинациялашган агрегатнинг схемаси**

ланади: тупроқни ағдармасдан йўл-йўл юмшатувчи юмшатгич, юмшатиш қатламга лентасимон усулда ўғитлаш учун ўғитлаш қурилмаси ҳамда юмшатиш ва ўғитланган қатлам устига пушта ҳосил қилувчи пушта олгичлар.

Комбинациялашган агрегат юмшатгичи (2-расм) устун



1-устун; 2-бошмоқ; 3-исканасимон юмшатгич  
**2-расм. Комбинациялашган агрегатнинг юмшатгичи**

(1), бошмоқ (2) ва исканасимон юмшатгичлардан (3) иборат бўлиб, ўтган йилги эгат ичини 30–40 см чуқурликда юмшатиб кетиш учун хизмат қилади [8, 9].

**Натижалар таҳлили.** Юмшатгичнинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи асосий параметрлари ишчи сиртининг геометрик шакли, эни -  $b_{ю}$ , тупроққа кириш (увалаш) бурчаги -  $\alpha_{ю}$ , узунлиги -  $L_{ю}$  ва устуннинг ўткирланиш бурчаги -  $2\gamma$  ҳисобланади (2-расм), [10, 11, 12].

Агрегат юмшатгичининг мақбул қийматларини танлаш учун асосий мезон минимал энергия сарфлаган ҳолда тупроқнинг сифатли уваланиши, юмшатилаётган қатлам остида зичланган эгат ҳосил бўлмаслиги ҳамда юмшатгич томонидан юмшатиш зонанининг кенглиги (бу масофа пушталар орасидаги масофадан, яъни ғўза қатор оралари кенлигидан ошиб кетмаслиги лозим) ҳисобланади [12, 13]. Олиб борилган назарий тадқиқотларда тупроқнинг юмшатгичнинг тортишга қаршилигини аниқлаш имконини берадиган аналитик ифодалар олинди.

Тупроқни ағдармасдан чуқур юмшатишда икки ва уч ёқли пона кўринишидаги иш органларига кўрсатиладиган қаршилик кучини топиш учун Н.С.Бибутов, Ҳ.Р.Гаффаров, Р.А.Абдурахмановлар [14, 15, 16] томонидан аналитик ифодалар тақлиф қилинган. Аммо бу ифодаларда юмшатгич ишчи сиртининг қабарик кўринишда эканлиги ҳисобга олинмаган.

Ўтказилган таҳлиллар ва тадқиқотлар асосида ишчи сирти қабарик бўлган юмшатгичнинг тортишига қаршилигини аниқлаймиз [11, 12, 14, 15, 16, 17].

Юмшатгичнинг умумий тортишга қаршилиги унинг ўзини ва устини қаршиликларининг йиғиндисига тенг, яъни

$$R = R_{ю} + R_y \quad (1)$$

бунда  $R_{ю}$  - юмшатгичнинг тортишга қаршилиги;

$R_y$  - юмшатгич устунининг тортишга қаршилиги.

Юмшатгичнинг тортишга қаршилигини умумий кўринишда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$R_{ю} = R_1 + R_2 + R_3 + R_4 \quad (2)$$

бунда  $R_1$  - тупроқни юмшатгичнинг тиғига кўрсатадиган қаршилиги;

$R_2$  - тупроқнинг юмшатгич таъсири остида деформацияланишга қаршилиги;

$R_3$  - тупроқнинг юмшатгич сирти бўйлаб кўтарилишидан ҳосил бўлган қаршилик;

$R_4$  - юмшатгич сирти бўйлаб кўтарилаётган тупроқнинг инерция кучидан ҳосил бўладиган қаршилик.

Тупроқнинг иш органининг тиғига кўрсатадиган қаршилигини қуйидаги ифода бўйича топилади:

$$R_1 = [\sigma_y] t_m b_{ю} \quad (3)$$

бунда  $[\sigma_y]$  - тупроқнинг горизонтал йўналишда эзилишга қаршилиги;  $t_m$  - юмшатгич тиғининг қалинлиги.

Тупроқнинг юмшатгич таъсири остида деформацияланишга кўрсатадиган қаршиликдан ҳосил бўладиган қаршилиги кучи қуйидагича топилади:

$$R_2 = Q [\cos\psi + f \sin(\alpha_{ю} + \psi) \cos\alpha_{ю}] \quad (4)$$

бунда  $Q$  - тупроқнинг парчаланишга кўрсатадиган қаршилиги;  $f$  - тупроқнинг юмшатгич иш юзасига ишқаланиш коэффициентини.

Тупроқнинг парчаланишга қаршилигини қуйидагича топилади:

$$Q = k_{ю} [F_{к}] F_{АВВ, А_1} \quad (5)$$

бунда  $k_{ю}$  - юмшатгич ишчи сирти шаклини тупроқнинг парчаланишга кўрсатадиган қаршилигига таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент.

$F_{АВВ, А_1}$  нинг келтирилган қийматини ҳисобга олганда (4) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$R_2 = k_{\omega} [\tau_{\kappa}] \left[ \frac{b_{\omega} \cos \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) + h \operatorname{tg} \left( \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_2}{2} \right)}{\cos^2 \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2)} \right] h \times \left[ \sin \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) + f \cos \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} - \varphi_1 - \varphi_2) \cos \alpha_{\omega} \right]. \quad (5)$$

Тупроқни юмшатгич сирти бўйлаб кўтарилишидан ҳосил бўладиган қаршилиқни куйидагича топилади:

$$R_3 = \rho b_{\omega} h L_{\omega} g \operatorname{tg}(\alpha_{\omega} + \varphi_1) \left( 1 + \frac{w}{100} \right) \quad (6)$$

бунда  $\rho$  - тупроқнинг зичлиги;  $g$  - эркин тушиш тезланиши;  $w$  - тупроқнинг намлиги.

Илгари ўтказилган тадқиқотларга асосан [14, 15, 16] юмшатгич сирти бўйлаб кўтарилаётган тупроқнинг инерция кучидан ҳосил бўладиган қаршилиқни куйидаги ифода бўйича топиш мумкин:

$$R_4 = \rho \left[ b_{\omega} \cos \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) + h \operatorname{tg} \left( \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_2}{2} \right) \right] \times h V^2 \frac{\sin \alpha_{\omega} \sin(\alpha_{\omega} + \varphi_1)}{\cos^2 \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) \cos \varphi_1} \left( 1 + \frac{w}{100} \right) \quad (7)$$

бунда  $V$  – агрегатнинг ҳаракат тезлиги.

$R_1, R_2, R_3$  ва  $R_4$  ларнинг бўйича қийматларини (2) га қўйиб, куйидагича эга бўламиз:

$$R_{\omega} = [\sigma_{\omega}] t_m b_{\omega} + k_{\omega} [\tau_{\kappa}] \frac{b_{\omega} \cos \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) + h \operatorname{tg} \left( \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_2}{2} \right)}{\cos^2 \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2)} h \times \left[ \sin \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) + f \cos \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) \cos \alpha_{\omega} \right] + \rho b_{\omega} h L_{\omega} g \operatorname{tg}(\alpha_{\omega} + \varphi_1) \left( 1 + \frac{w}{100} \right) + \rho \left[ b_{\omega} \cos \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) + h \operatorname{tg} \left( \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_2}{2} \right) \right] h V^2 \frac{\sin \alpha_{\omega} \sin(\alpha_{\omega} + \varphi_1)}{\cos^2 \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) \cos \varphi_1} \left( 1 + \frac{w}{100} \right). \quad (8)$$

Юмшатгич устунининг тортишга қаршилигини куйидаги ифодадан топилади [16, 17],

$$R_y = (h - L_{\omega} \sin \alpha_{\omega}) [q_{\omega} t_y (1 + f \operatorname{ctg} \gamma) + f g_e (2b_y - t_y \operatorname{ctg} \gamma)] \quad (9)$$

бунда  $q_{\omega}, q_e$  – тупроқни устуннинг олд (ўткирилган) ва ёнбош қисмларига солиштирма босими;  $t_y$  – устуннинг қалинлиги;  $b_y$  – устуннинг эни.  $R_{\omega}$  ва  $R_y$  ларни (8) ва (9) бўйича қийматларини (1) ифодага қўйиб, куйидаги (10) якуний ифодани оламиз:

$$R = [\sigma_{\omega}] t_m b_{\omega} + k_{\omega} [\tau_{\kappa}] \frac{[b_{\omega} \cos \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) + h \operatorname{tg} \left( \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_2}{2} \right)] \cdot h}{\cos^2 \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2)} \times \left[ \sin \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) + f \cos \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) \cos \alpha_{\omega} \right] +$$

$$+ \rho h \left( 1 + \frac{w}{100} \right) \left\{ b_{\omega} L_{\omega} g \operatorname{tg}(\alpha_{\omega} + \varphi_1) + [b_{\omega} \cos \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) + h \operatorname{tg} \left( \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_2}{2} \right)] V^2 \frac{\sin \alpha_{\omega} \sin(\alpha_{\omega} + \varphi_1)}{\cos^2 \frac{1}{2}(\alpha_{\omega} + \varphi_1 + \varphi_2) \cos \varphi_1} \right\} + (h - L_{\omega} \sin \alpha_{\omega}) [q_{\omega} t_y (1 + f \operatorname{ctg} \gamma) + f g_e (2b_y - t_y \operatorname{ctg} \gamma)]. \quad (10)$$

Бу ифода таҳлилидан кўришиб турибдики, юмшатгичнинг тортишга қаршилиги унинг параметрлари ( $t_m, t_y, b_{\omega}, b_y, L_{\omega}, \alpha_{\omega}, \gamma$ ), ишчи сиртининг шакли ( $k_{\omega}$ ), ишлов бериш чуқурлиги ( $h$ ), тупроқнинг физик-механик хоссалари ( $[\sigma_{\omega}], [\tau_{\kappa}], \varphi_1, \varphi_2, \rho, w, q_{\omega}, q_e, \gamma$ ) ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлигига боғлиқ экан.

Адабиёт манбалари [14, 15, 16, 17, 19, 20] ҳамда тадқиқотлар асосида (10) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 1,5–2,0 м/с тезлик оралиғида юмшатгичнинг тортишга қаршилиги 7300–7705 Н. ни ташкил этишини кўрсатди, шундан 6646–7051 Н. ни юмшатгичга, қолган 654 Н устунга тўғри келади (1-жадвал).

1-жадвал

Юмшатгичнинг тортишга бўлган қаршилиқ кўрсаткичлари

Параметрлар	Қийматлари	Қаршилиқ қийматлари, Н		
		$R_{\omega}$	$R_y$	$R$
$V$ - агрегат тезлиги, м/с	1,5	6646	654	7300
	2,0	7051	654	7705

Хулосалар

1. Пахта етиштиришда тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган технология ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқилди.

2. Комбинациялашган агрегат қўлланилганда ерлар ағдариб ҳайдалмасдан йўл-йўл юмшатилиши, ўғитлаши ва пушта олиниши, ўғитлаш, шудгорлаш, бороналаш, молалаш ва пушта олиш тадбирларини ўтказишга эҳтиёж қолмаслиги натижасида меҳнат, энергия ва ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи сезиларли даражада камаяди, агрегатларнинг даладан ўтишлар сони кескин қисқариши ҳисобида эса тупроқ ортиқча зичланмасдан пахтанинг илдиз тизими ривожланиши учун қулай шароит яратилади.

3. Комбинациялашган агрегат ва унинг асосий иш органи ҳисобланган тупроқни ағдармасдан йўл-йўл юмшатовчи юмшатгичнинг технологик иш жараёни ҳамда унинг тортишга қаршилигини аниқлаш имконини берувчи аналитик ифодалар олинган.

4. Юмшатгичнинг тортишга қаршилиги унинг ишчи сирти шаклига ва параметрларига ва тупроқнинг физик-механик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, 1,5–2,0 м/с тезлик оралиғида 7300–7705 Н. ни ташкил этади, шундан 91–92 фоизи юмшатгичга, қолгани устунга тўғри келади.

№	Адабиётлар	Reference
1	Пахта етиштириш бўйича 2006-2010 йилларга мўлжалланган механизациялашган технологиялар тизими. – Тошкент, 2006. – 81 б.	<i>Pakhta etishtirish buyicha 2006-2010 yillarga mulzhallangan mekhanizatsiyalashgan texnologiyalar tizimi</i> [System of mechanized technologies for 2006-2010 due to germinating cotton]. Tashkent, 2006. 81 p. (in Uzbek)
2	Байметов Р.И. Основная и предпосевная обработка почвы. В кн.: Перспективные технологические процессы механизации возделывания хлопчатника – Ташкент: Фан, 1984. – С. 3-31	<i>Baymetov R.I. Osnovnaya i predposevnaya obrabotka pochvy</i> [Basic and preseedling processing the soil. Perspective technologic processes of mechanization of cultivation of cotton plant]. Tashkent, Fan Publ., 1984. Pp. 3-31. (in Russian)
3	Мамадалиев М.Х. Комбинациялашган агрегат юмшатгич параметрларини асослаш: Тех. фанлари ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... автореферати. – Тошкент, 2010. – 18 б.	<i>Mamadaliev M.Kh. Kombinatsiyalashgan agregat yumshatkich parametrlarini asoslash</i> [Basis of softening parameters of combined aggregate: a sidder-tation work for gaining the degree of a candidate of technical sciences]. Tashkent, 2010. 18 p. (in Uzbek)



4	Калантаров И.А., Гукова Л.В. Возделывание хлопчатника на гребнях и грядах // Хлопководство. – Москва, 1979. – №3. – С.21	Kalantarov I.A., Gukova L.V. <i>Vozdelyvanie khlopchatnika na grebnayah i grydax</i> [Cultivation of the cotton plant by ridges in rows]. Cotton growing. Moscow, 1979. Pp.3-21. (in Russian)
5	Сергиенко В.А., Байметов Р.И., Ибраимов Р.И., Бибутов Н. Рациональная технология глубокого рыхления почвы // Хлопководство. – Ташкент, 1982. – №10. – С. 18-19.	Sergienko V.A., Baymetov R.I., Ibraimov R.I., Bibutov N. <i>Ratsional'naya tekhnologiya glubokogo rikhleniya pochvy</i> [Rational technology of deep tillage of the soil]. Cotton growing. Tashkent, 1982. No.10. Pp.18-19. (in Russian)
6	Дастлабки патент №IDP 04369 (UZ).Тупроққа ишлов бериш куроли/ Ахмедов А., Ахмедов У., Ризкиев М.Р. // Расмий ахборотнома. – Тошкент, 2001. – №1.	Akhmedov A., Akhmedov U., Rizkiyev M.R. <i>Dastlabki patent №IDR 04369 (UZ). Tuprokka ishlov berish kuroli</i> [Primary patent IDP 04369 (UZ). A plugging tool of the soil]. Official messenger. Tashkent, 2001. No.1 (in Uzbek)
7	Худоёров А.Н. Тупроққа ишлов беришнинг янги усули ва уни амалга оширувчи техник курилма // ТошДТУ ХАБАРЛАРИ. – Тошкент, 2007. – №4. – Б. 59-64.	Khudoyorov A.N. <i>Tuprokka ishlov berishning yangi usuli va uni amalga oshiruvchi texnik kurilma</i> [A new method of soil tillage and a technical construction that accomplishes this work]. News of Tashkent State University. Tashkent, 2007. No.4. Pp. 59-64. (in Uzbek)
8	Худоёров А.Н. Комбинированный агрегат для минимальной обработки почвы // Техника в сельском хозяйстве. – Москва, 2009. – № 6. – С. 56–57.	Khudoyorov A.N. <i>Kombinirovannyi agregat dlya minimal'noy obrabotki pochvy</i> [Combined aggregate for minimal working out]. Technique in agriculture. Moscow, 2009. No.6. Pp. 56-57. (in Russian)
9	Худойоров А.Н., Мамадалиев М.Х., Юлдашева М.А., Муратов Р.Х. Power-efficient method of tillage and its technology model // European science review – Austria, 2017. – №1-2. Pp. 212-214	Khudoyorov A.N., Mamadaliyev M.Kh., Yuldasheva M.A., Muradov R.Kh. <i>Power efficient method of tillage and its technology model</i> . European science review-Austria. 2017. No.1-2. Pp. 212-214.
10	Худоёров А.Н., Мамадалиев М.Х. Теоретическое обоснование параметров рыхлителя комбинированного агрегата // Техника в сельском хозяйстве. – Москва, 2009. – №2. – С. 9-11.	Khudoyorov A.N., Mamadaliyev M.Kh. <i>Teoreticheskoe obosnovanie parametrov rykhlyatelya kombinirovannogo agregata</i> [Theoretical basis of the parameters of plugging of combined aggregate]. Technique in agriculture. Moscow, 2009. No. 2. Pp. 9-11. (in Russian)
11	Худойоров А.Н., Мамадалиев М.Х., Юлдашева М.А., Муратов Р.Х. Power-efficient method of tillage and its technology model // European science review – Austria, 2017. – №1-2. – Pp. 212-214	Khudoyorov A.N., Mamadaliyev M.Kh., Yuldasheva M.A., Muradov R.Kh. <i>Power efficient method of tillage and its technology model</i> . European science review-Austria, 2017. No.1-2. Pp.212-214.
12	Худоёров А.Н. Обоснование ширины и длины рабочей поверхности рыхлительной лапы комбинированного агрегата //Аграрная наука и образование на современном этапе развития: опыт, проблемы и пути их решения: Материалы международная научно-практическая конференция. – Ульяновск, 2009. – С. 40-43.	Khudoyorov A.N. <i>Obosnovanie shirina i dliny rabochey poverkhnosti rikhlitel'noy lapy kombinirovannogo agregata</i> [Basis of the width and length of working surface of plugging hand of combined aggregate. Agrarian science and education on the modern stage of development: experience, problems and ways of their solutions]. Materials of international scientific-practical conference. Ulyanovsk, 2009. Pp. 40-43. (in Russian)
